


R 496
1983/9



ГУЛИСТОН
9
1983






...Биз барча миллатларга маънуб совет кишиларга кўл авлодларга, эркаклар ва аёлларга, ишчилар ва деҳқонларга, зиёлиларга, партия ва совет ходимларига, Қурулди Кучларнинг жангчиларига, коммунистлар ва партиясизларга — социализмни қурган, уни жуда оғир урушда қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолган ҳамда халқлар тенглиги, дўстлиги ва қардошлиги тўғрисидаги минг йиллик орзуни рўёбга чиқарган барча кишиларга офарин айтамыз.

Ю. В. АНДРОПОВ

ИШЧИЛАРНИНГ ИҚТИЛОБИЙ ТОШКЕНТ



ИККИ минг йиллик тўйи нишонланаётган кўҳна Тошкент тарихи жуда кўп муҳим иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий воқеаларни қамраб олган. Қадимги дунёдан бошлаб ҳозирга қадар Тошкент инсоният тарихига ўзининг моддий ва маданий ҳиссасини қўшган ва қўшиб келаётган улуғ шаҳарлардан биридир. Улуғ Октябрь социалистик революцияси Тошкентнинг кўп қиррали ва сермазмун тарихий йилномасида алоҳида буюк аҳамиятга молик. Зероки, Октябрь революцияси бутун инсоният тарихий тақдирини энг адолатли янги даврини — социализм даврини очиб берди.

Бутун мамлакатимизда, шу жумладан, серкуёш ўлкаимизда, унинг пойтахти Тошкентда Улуғ Октябрь галабаси XIX асрнинг охири ва XX аср бошида содир бўлган чўқур тарихий шарт-шароитлар натижасида рўёбга чиқди.

Кўқон ва Бухоро хонликлари Тошкентни забт этиб, ўзларига қарам қилиб олиш учун кўп мартаба тажовузкорлик қилдилар. XIX асрнинг биринчи ярмида Тошкент Кўқон хонлиги тарихийдаги Бекликлардан бирига айланган эди. Хон ҳокимияти ва унинг Тошкентдаги ноиблари шаҳар аҳолиси бошига жуда оғир кулфатлар солди. 1853-1862 йиллар мобайнида Тошкент ҳокими тўрт марта ўзгарди. Бу ўзгаришлар даврида Кўқон хони қўшинлари шаҳарни айрон қилиб, ҳимоясиз аҳолини қирғин-барот қилди. Бу зулм Тошкент аҳолисининг сабр қосасини тўлдирган эди.

Мана шундай мураккаб бир тарихий шароитда бутун Туркистон ўлкаси Россия саставига қўшилди. Бу ерда Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлиги тўзилди. Тошкент эса унинг маъмурий маркази бўлиб қолди.

Чор ҳокимиятининг оғир ижтимоий ва миллий-мустамлака сиёсати меҳнаткаш аҳоли бошига кулфат солди. Лекин чоризмининг реакция сиёсати қарамай, Тошкент ва бутун Туркистоннинг Россияга қўшилиши тарихан ижобий воқеа бўлди. Улжада дастлабки саноат корхоналари — пахта тозалаш ва мой ишлаб чиқариш заводлари, темир йўллар қурилди, булар, ўз навбатида, ишчи кадрларнинг вужудга келиши жараёнини тезлаштирди. Россиянинг илгор маданияти ўзбек маданий ҳаётига ижобий таъсир қилди. Энг муҳими шундаки, Тошкент ва бутун Туркистон ўлкаси революцион Россия, ленинизм ватанининг тарихий қисмига айланди. Шу пайтдан бошлаб, бу ердаги озодлиқ кураши рус ишчилар синфи революцион ҳаракати билан узвий боғланиб камол топди.

Рус халқи, энг яхши демократик анъаналарининг вориси бўлган рус пролетариати миллий зулмининг ашаддий душмани сифатида, чор Россиясида қуллик исанжасидаги барча миллатларнинг содиқ дўсти сифатида майдонга чиқди.

Рус революцион социал-демократлар В. Д. Корнюшин, А. Б. Бахирев, М. В. Морозов, А. В. Худаш ва бошқалар Тошкентда марксистик тўғараклар, социал-демократик гуруҳлар ташкил этишда ташаббус кўрсатдилар. Бу жараён аинқиси 1905 йил революцияси давридан сўнг авж олди.

1905 йил революцияси Тошкентда ишчи ва солдатларнинг сиёсий намоёнлар билан чиқишларига, шаҳар ерли аҳолисининг сиёсий онги уйғонишига са-

баб бўлди. Рус ишчилари ва революцион солдатларининг курашида маҳаллий меҳнаткаш вакиллари ҳам иштирок эта бошладилар. Улар орасида тошкентлик Бинокор ишчи Султонхўжа Қосимхўжаев бошчилигида эски шаҳарлик меҳнаткашларнинг бир гуруҳи 1905 йил июль намоёнлигида актив иштирок этди. Теварак-атрофдаги қишлоқ аҳолиси революцион курашга овлана бошладилар.

В. И. Ленин: «...1905 йил рус ҳаракати Осийни тамоман уйғотди. Урта аср турғунлиги остида эзлиб ёввойлашган юзларча миллион аҳоли янги турмушга ва энг оддий инсоний ҳуқуқлар учун, демократия учун курашга уйғонди» — деб ёзган эди. Сўнгра В. И. Ленин: «Осийнинг уйғониши ва Европа илгор пролетариатининг ҳокимият учун кураш бошлаганлиги XX аср бошида бутун дунё тарихининг янги саҳифасини очганлигини билдиради», деб уқтирди (В. И. Ленин, ТАТ, XXIII т., 164-бет). Лениннинг бу хулосаси Тошкент меҳнаткашларининг тобора ривож топаётган инқилобий-озодлик курашида ўз ифодасини топди.

Россия революцион ишчилар партияси чоризмин, рус буржуазиясининг шовинистик сиёсати қарши курашиб, пролетар интернационализмни байрогини баянд кўтарди. Бу тарихий воқеа исботи учун Туркистон шароитидан бир мисол келтирамыз. Туркистонда вужудга келган кўплаб реакция партиялар сингари Тошкентда 1905 йилда ташкил этилган «Тартиб партияси» ҳам рус буржуазиясидан, шовинистлар гуруҳидан иборат эди. Бу «тартибчилар» революцион социал-демократларга тўхматлар ёғдирдилар, ўзларини маҳаллий аҳолининг ҳимоячилари қилиб кўрсатишга уриндилар. Лекин бу қаллобларнинг тўхматлари Туркистон большевиклари томонидан фош қилинди. Тошкент революцион социал-демократик гуруҳпаси томонидан 1905 йил кузида варақа нашр қилиниб, унда «Тартиб партиясининг кирдикорлари очиб ташланди. Варақада, бу «тартибчилар» «бизни сарт аҳолисининг камбағал қисми манфаатларини эътиборга олмайдди, деб очик бўҳтон қилишадди», деб айтилган. Сўнгра давом этиб бундай дейилади: «Социал-демократлар ҳамма вақт ва ҳар қаерда, ҳар қандай миллатнинг камбағал аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиб келди ва бундан сўнг ҳам ҳимоя қилади. Шу билан бирга улар ҳар қандай золимлар, эксплуататорлар, аини пайтда, «тартибчилар»нинг ашаддий душманларидир. Биз камбағал сартларнинг манфаатларини яхшироқ тушунамыз: бу масала ким ҳақлиги, сиз, қорақарғалар ва кўршанпалакларми, ёки биз — халқ манфаатларининг ҳимоячилари ҳақли эканлигини келгуси замон кўрсатиб бергусидир» (УзССР Давлат архиви, 12-фонд, 2277-дело, 23—24-варақлар).

Дарҳақиқат, тарих большевиклар ҳамма халқларнинг, шу жумладан, ўзбек халқининг ҳақиқий раҳнамоси, чин дўсти ва раҳбари эканлигини исботлаб, шовинист қора гуруҳларининг асл башарасини кўрсатиб берди.

1905 йил Туркистонда ишчилар ҳаракати ва революцион социал-демократик ташкилотлар фаолияти кучайганлиги бу ўлка тарихида муҳим босқич бўлди. Бу вақт большевиклар В. В. Биховский, М. В. Морозов, А. В. Худаш ва бошқалар маҳаллий халқ ўртасида изчил иш олиб бордилар. А. В. Худаш таҳрири остида Тошкентда нашр этилган «Русский Туркестан» газетасининг 1905 йил 6 декабрдаги 258-сонида «Озодлик ҳаракати ва маҳаллий аҳоли» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Мақолада ерли миллат аҳо-

лисининг Россиядаги ва Туркистондаги революцион ҳаракатга қизиққанлиги ва уларнинг кўплаб вакиллари кун сайин бу масалага тўғри ёндаша бошлаганликлари таъкидланган эди.

Маҳаллий аҳолидан Султонхўжа Қосимхўжаев, Дўст Устабоев, Юсуфжон Устамухамедов каби ёш революцион кучлар рус социал-демократлари таъсир остида аҳоли ўртасида сиёсий тарғибот ишлари олиб бордилар. Масалан, Султонхўжа Қосимхўжаевнинг сиёсий ҳаракатда иштирок этиши ҳақида Тошкент эски шаҳар полицияестери махсус ахборот берган эди. У маҳаллий аҳолининг мустамлакачи маъмуруларга нисбатан ҳурматсиз, ноҳўжа муносабатига сабаб бўлмоқда, аҳоли ўртасида сўл партияларнинг гоъяларини тарғиб қилади, деб эътироф этгани бежиз эмас эди.

Тошкент революцион социал-демократларнинг нолегал газетаси «Солдатский листок» — «Правда»

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадиий журнали

№ 9 (403)

Сентябрь

1983

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган


Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриети





Бүгүнкү Тошкент ўзгача гўзаллик касб этган.

В. Гусейнов фотоси



миллий масалада большевиклар сиёсатини қўллаб, бундай деб ёзган эди: «Биз, социал-демократлар, республикада ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлишини талаб қилмоғимиз керак...»

Туркистон генерал-губернаторининг ўлкадаги 1909 йилги аҳвол тўғрисида подшога юборган докладда, кейинги 3—4 йил ичиде (1905—1909 йиллар) Туркистон мусулмонлари ўртасида миллий бирликка интилиш, сўнгра революцион ва ҳатто социалистик ҳаракатга интилиш тобора кучаймоқда, деб эътироф қилинади. Бу ҳужжатда Урта Осиёда темир йўл қурилиши ва 1905 йил рус революцияси натижасида мусламакчиликини истаманган ва чоризм сиёсатига зарба берувчи революцион элементларнинг кўплай Туркистонга келишлари ва уларнинг сиёсий пропагандаси ерли миллатларга таъсир қилганлиги қайд этилган.

1916 йили бутун ўлкада, шу жумладан, Тошкентда чоризмга, унинг биринчи жаҳон империалистик урушида қатнашувига қарши катта халқ кўзғолони кўтарилиши учун ана шу тарзда шарт-шароит аيجادга келди.

1916 йил 11 июлда Тошкент эски шаҳрининг тўрт даҳасидан (Бешёғоч, Шайхонтоҳур, Кўкча ва Себзор даҳаларидан) тўпланган уч-тўрт минг кўзғолончи полиция бошқармасига ҳужум қилди. Полиция ходимлари зўрга бошқарма биносига яшириниб, эшик ва деразаларни маҳкам беркитиб олдилар.

Ҳарбийлар етиб келгунга қадар, кўзғолончилар оломони полиция идорасини тошбўрон қилиб, оналарни синдириб, ичкарига киришга интилди. Ичкарида беркиниб олган полиция ходимлари оломонга қарата ўқ узди. Кўзғолончилар сафидан Абдусамод Абдусатторхўжаев, Мулла Абдуқодир Солимухамедов, Хантбой Ҳасанбоев, Шоюнус Абдуқодиоров ва Сайрамбой Нейматов ҳалок бўлдилар. Уста Олим Олимбоев, Шукржон Зокиржонов, Мулла Олим Файзибоев ва бошқа бир неча кишилар оғир яранландилар.

Ниҳоят, қамалдаги полиция маъмуруларига мадад бериш учун подполковник Савицкий қўмондонлигида прапорщиклар ротаси етиб келди. Халқ оломони ҳарбий қисмдан ҳам тап тортмай, уни ҳам тошбўрон қила бошлад.

Кўзғолонда халқ томонидан 11 киши ҳалок бўлди ва 15 киши яранланди. Ярадор бўлганлардан қуйидагилар кўзғолонда актив иштирок этган, солдатлар ва мишрабларни тошбўрон қилганликда айбланиб қамоққа олинган ва суд жавобгарлигига тортилган эди: Уста Одил Олимбоев, Охунбобо-Абдулазиз Мухамедов, Мулла Олим Файзибоев, Пўлат Мирсаев, Шокир Камолов, Эрнатархўжа Ислоимбоев, Абдуғофир Абдуғофоров, Пўлатхўжа Шоммасқудхўжаев, Эргашбой Мухаммадрасулов, Саифиддин Шоғиёев, Мирсоат Уста Файзисўфиев, Содиқ Сиддиққориев ва Зухрабиби Мухамедовалар.

Туркистон генерал-губернаторлиги марказидаги халқ ҳаракати Сирдарё областининг ҳамма уездлари — Тошкент, Авлиёота, Казалинск, Чимкент, Перовск уездлари ва Амударё бўлимига катта таъсир этиб, у ерларда ҳам халқ кўзғолонларини тезлаштириди. Айниқса, Хонобод, Еттикет, Тўйтепа, Оққўрғон, Бўка, Пискент ва бошқа волостлардаги кўзғолонлар жиддий тус олди.

1916 йилги халқ кўзғолони мағлубиятга учраганлигига қарамай катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Оғир ва қонли жангларда халқ оммаси революцион кураш сабоқларини олди.

1917 йилнинг февралда Россияда буржуа-демократик революция ғалаба қозонди. Россиядаги революция Хева хонлиги ва Бухоро амириликдаги меҳнаткашларнинг ҳам озодлик учун кураши кескинлашувига ижобий таъсир кўрсатди. Рус ва ўзбек буржуазияси халқни Муваққат ҳукуматга итоат этишга чақирди. Маҳаллий буржуазия ўзининг «Шўро исломия» ташкилотини тузди. Муросачи меньшевик ва эсерлар ҳамда рус ва маҳаллий буржуазия ташаббуси билан Муваққат ҳукуматининг Туркистон комитети тузилди.

Буржуа Муваққат ҳукумати ва унинг Туркистон комитети халқ манфаатларига тегишли бирон масаладан ҳал қилмас ва ҳал қилишни истамас ҳам эди. Илгариги чор ҳарбий губернаторлари ва уезд бошлиқлари ўрнига чор амалдори бўлиб хизмат қилган кишилар область ва уезд комиссарлари вазифасига тайинланди. Туркистон комитети ўлка халқлари «ёввойи» ва улар ўз тақдирларини ўзлари белгилашга «ожизлик қиладилар», деб Туркистонга автономия бериш ҳақида ўйламас эди. Россиянинг Муваққат ҳукумати Бухоро амирилиги ва Хева хонликларини ўз протекторати остида сақлаб қолди.

Россия пролетариатининг бирдан-бир чинакам революцион партияси бўлган большевиклар партияси подпольедан чиқиб, В. И. Ленин кўрсатмалари асосида халқ оммаси ўртасида сиёсий ва ташкилий ишни қизитиб юборди. РСДРП(б) Марказий Комитети раҳбарлигида Туркистон большевиклари ҳам меҳнаткашларни сиёсий тарбиялаш ва уларни социалистик революцияга таёрлаш ишларига киришдилар.

Бутун мамлакатда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳокимиятнинг тўла-тўқис Советларга ўтиши учун кураш қизиган тус олди.

Меньшевиклар, эсерлар ва маҳаллий буржуазия миллатчилари аҳоли ўртасида Муваққат ҳукуматга бўйин эгиш керак, деб тавшиқот юритиб, уларни революцион курашдан чалғитишга уриндилар. Буржуа-миллатчилик группаси бўлган «Шўро исломия» (унинг асосини жаҳидлар ташкил этган эди) ва феода-клерикал элементлардан иборат бўлган «улам» жамиятлари Туркистон меҳнаткашларининг рус ишчилар синфи билан бирлашишга тўқтинлик қилди, миллий низо оловини ёқди.

Тошкентда бўлиб ўтган «уламочилар» курултойи ҳам Муваққат ҳукуматга ишонч билдирди ва «Шўро исломия» билан биргаликда бу ҳукуматга ёрдам беришга қарор қилди.

Панисломистлар ва пантуркистлар меҳнаткашларни, улар қайси синфга мансублигидан қатъий назар, «умумтурк, «умуммусулмон» ҳаракатига қўшилишга чақирдилар. Улар ислом шиори остида мусулмонлар манфаатининг бирлиги тўғрисида ривоят тарқатиб, миллий районлардаги синфий қарама-қаршиликларни ҳаспўлашга, маҳаллий миллат меҳнаткашларининг революцион курашини кучсизлантириш, уларни рус ишчилари ва деҳқонларига қарши ўчакштириб, шу йўл билан чекка ўлкалардаги халқлар устидан реакция кучларининг ҳукмронлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Шу мақсадда панисломистлар ва пантуркистлар гўё Россиянинг ҳамма мусулмонларини турли группаларга бўлмасдан, балки уларни бир миллат деб ҳисоблаш керак, деб тарғибот олиб бординлар.

Шундай қилиб, жамиятнинг эски кучлари, Россия ва миллий чекка ўлкалардаги реакция синфлар ва группалар революциянинг ривожланишига жонжаҳдлари билан қаршилик кўрсатди. Улар турли миллат меҳнаткашларининг рус ишчилар синфи билан тобора мустаҳкамланиб бораётган иттифоқига путур етказиш учун жон талвасасида ҳаракат қилди, чунки улар бу иттифокда ўз ҳалокатларини кўрмоқда эди.

Россияда ягона революцион марксистик партия — Россия Коммунистик (большевиклар) партияси эски жамиятнинг ёшени яшаб бўлган кучларига қарши ишчилар синфининг курашига, социалистик революция ғалабаси учун, мамлакатнинг ҳамма халқларини социал ва миллий зулмдан озод қилиш учун олиб борилган курашига раҳбарлик қилди. Коммунистик партия империалистик урушни дарҳол тўхтатиш, корхоналар устидан ва маҳсулотларни тақсимлаш устидан ишчи назоратини ўрнатиш, ерларни национализация қилиш ва уни деҳқонларга бериш, ҳар қандай миллий зулмини йўқотишни талаб қилиб чиқди. Коммунистик партия бутун ҳокимият ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар қўлига ўтиши учун олиб борилган курашда «бутун ҳокимият Советларга» деган шиорни майдонга ташлади.

Россияда ягона революцион марксистик партия — Россия Коммунистик (большевиклар) партияси эски жамиятнинг ёшени яшаб бўлган кучларига қарши ишчилар синфининг курашига, социалистик революция ғалабаси учун, мамлакатнинг ҳамма халқларини социал ва миллий зулмдан озод қилиш учун олиб борилган курашига раҳбарлик қилди. Коммунистик партия империалистик урушни дарҳол тўхтатиш, корхоналар устидан ва маҳсулотларни тақсимлаш устидан ишчи назоратини ўрнатиш, ерларни национализация қилиш ва уни деҳқонларга бериш, ҳар қандай миллий зулмини йўқотишни талаб қилиб чиқди. Коммунистик партия бутун ҳокимият ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар қўлига ўтиши учун олиб борилган курашда «бутун ҳокимият Советларга» деган шиорни майдонга ташлади.

Энг илгор марксча-ленинча назария билан қуролланган Коммунистик партия миллий чекка ўлка ишчилар синфи билан жипслаштириш олд ва пролетар революциясини миллий-озодлик ҳаракатлари билан амалда қўша олди. Мазлум миллатларнинг меҳнаткашлари империализм билан алоқани узмай туриб ва «ўз» миллий буржуазиясини ағдармай туриб, ҳокимият халқ қўлига ўтмай туриб, озодликка чиқиш ва миллий зулмини йўқотиш мумкин эмаслигини борган сари очик-ойдин тўшуна бошладилар.

1917 йил 25 октябрда (7 ноябрда) Коммунистик партия раҳбарлигида Россия ишчилар синфи камбағал деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб, Улуғ Октябр социалистик революциясини амалга оширди ва пролетариат диктатурасини ўрнатди. Советларнинг Иккинчи Бутун Россия съезди бутун ҳокимият Советлар қўлига ўтганлиги ҳақида тарихий қарор қабул қилди. Съезд партиянинг ҳамда ишчи ва деҳқонларнинг жаҳонда биринчи социалистик давлати асосчиси В. И. Ленин бошчилигида Совет Ҳукуматини — Халқ Комиссарлари Советини тузди. Ер курашининг олтидан бир қисмида янги тилдаги давлат — меҳнаткашлар урун чинакам демократияни амалга оширадиган Совет давлати ташкил топди.

28 августда Тошкент ишчи ва Биринчи Сибирь запас полки солдатларининг «Бутун ҳокимият Советларга!» шиори остида кўп миң кишилик митинги бўлиб ўтди. Меҳнаткашларни Лениннинг «Бутун ҳокимият Советларга!» шиори остида революция ғалабасига жалб этишда большевиклар Д. И. Веселовский, Я. Я. Житников, М. Мирходиев, А. И. Иванци, А. А. Казаков, Ф. И. Колесов, В. С. Лягин, И. В. Таболин, А. В. Шумилов ва бошқалар ташаббус кўрсатдилар.

Революцион ҳаракатнинг ўсиши натижасида Тошкент меҳнаткашларининг 1917 йил 12 сентябрда чиқиши бўлди, бу чиқиш «Сентябрь воқеалари» номи билан тарихга кирди. 12 сентябрда 6 миңдан зиёд ишчи ва солдатлар Александровск паркида митингга тўпландилар. Унда большевиклар тақлиф қилган революция яқдиллик билан қабул қилинди. Резолюцияда «бутун ҳокимиятнинг ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари қўлига дарҳол топширилиши» талаб қилинди.

Митинг қатнашчилари 14 кишидан иборат Муваққат Революцион Комитет сайладилар. Унинг составидаги 5 большевикнинг фаолиятини истисно этган ҳолда, айтиш керакки, мазкур ташкилотнинг 5 эсер, 2 меньшевик ва 2 анархист азоси ревком ва Тошкент Совети ижроия комитети контрреволюцияни тор-мор келтириш ва Советлар позицияларини мустаҳкамлаш учун қатъий чоралар қўришига тўқтинлик қилди.

Шунга қарамай, Тошкентдаги сентябрь воқеалари катта тарихий аҳамият касб эди. Бу воқеалар «Бутун ҳокимият Советларга!» деган ленинча шиорнинг омма орасида кенг тарқалганлигини яққол намойиш қилди, буржуа-демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтишининг конкрет ифодаси бўлди.

Муваққат ҳукуматининг Туркистон комитети меньшевиклар, эсерлар билан биргаликда барча аксил-инқилобчи кучларни бирлаштириш ва Тошкент Советини тор-мор келтиришга қаратилган шойишлик чоралар қўрди. Тошкентдаги воқеалардан хабар топанг Муваққат буржуа ҳукумати ишчи ва солдатларнинг инқилобий чиқишларини бостириш учун бу ерга жаза экспедициясини юборди. Экспедицияга

Туркистон ўлкасига генерал комиссар қилиб тайинланган Коровиченко бошчилик қилди. 1917 йил 26 сентябрда Коровиченко: «Тошкентга келганим ва ўлкани идора қилишга киришганимдан сўнг Муваққат ҳукуматга қарши исёнда айбланган кишиларни ҳарбий судга тортман», деган эди.

Муваққат ҳукуматнинг ҳамда унинг Туркистон комитетининг аксил-инқилобий хатти-ҳаракатидан дарнагаз бўлган ишчилар оммавий суратда иш ташлай бошладилар. Улар революцион солдатлардан мадад олдилар.

1917 йил октябрда ойининг сўнги кунларида Тошкентда кўпгина воқеалар рўй берди. Большевиклар Муваққат ҳукуматининг маҳаллий марказларига қатъий ҳужум қилишга пухта ҳозирлик қўйдилар. Шаҳар гарнизондаги ҳарбий қисмларнинг кўпчилиги узил-кесил революция томонига ўтди. Биринчи ва Иккинчи Сибирь полкларининг актив ҳаракати революциянинг ғалабаси учун алоҳида аҳамиятга эга эди. Буни инқилоб душманлари ҳам яхши тушунар эди.

28 октябрда Муваққат ҳукумат жаза экспедициясининг қўмондонни генерал Коровиченко Биринчи ва Иккинчи Сибирь полкларини қуролсизлантириш ва барча большевикларни, ишчи ва солдат депутатлари Тошкент шаҳар Советининг аъзоларини қамоққа олиш тўғрисида ўзининг сўнги буйруғини берди. Коровиченко отрядлари 28 октябрга ўтар кечаси 2-полк казармасига қўққисдан ҳужум қилди ва уйқуда ётган солдатларни қуролсизлантирдилар, Сибирь полки томон йўл олдилар. Ленин улар янглишган эдилар. Вазиятни тезда пайқаб олган большевиклар шойишлик чоралар қўрдилар.

Туркистон большевикларининг кўзга кўринган арбобларидан бири, Тошкент Совети ижроия комитетининг азоси, Тошкентда Октябр қуролли кўзғолонига раҳбарлик қилиш бўйича Ревком раиси В. Ленин ўша кунларни хотирлаб, бундай деб ёзган эди: «Капитализм малайининг ивгогарона хатти-ҳаракати ҳақидаги ҳабар бутун ишчи кварталларига яшин тезлигида тарқалди. Биз иттиригимизда бўлган барча кучларни сафарбар этдик, шойишлик митинглар ўтказдик. Сўхбатларни қисқа бўларди, чунки бусиз ҳам ҳамма нарсани равиш эди. Қатъий жанглар бўладиган пайт, бевосита кўзғолон пайти келгани ҳамма тушунарди. Сустакшилик қилиш жиноят бўларди, сустакшилик сотқинлик деган сўз эди. Шунинг учун ҳам биз ишчиларни дарҳол қуроллан-тиришни талаб этдик». Бу қарорни большевикист позицияда турган Тошкент Совети қўллаб-қувватлади.

Большевиклар раҳбарлигида 28 октябр кўни эр-талаб Тошкентда ялли сиёсий забастовка бошланди — бу қуролли кўзғолондан дараж беради. Кўзғолонга большевиклар — В. С. Лапин, А. Першин, А. В. Шумилов, Д. И. Манжара, Л. А. Казаков, Ф. И. Колесов, А. Ф. Солякин, И. И. Финкельштейн ва бошқалар раҳбарлик қилдилар. Революцион қисмлар Биринчи Сибирь полкига қарши юборилган

НАВҚИРОНЛИК

Осиё ва Африка бирдамлиги Совет комитетининг раиси, Озарбойжон ССР Езувчилар союзи правленийсининг биринчи секретари

самимияти ҳамон қулғимиз остида жаранглаб туради.

Тошкентни дўстлик ва қардошлик шаҳри, биродарлик шаҳри, деб аташлари тасодифий эмас. Осиё ва Африка мамлакатлари сўз усталарининг биринчи бирдамлик конференцияси айнан ана шу ерда бўлиб ўтди. Ўзбекистон пойтахтида турли миллат ва эрққа мансуб кишилар йиғилиб, инсонпарварлик ва иқтимоий адолат, дўстлик ва биродарлик ғояларини тараннум этадилар.

Ҳадемай Тошкент Осиё ва Африка ёзувчилари VII конференциясининг иштирокчиларини кутиб олади. Бундан йигирма беш йил муқаддам икки қитъа тараққиқпарвар ёзувчиларнинг тарихий ҳаракатига асос солинган Тошкентга кўплай мамлакатлардан яна вакиллар келиб, атом уруши фалокатининг олдини олиш учун ўзларининг қатъий сўзларини айтмаклар.

Тошкент икки миң ёшга тўлди! У ўзининг ана шу кутлуг ёшини бунчайган оппоқ сочли қария тилмолида эмас, балки айна гуллаб-яшнаган навақирон бир ҳолатда кутиб олаётганлигини ҳис этиш нақадар мароқлидир. Советлар мамлакатни, Ленин партияси, ўн беш ака-ука, опа-сингиллар — барча қардош республикалар даврасида у ўзининг уқтам навақиронлигини намойиш этиб турибди.

Мен озарбойжон халқи номидан тошкентликларни жонажон шаҳарларининг таваллуд кўни муносабати билан чин юракдан муборақбод этаман! Тошкентга ва тошкентликларга бахт-саодат, гўзал ҳаёт ва янада равнақ тилайман!

Коровиченко отрядини қуролсизлантирдилар. Муваққат ҳукумат эмиссарининг фитнаси барбод бўлди.

Бош темир йўл ва Бородин темир йўл устаконаларининг ишчилари, Биринчи Сибирь полки ҳамда бир қанча ҳарбий батареяларнинг солдатлари қуролли кўзғолонда жуذا актив роль ўйнадилар. Кўзғолонда актив қатнашган Жалол Камолов, Низомиддин Хўжаев, Султонхўжа Қосимхўжаев, Акбархўжа Қосимхўжаев, Мирзахадд Мирходиев, Тошпўлат Абдураҳмонов, Зайнаиддин Ғиёсов, Абдушўкур Абдурашидов, Очил Бобоқонов, Баҳром Нурмухамедов каби таниқли маҳаллий сиёсий арбоблар эски шаҳар меҳнаткашларини революцияга тайёрлаш ҳақида катта иш олиб бординлар.

Кейинчалик С. Қосимхўжаев ўз хотираларида қуйидагиларни ёзди: «Уша оғир кунларда биз М. Мирходиев, О. Бобоқонов ва бошқалар билан Бирликда Тошкентнинг эски шаҳар қисмида катта иш олиб бориб, ўзбек камбағалларини кўзғолонда қатнашишга давват қилардик. Кўзғолоннинг ҳал қилувчи кунларида биз икки юз-уч юз ўзбекдан иборат қуролли дружина ташкил қилдик. Эски шаҳар дружинаси рус ишчилари ва революцион солдатлари билан биргаликда контрреволюцияга қарши жангларда қатнашди».

Ҳарбий хизматдан бўшатилиб, Самарқанддан Тошкентга келган олти юз солдат кўзғолончилар сафига қўшилди. Кўзғолончиларнинг кучи аксил-инқилобчиларнинг кучидан ортиқ эди. 1917 йил 31 октябрда сўнги ҳужум бошланди. Бу ҳужум Октябр қуролли кўзғолонининг ғалабаси билан якунланди. Бутун ҳокимият Советлар қўлига ўтди.

Тошкентда революциянинг ғалабаси бутун Туркистон ўлкасига ёйилди. 1917 йилнинг ноябрь ойидан 1918 йилнинг бошларигача ўтган давр ичиде Туркистоннинг ҳамма шаҳар ва областларида Совет ҳокимияти ўрнатилди.

1918 йил май ойида Тошкентда Туркистон Советларининг V қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, РСФСР составида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасини тузиш тўғрисида тантанали равишда қарор қабул қилди.

Тошкент пролетариати мамлакатдаги революцияда ҳамма олднинг сафларда туриб, Россия ишчилар синфи большевикист партиясининг миллий сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда, барча миллатларнинг тенглиги ва биродарлиги учун курашди, уларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиқди. Шунинг учун ҳам Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг 1924 йил 19 апрель қарорига биноан Тошкент шаҳар пролетариати революциядаги жанговар хизматлари учун Қизил Байроқ ордени билан муқофотланди. Ана шу инқилобий воқеалар ўзининг кутлуг икки миң йиллиги нишонланаётган Тошкент тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Ш. Р. РАШИДОВ

М

АНА рўпарангида географик харита турибди. Сиз унга кўз югуртирасиз. Орол денгизи мамлакатимиз территориясининг бир бурчиди, Обь дарёси эса узоқ Сибирда. Харитага қараб туриб, дафъатан, Обининг Оролга қуйилишини тасаввур қилолмайсиз. Лекин бу реал гап. Космик асри бўлган бизнинг замонамизда не-не мўъжизалар юз бермаяпти дейсиз. Мана, орадан ўн-ўн беш йиллар ўтади, Обь Оролга оқади, Сибирь дарёлари билан Сир ва Аму албатта, туташади.

Бу мўъжиза қай йўсинда амалга оширилади? Унинг иқтисодий самараси қандай?

Урта Осиё республикаларида ва Қозоғистон чўлларида минг-минг гектарлаб кўз илғамас унумдор ерлар ястаниб ётибди. Бу ерларни ўзлаштириб, халқ хўжалик тасарруфига киритиш учун эса сув — обиҳаёт керак. Иккинчи томондан, Урта Осиёдаги мавжуд сув ресурслари дашту чўлланиннг йил сайин кўплаб ўзлаштирилиши натижасида кескин камайиб бормоқда. Бунинг устига, Орол денгизи сув сатҳининг тобора камайиши ўша воҳаниннг табиат дунёсини, ҳайвонот оламини хавф остига солмоқда. Мана шу зарур ҳаётий эҳтиёжлар Сибирь дарёларини Урта Осиёга бошқариш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Сибирь дарёларини Урта Осиёга келтириш масаласини инженерлик ишлари жиҳатидан ўрганишга олтишинчи йилларда киришилган эди. Уша вақтдаёқ Урта Осиёдаги сув ресурслари чекланганлиги маълум бўлган эди.

Маълумки, Урта Осиёда сув ресурслари асосан икки дарёдан — Сирдарё ва Амударёдан иборат. Чу, Талас, Асса дарёларининг умумий обиҳаётимизга қўшилаётган сувлари эса жуда оз миқдорни ташкил этади. Ер ости сув ресурсларимиз ҳам унчалик мўл эмас. Табиат шароити қулай келган йилларда ерости сувларининг бир йиллик умумий миқдори 98 куб километрни ташкил этиши мумкин. Бу миқдорнинг атиги тўртдан бир қисмидан фойдаланиш мумкин.

Урта Осиёдаги сув ресурсларининг асосий қисми суғоришга сарфланади. Ҳар йили деҳқончилик қилинаётган сувли ерларга йилига 110-117 куб километрга яқин сув сарфланмоқда. Суғориладиган майдонлар эса муттасил кўпайиб бормоқда. Ҳозир бундай майдонлар 7 миллион гектардан ортиқдир.

Урта Осиё республикаларида қишлоқ хўжалиги бўйича ҳар йили кўрилаётган элли даромад 10 миллиардагача етди.

Халқ хўжалигининг sanoat, балиқчилик ва коммунал хўжалик тармоқларига ҳам анчагина миқдорда сув сарфланмоқда. Сув камчил бўлган йилларда бу



рида 80 процентга етмоқда. Лекин шунни айтиш керакки, суғориш учун сув етарли бўлмаганидан Урта Осиё республикаларидаги миллион-миллион гектарлаб унумли ерлар фойдаланилмай ётибди. Ваҳоланки, Урта Осиё шароитида суғорилаётган ҳар гектар ер йилига 1800 сўмгача фойда келтирмоқда. Бу, Украинага қараганда қарийб уч баравар кўпдир. Республикамизда ҳар гектар макжаҳузоридан 70 центнердан ҳосил олинаёпти. Бу ҳам Шимоллий Кавказдаги кўрсаткичдан икки баравар ошдиқдир.

Биринчи навбатда ўзлаштирилиши лозим бўлган Орол денгизи ҳавзаларининг ўзидagi унумли ерлар 14 миллион гектардир. Ҳозир унинг атиги ярмида суви деҳқончилик қилинаётир. Мабода, сув ресурслар муаммоси хал қилинмаса, ана шундай катта ер бойлигинингдан фойдаланиш имконияти бўлмайди.

Сув ресурсларининг тақчиллиги экологик нуқтани назардан ҳам сезилмоқда. Сирдарё ва Амударё сувларини истезмол қилиш миқдорининг муттасил ортиб бориши натижасида Оролга қуйиладиган сув кескин камайиб бораётир. Кейинги йигирма йилда Орол денгизининг сатҳи 7 метрга пасайди. Табиийки, бу мазкур денгиз регионидagi табиатга, ундаги ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатмоқда. Орол — бу регионда иссиқликни юшатувчи омил. Денгиз сатҳининг йилдан-йилга пасайиб бориши эса ўша район иқлимини янада континентал қилиб қўймоқда. Ҳозирданоқ қиш фаслида Орол бўйида ҳарорат бир даражага пасайди. Агар яқин келажакда денгиздаги сув миқдори кўпаймаса, бу районда қишки ҳарорат яна 2—3 даражага пасайиши, ёзи ҳарорат эса шунча ошиши мумкин. Оқибатда Орол бўйи районидagi деҳқончилик хусусиятини ўзгаришига, пахтачиликни жанубий зонага суришга тўғри келади.

Орол денгизига сув сатҳининг тобора пасайиб бориши унинг ҳавзаларида ҳамда Сирдарё, Амударё этакларида тупроқнинг шўрланишига олиб келмоқда. Мана буларнинг ҳаммаси Сибирь дарёларини Урта Осиёга бошқаришни зарурият қилиб қўймоқда.

Учинчи имконият эса, Обь сувининг бир қисмини Орол ҳавзасига келтиришдир.

Бу улкан ишга тайёргарлик кўришга киришилганига бирмунча вақт бўлди. Мамлакатимизнинг 150 га

ДАРЁЛАР ТУТАШГАНДА

хил эҳтиёжларга кетадиган сувни чегиришга мажбур бўлмоқдамиз. Масалан, ўтган йили эҳтиёжимиз учун зарур бўлган 15 куб километр сув етишмади. Бу эса, Сирдарё сувининг ярми демакдир.

Ҳўш, сув камчилигидан қандай қутилиш мумкин? Бунда асосан учта йўналиш — имконият бор. Биринчиси: Мавжуд сув ресурсларидан тўғри ва самарали тақсимлаш йўли билан фойдаланишдир. Шу мақсадда Сирдарё сувидан самарали фойдаланиш учун, унинг йўлида ва унга қуйиладиган ирмоқларда Тўхтагул, Чороқ, Андижон, Қайроққум, Чордара сув омборлари бунёд этилди. Умуман, Сирдарё ва унинг ирмоқлари сувини жамғариш учун фойдали сифими 27 куб километрни ташкил этган 16 та сув омбори қурилган. Яқин йилларда сув ирмоқлари йўлида яна 5 та кичик ҳажмдаги сув омбори қуриш кўзда тутилган. Ана ўшанда суғоришда Сирдарёнинг оқар сувларидан тўлиқ фойдаланиш имконияти бўлади.

Амударё сувидан фойдаланишни бошқариш борасида ҳам кўп ишлар қилинди. Ҳозир Норак ва Туя

мўйин сув омборлари ишлаб турибди. Вахш дарёсига Роғун сув омборини қуриш лойиҳалаштирилмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси Амударёнинг бир йиллик оқар сувининг 90 процентини жамғариш имкониятини беради.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишдаги иккинчи имконият — бу суғориладиган деҳқончиликда сувни тежаб-тергаш, уни исроф қилмасдан фойдаланишдир. Фақат биргина бизнинг республика-мизда сувнинг филтрланиб (ерга синиб) кетишини кескин камайтириш учун ҳар йили умумий узунлиги 1000 километргача бўлган каналларга бетон ётқизилмоқда, 3000 километргача нов ариқлар ва ёпиқ қурувлар қурилмоқда. Шунингдек, суғориш техникаси ва технологияси ҳам такомиллаштирилмоқда.

Кейинги йилларда суғориш системаларининг фойдали ҳаракат коэффициенти анча яхшиланди. Бу коэффициентни АҚШнинг гарбий штатларида 43 процент, ГФРда 15 процент, Туркияда 58 процент бўлгани ҳолда республикамизнинг янги суғорилаётган зона-налари бўлган Мирзачўлда, Жиззах ва Қарши чўлла-

МУСОБАҚАДОШЛАР

— Қани, Ҳакимжон, конусни тўғри ўратинг-чи, ҳа балли, энди ёни болларни қотиринг. Аҳмаджон, сиз бу томондан урчуқ асосларини маҳкамланг.— Йигирув машиналарини монтаж қилаётган ҳар бир созовчию слесарга Исроиљжон шу тарзда кўрсатмалар бериб борар, ўзи ҳам гайрат билан ишларди.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министригининг Наманган области бўйича қурилаётган корхоналари директори Илҳомжон Нейматов билан Ҳаққуллобда қад ростлаётган Наманган Шойи газламалар комбинатининг ип йигирув ва газламалар тўқув фабрикасидаими. Тўғри монтажчилар ҳузурига кириб бордик.

— Ҳорманглр, йигитлар! — Бор бўлинглр, — деб ҳамма учун жавоб берди Исроиљжон. Қатор орден ва медаллар нишондори, коммунист, Наманган шаҳар Советининг депутаты Исроиљжон Исмоилов — 18 йилдан бери тўқимачилар сафида, бригадир. У Наманган Шойи газламалар комбинатини ишга туширишда ҳам жонбозлик кўрсатган. Бугун у, ўз бригадаси билан янги фабрика қурилишини тезлаштириш ниятида меҳнат қилмоқда.

Исроиљжоннинг ҳислатларидан бири шундаки, у беллашиб ишлагани, мусобақанинг ошкорлигини яхши кўради. Бу ерга келган кунни ҳам қизиқ бўлди. Иш майдонларини мослаштиришга пайта, зарбдор қурилиш итабининг бошлиғи, Ўзбекистон Компартияси Наманган область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Маҳкам

Камолов келиб қолди. Штабнинг оператив кенгашида бугунги иш суръати, графикнинг бажарилиши кенг муҳокама қилинди. Фабриканинг биринчи навбатини июль ойига қадар ишга тушириш учун аниқ тадбирлар белгиланди. Таҳлиллардан маълум бўлишича, Белоруссиядан келган монтажчилар иши бироз суст кетаётди, бу аҳволда машиналар монтажига ҳам, уни созлаш, синаш ва ишга тушириш ҳам қийин.

— Фабрикани мuddатида ишга тушириш учун биз зарбдор бригада туздик, — деди йигилишда сўзга чиқиб Исроиљжон. — Суръатни кўлдан бермаслик учун белоруссиялик монтажчилар билан мусобақалашсак, улар тайёрлов, биз йигирув цехларидеа монтаж ишларини бажарсак, беллашув, донм бўлганидек, яхши самаралар беришига ишонаман. Ҳар уч кунда мусобақа яқини чиқариб берилса...

Штаб аъзолари ҳам, қурувчию монтажчилар ҳам бу таклифни маъқуллашди.

— Балли, шововлар! — дея Исроиљжон Исмоилов билан оператив кенгашида иштирок этаётган белоруссиялик монтажчилар бригадаси бошлиғи Владимир Ломовнинг кўлини қаттиқ қисди штаб бошлиғи. — Сизларга муваффақият тилаймиз!

Шу кунга социалистик мусобақа шартномасига имзо чекиди.

Ушандан бери уч бор мусобақа яқини чиқарилди. Биринчи бор тизги, саваб ва тараш машиналарини монтаж қилаётган В. Ломов етакчи-

лигидаги бригада голиб чиқди. Кейин ип йигириш машиналарини ўрнатаётган, уларни ўз ўрнида созлаб, синаб, бир йўла ишга тушириб кетаётган И. Исмоилов бошлиқ бригада муваффақият қозонди.

Мусобақадошларнинг ўзига хос иш усулларини кузатдик. Белоруссияликларнинг методи бошқачароқ бўлиб, улар машиналарни ўрнатишгандан кейингина созлаш, синаш ва ишга туширишга киришардилар. Наманганлик йигитлар эса, вақтини тежаш ниятида, бир пайтнинг ўзида тўрт жарабани монтаж қилиш, созлаш, синаш ва ишга туширишни уйддалашарди. Голибқининг ўзига хос, кўп йиллар тажрибада синалган сирини шунда эди.

— Бу йил 17 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши лозим, — дейди Илҳомжон Нейматов, — Ҳаққуллоб, Уйчи ва Учқўрғондаги филиаллар қурилишида ўтган беш ой ичида 5,3 миллион сўмлик иш бажарилди. Унинг 4 миллион сўмлик қисми Ҳаққуллобдаги қурилишга тўғри келади.

Фабриканинг бош корпуси, ҳарорат ва иқлим мўтадиллигини таъминлаб берувчи станция, қозонхона, ўт ўчириш депоси, 500 ва 1000 куб метр сигимли бешта ҳавза, буғлаш цехи каби қатор қурилиш ишлари кетма-кет ниҳоясига етказилмоқда.

Ишлаб чиқариш цехларида инженерлик коммуникацияси, канализация, иссиқлик ва электр тармоқларини монтаж ва созлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Совет кишиларига хос ҳамкорлик, биродарлик туйғуси фабрикани тез ва соз қуришда асосий омил бўлмоқда. Белоруссия, Москва, Киев, Красноярск, Минск, Иваново саноатчилари ўз вазифаларини юксак масъулият билан амалга оширмоқдалар. Ҳар бир коллектив ўзининг аниқ режасига, маълум уастка ва тайиниш графигига эга. Аини пайтада ҳар бирининг иши бошқа ва коллективлар билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти суръатга суръат қўшаётди.

Намангандаги Мадаминжон Қаҳдор етакчилиги қилаётган 16-максус механизмлашган кўча колонна ишчилари канализация, иситиш ва водопровод тармоқларини ўрнатишда фидокорлик кўрсатишаётди. Абдулла Темуров, Зокир Убайдуллаев, Турдали Собиров бошлиқ бригадалар қисқа мuddат ичида 360 минг сўмлик иш бажаришди. Мусобақанинг олдинги сафларидеа бораётган краснордик сазовчилар ҳам меҳнатда ўрнат бўлмоқдалар.

Норин райони колхоз ва совхозларидан қанб амри билан ҳашарга келган 1 минг 300 киши фабрикани бунёд этиш ишларида қатнашмоқда. Бироқ «Саноат вентиляцияси» ва электр асосларини монтаж қилиш бошқармалари, Учқўрғон кўча механизмлашган колоннаси, область нефть маҳсулотлари идоралари бажаредиган ишларнинг авжи паст. Мазкур ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ангаган ҳолда ишга ендашганларида эди, йигирув фабрикаси ишга тушиши янада тезлашган бўларди. Зеро, бу ҳақда истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун кўплаб толарлар йигириш имкони юзага келади, халқимиз учун камалаканг газламалар кўплаб тўқилади, деган гапдир.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленуми қарорларидан илҳомланган қурувчилар фабрика қурилишини мuddатидеа адо этишларига ишончимиз комил.

Тургунпўлат СУЛАЙМОНОВ

яқин иллий ва лойиҳалаш ташкилотлари бу муаммони кенг равишда ҳар томонлама ўрганмоқдалар. Е. Е. Алексеевский номидаги Сува ҳўжалиги иншоотларини лойиҳалаш Иттифоқ институти бу ишни лойиҳалаштириш ишларига етакчилик қилди. Бу улкан Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган иншоотнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилди ва тадқиқланди.

Обь Оролга қайси йўсинда қуяилади? Аввало шунини айтиш керакки, Сибирь дарёларини Урта Осиега бошқариш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда Обь дарёсидан 25 куб километр, иккинчи босқичда эса 60 куб километр сув олиниб: Урта Осие ва Қозогистонга узатилади.

Бу уринда: «Кейин Обь дарёсининг ўзидеа сув озайиб қолмайди!» деган савол ҳам туғилиши мумкин. Маълумки, Обдан сув олиш канали бошланадиган жойда унинг сув миқдори 333 куб километрге тенг. Демак, биринчи навбатда, дарё сувининг атиги 7,5 проценти, иккинчи навбатда эса фақат 16 проценти олинади. Демак, бу билан Обь ва унинг атрофидаги район ҳеч қандай зарар кўрмайди.

Мутахассислар бу борада кўпгина лойиҳа вариантларини ўрганиб қуриб, «Тўғрай-1» вариантини маъқул топдилар. Биринчи навбатда сув Иртишдан, унинг Обь дарёсига қуйиладиган жойининг сал юқориридан олинади, иккинчи навбатда эса сув Белогорье қишлоғи ёнида — Бевосита Обнинг ўзидан олинади. Обь сувини сув тақсимлаш тармоғига кўтариш учун умумий қуввати 2,7 киловатт бўлган 5 та насос станцияси қурилади. Шу насослар ёрдамида Иртиш суви бирдан-бирига узатилиш йўли билан етмиш беш метр баландликка кўтарилади, кейин эса сув бош канал орқали оқаёшоларди. Лойиҳачилар каналнинг 1 минг 390 километрдeа сувини тўплаб олиш учун Тегиз сув омборини қуришни лозим деб топдилар. Унда биринчи навбатда тўрт миллиард куб метрга ақин, иккинчи навбатда эса ўн тўрт миллиард куб метрга сува жамғарилади. Лойиҳадeа кўзда тутилган сув омбори, Сирдарёда қурилган Чордара, Амударёда қурилган Туюқийин сув омборлари ёрдами билан Иртиш ва Обдан олинадиган сувини меъёрли бошқариш имконияти туғилади.

Обдан бош канал орқали келадиган сув жанубишарққа оқиб, Жусали шаҳри ёнида Сирдарёни кебиб ўтади, кейин эса жануб томон оқиб, Урганч ва Нукус шаҳарлари ўртасида Амударёга қуйилади.

Бош каналдан чиқариладиган иккита тармоқ канал ёрдамида эса Сибирь суви билан Чордара ва Туюқийин сув омборлари тўлдирилади. Катта каналнинг бошланиш қисмида Тюмень, Троицкий, Қўстанай, Жезқазған ва Ақтобинск тармоқ каналлари ҳам қурилади. Бош каналнинг умумий узунлиги 2 минг 273 километри ташкил этади.

Биринчи босқичда каналга сув ёзда секундига 1000 куб метргача миқдорда, иккинчи босқичда эса бу сув миқдори секундига 2 минг 400 куб метргага ортади. Шунга мувофиқ каналнинг сув ўтказиш имконияти икки мартадан кўпроқ ошиши лозим.

Лойиҳачи мутахассисларнинг фикрига кўра, маълум қаналда сувнинг оқини ҳам ортди боради. Капитал маблағ харажатини камайтириш мақсадида каналга бетон ётқизилмайди. Тўғри, бунда сувнинг маълум бир қисми ерга сингиши табиий. Лекин ленинградлик ва москвалик олимлар бу миқдор жуда оз бўлиб, 5—10 процентдан ошмаслигини аниқладилар.

Обь дарёсининг биринчи босқичда олинадиган сувдан РСФСРда 1 миллион гектар, Шимолий Қозогистонда 1 миллион гектар, Урта Осие ва Жанубий Қозогистонда эса 2 миллион гектар ерни сўғориш учун фойдаланилади.

Сибирь дарёсини Урта Осиега ва Қозогистонга бошқариш билан боғлиқ бўлган бутун қурилиш комплексини бунёд этиш учун катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажаришга тўғри келади. Фақатгина биринчи босқичнинг ўзиндаёқ бажариладиган ер ишлари ҳажми 6 миллиард куб метрдан, бетон ишлари эса 15 миллион куб метрдан ортиқдир. Шунингдек, қарийб 1 миллион тонналик металл конструкциялар монтаж қилинади.

Мазкур, лойиҳаларни тайёрлашда биз хизмат қилаётган Урта Осие Сув ҳўжалиги илмий-тадқиқот институтининг олимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Институтимизда Обь дарёсидеа сувини бош каналга бошқариш семуалари махсус моделларда текшириб кўрилди. Сув тушириш тармоқларидан фойдаланиш лабораториясининг мутахассислари Белогорье қишлоғи ёнида Обь дарёсидеа сувини тўғунсиз олиш мумкинлигини аниқладилар. Табиийки, бу нарса қурилиш қимматини анча кемайтиради. Институтимизнинг сув тармоқларидан фойдаланиш бўлими, йирик каналлардан ва сув

омборларидан фойдаланиш лабораторияларининг олимлари ҳам махсус моделларда ва ҳисоблаш методлари орқали бош каналда сувнинг мўтадил оқиб тезлигини аниқлаб бердилар. Бу эса бажариладиган тўпроқ ишлари ҳажмини ва унинг қимматиини камайтириш имкониятини туғдиради. Институтимизнинг сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўлими ходимлари эса Сибирь дарёлари Орол денгизига қуйиладиган кейин ундаги сув сифати қандай бўлишини аниқлаш бўйича текширишлар ўтказдилар.

Сибирь дарёлари сувини Урта Осие ва Қозогистонга оқизиш вазифаси қанчалек улкан иш бўлмасин, бу иш муваффақиятли уйддаланади. Чунки бизнинг мамлакатимизда сув ҳўжалиги қурилиш соҳасида катта тажриба тўпланган. Давлатимиз қудратли қурилиш индустриясига эга. Жанубий Миразчул, Аму-Бухоро, Қарши магистрал ва Қорақум каналларини лойиҳалаштириш ва уларнинг муваффақиятли қуришни уйддалаган сув ҳўжалиги мутахассисларимиз, олимларимиз Сибирь дарёларини Урта Осиега келтиришга ҳам қодирдилар.

Ҳўш, Сибирь дарёларини тушириш биринчи навбати қандай иқтисодий самаралар беради? Шунини айтиш керакки, бу бемисл иншоот ишга тушгандан кейин шу регионда дон етиштириш 17 миллион тоннага, сут етиштириш 11 миллион тоннага, гўшт етиштириш 3 миллион тоннага ортади. Маълум ерларни пахтачиликка ихтисослаштириш билан бир миллион тоннадан ортқ пахта ва яна 4 миллион тонна дон ҳам олиш мумкин. Умуман, қишлоқ ҳўжалигидеа ялли маҳсулотлар таҳминан 5 миллиард сўмга ортади. Ишчи қучлари учун иш жойлари сонини кенг миқёсда кўпади, сувнинг сифати яхшиланади.


Шу нарса мўҳимики, сарфланадиган капитал маблағ жуда қисқа мuddатда — 7,2 йилда қопланади. Бу улкан қурилиш совет кишилари қоравонлигини янада ошириш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш йўлида партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигининг яна бир амалий тимсолидир.

Ҳа, халқимизнинг куч-қудрати билан Обь дарёсидеа Орол денгизи томон оқарди.

Холдор ЕҚУБОВ,

В. Д. Журин номидаги Урта Осие Сув ҳўжалиги илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари.

ИСТАРА ОҚШОМЛАРИ



Қадим Шерободдан эски Термизчага булган минг-минглаб гектар майдонда бепоён чўл ястаниб ётарди. Илгарилари бу чўлнинг катта қисмини ташкил этган Истара даштларига Шеробод дарёсидан шарқираб сув оқарди. Лекин эллингич йилларга келиб, дарёдан бир томчи ҳам сув оқмай қолди. Истара тупроғи жануб қуёшининг кучли ҳароратида қовурила бошлади. Тўрахўжаев номидagi, Янгийўл, Меҳнатозод ва Қўнчиқиш қишлоқларининг аксарият аҳолиси Ангор районидagi «Таллиморон» совхозининг серсув ерларига кўчиб ўтди...

Қарийб йигирма йиллик танаффусдан сўнг чўлда суғориш иншоотлари барпо этилиб, қўриқчи ўзлаштириш учун дастлабки одимлар ташланди. Чўлга ёппасига ҳужум бошланди. Қўриқнинг қон томири—Шеробод магистрал каналининг ишга тушиши чўл жамолини бутунлай ўзгартириб, юбориш, даштда йирик-йирик ҳўжалиқлар ташкил этиш имкониятини яратди.

Қосим Раҳимов номли совхоз—Истара даштининг кенжа ҳўжалиқларидан. Унинг маркази бўлган Истара посёлкаси ҳозирги пайтда бог-роғлар бурканган сўлим бир қишлоқ. У ердаги асфальт ётқизилган тўғри, равон кўчалар шишадек ярақлайди. Посёлка ичкарасига қадам қўйишнинг биланок кўп қавати бинолар кўзга ташланади. Эрталабданок минглаб талабалари ўз бағрига оладиган мактаблар, болалар богчалари, архитектурамининг сўнгги ютуқлари асосида қурилган турар-жой, маданий-маиший бинолар диққатингизни жалб этади. Йўллар ёқасида тизилб кетган манзарали дарахларнинг куюқ сояси Сурхон қуёшининг тафтини қайтарди, ерга тангадек соя тушмайди.

Шундай: совхоз маркази кун сайин гўзаллашиб, обод бўлиб бораётди. Ҳўжалик меҳнаткашлари фаровон ҳаёт кечирмоқда. Бу ердаги турмуш тарзи шаҳардан фарқ қилмайди. Бу ҳақда гап кетганда, совхоз директори Гаффор Холиқов биринчи галда қуйидагиларга алоҳида тўхталди:

— Ҳўжалигимиз меҳнат аҳли—ишчан, фидойи кишилар. Совхоз ишлаб чиқариш самарадорлигини, иш сифатини ошириш ҳамда иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажариш

юзасидан социалистик мусобақада энг юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун 1981 ва 1982 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг дипломи билан тақдирланди. Она-Ватан ҳар йили деҳқонларимиздан ўн беш минг тонна «оқ олтин», минг-минг тонналаб деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари қабул қилиб олмақда. Норқул Муҳаммадиев, Гаффор Нурманов, Эшпўлат Абдувоҳидов, Қалқон Суёнов, Менқобил Мардиев, Жаббор Холиқов, Хурсанд Қайюмов, Йўлдош Менглиев каби тадбиркор деҳқон ва чорвадорлар бизнинг фخرимиз. Йил сайин кўплаб қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб берилаётганлиги туфайли совхозимиз иқтисодий жиҳатдан мустақамланб бормоқда. Совхозимиз миллионер ҳўжаликка айланди. 1982 йилда 10 миллион 600 минг сўм соф фойда олинганлигини таъкидлашининг ўзи киёф. Булар самарали меҳнат натижасидир. Гап фақат яхши ишлашадигана эмас, гўзал, маданий турмуш кечира билишда ҳам.

Ҳа, гўзал яшамок керак!..

* * *

Ибот бобонинг ҳовлиси бирпасда фарзандлари, неваралари, келинлари билан тўлди.

— Бобо, неvara-чевараларингиз нечта бўлди!—дея отани гапга тортиди ҳамроҳим—совхоз партия комитетининг секретари ўртоқ Т. Алламуродов.

— Олтими олтитага етди,—мамнун жавоб қайтарди бобо.

Ҳовлига назар ташлаймиз. Атроф озода, сал этакроқда турфа гуллар буй таратади, олма, ўрик, шафтоли дарахларининг шохлари фарқ пилган—меваларини кўтаролмай пастга эгилб турибди. Уй бежирини қурилган. Болалар хонаси алоҳида... Ҳеҳмонлар хонаси, дам олиш хонаси. Тўртинчи хона эса кутубхона. Жаваонларга совет классик ёзувчилари, қардош халқлар, ўзбек ва чет эл адабиётининг атоқли номияндларининг асарлари қўйилган.

— Икки ярим мингта китобимиз бор,—дейди бобонинг ўртанча ўғли Хўжаёр Иботов.—Оиламизга алоқадор юз нафарга яқин киши шу ердан китоб олиб ўқийди.

Хоналар дид билан жиҳозланган. Турли меҳеллар тартиб билан териб қўйилган. Рангли телевизор ҳам, диванлар ҳам, юмшоқ ўриндиқлар, стол-стуллар ҳам ўз ўрнида. Деворда тасавир санъат асарлари, мўй-қалам усталарининг картиналарига кўзингиз тушади.

— Ўн беш фарзандим бор. Тўққиз ўғлим олий маълумотли,—дейди Ибот бобо бадий китоблардан бирини қўлига олар экан.—Ҳаммаси бир-бирини ҳурмат қилади.

Бобонинг олий маълумотли ўғиллари: Хушвақт, Жўра, Абдураҳмон, Донйёр, Чори, Раҳимқул, Турдимурод халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида хизмат қилмоқдалар.

— Ҳозирги тўқин-сочин даврда яхши яшаш деганда фақат баъзи нарсаларини назарда тутадиганлар ҳам йўқ эмас,—дейди бобо ҳикоясини давом эттириб.—Киши энгил машина миниб, яхши кийиниб, қорни тўқ бўлиб юриш билангина фаровон, бахтиёр яшашман, дейиши мутлақо хато. Хоналарни кўнгилдагидек жиҳозлаш, фарзандларнинг маънавий эҳтиёжлари ҳақида доим қайғуриш лозим. Ҳовлиларга гуллар, мевали ва манзарали дарахлар ўтказиш, кино, музика, қўшиқ санъатидан, бадий адабиётдан баҳраманд бўлиш инсон маънавий камолотини таъминлашга имкон берадиган омиллардир.

— Зоир Холиқов, Парда Бобоқолов, Холқул Муҳаммадиев, Абдуқодир Жавалиев, Тожи Абдуллаевлар онласи ҳақида ҳам худди шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин,—дейди совхоз директорининг маданий ишлар бўйича ўринбосари Тамара Жумаева.—Улар маданий турмуш кечиринида бошқаларга намуна бўлишаётди. Хуллас, посёлка меҳнаткашларининг барчаси маданий, фаровон яшамокдалар. 1978 ва 1981 йилларда ободончилик ва турмуш маданияти бўйича совхозимиз республика кўрик-конкурсининг дипломига сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас-да...

Қишлоққа оқшом чўқмоқда. Совхоз марказига кўрк бериб турган чинор, арча, қайрағоч каби манзарали дарахларнинг япроқлари қуёш шафағида ялтирайди. Кун бўйи далада фидокорона меҳнат қилган кишилар оқшомлари кўчаларни тўлдирди...

Кенг гулбоғ этагида ҳашаматли

клуб қад кўтарган. Бу ерга келувчиларнинг кети узилмайди. Бугун ҳам клуб зали одамлар билан тирбанд. Улар севишли «Нилуфар» ансамблининг чиқишларини томоша қилишга оdatилишган. Саҳнада хушовоз хонанда Курбон Каримов. У «Онажон» қўшиғини қуйламоқда. Ҳаваскор хонанданинг ширали овози посёлка узра таралиб, дилларни ром этади. Саҳнага бирин-кетин ёш хонанда, раққосалар—Шодмон Эргашев, Урол Тўрақулов, Абдуқодир Аҳмедов, Бозоргул Раҳимова, Холбой Тўлаев, Момоҳол Худойбердиева, Гулҳол Менглиева, Дилором Муродовлар чиқишди, қўшиқлар ва рақслар ижро этадилар. Совхоз ишчилари, механизаторлар, чорвадорлар, қурувчилар ёш бадий ҳаваскорлик тўғрисида аъзоларининг санъатини мароқ билан томоша қиладилар.

...Клубнинг иккинчи қаватида ҳам одамлар гавжум. Бу ердаги турли тўғарларда маҳсулотлар ўтказилаётди. Бир гуруҳ кишилар эса шахмат-шахка ўйнашарди. Хоналарнинг иккитаси кутубхона учун ажратилган. Кутубхоначи Ойнаҳол Нурманова беш юз китобхонага хизмат қилади. Кечқурунлари эса клубда турли фильмлар намойиш этилади.

Хуллас, оқшомлар бу ерда ниҳоятда мазмундор ва файзли кечади.

...Кўчаларнинг икки тарафига шинам, замонавий типда қурилган турар-жой бинолари қишлоққа ўзгача чирой бағишлаган. Уйлар атрофи ораста, сулуруб-сидирилган. Иморатлар сонин ой сайин қўлаймоқда. 87-механизмлашган кўча колониянинг қўли гул бонкорлари бунёд этаётган кўрак иморатлар аҳоли учун қўлай. Уйлар, маданий-маиший бинолар сифатли қурилаётди. Шу йилнинг ўзидагина ўттизга яқин хонадон ҳовли тўйларини ўтказишди. Бобохон Топшўлатов, Хонимқул Назаров, Шайдул Абдуқодиров, Жавоқошти Бозоров, Қаромат Авлиев ва бошқа бонкорларнинг меҳнатидан бу ердагилар мамнун.

Қишлоқ ҳаётини маиший хизмат шохобчаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Икки қаватли хизмат уйи кундузи ҳам, кечқурун ҳам миқозлар билан гавжум. Кийим бичиш-тикиш цехининг Лола Назарова, Зедина Маматқулова каби чевар тикувчилари улар хизматиди.

— Районимизда бундай намунали қишлоқлар тобора қўпаймоқда,—деди Ленин йўли район партия комитетининг биринчи секретари Рўзи Эргашев.—Ленин номидаги, Будённый номидаги, Охунбобоев номидаги совхозларда қисқа вақт ичдагина олти шундай замонавий қишлоқ қурилди. Район ижроия комитети қошида турмуш маданиятини ошириш бўйича махсус комиссия ишлаб турибди. Янгица аъаналар мазмун жиҳатдан бойиб бораётганлиги, шаҳардагидек қўлайлиқлар қишлоқ меҳнаткашларига ҳам яратиб берилганлиги кишиларимизнинг турмуш даражасини янада юксалтириб юборди. КПСС Марказий Комитетининг Май, Ноябрь пленумлари (1982 йил) ва Июнь пленуми (1983 йил) қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ ва турмуш маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган коммунистлар бу ишда бош-қош бўлмоқдалар.

...Истарага оқшом кўнмоқда. Ҳадемай неон чироклари порлайди. Кўча ва хиёбонлар, хонадонлар Ильич нурларидан чароғон бўлиб кетади.

Жовли ХУШВАҚТОВ



Фарғона область Олтиариқ районидagi «Комсомол» колхозидagi ёшлар звеноси аъзолари—Муҳаббат Раҳимова, Эътибор Назирова, Мақсуда Раҳимова [завно бошлиғи], Мамлакат Акбаровалар ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил қўтариш учун курашмоқдалар.

Ж. Тўраев фотоси



П. Н. ФЕДОСЕЕВ,

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Ал-Хоразмий юбилеи Иттифоқ ташкилий комитетининг раиси


ШАРҚ ШУҲРАТИ

Ал-Хоразмийнинг юбилеи фақат Урта Осиё халқлари учунгина эмас, балки бутун Совет Иттифоқи халқлари учун ва прогрессив инсоният учун катта воқеадир. Фан тарихида узоқ вақтлар давомида Европани илмий-маданий марказ деб қараш ҳукм суриб келди, Шарқ олимлари ва мутафаккирлари фаолиятининг моҳияти етарли баҳоланмади.

Бу анъанага бутунлай хотима берилди ва Шарқ тарихининг ўрганилиши илмий тафаккур ва турли соҳалардаги илмий идрок тараққиёти

нинг ажойиб намуналари мавжудлигини кўрсатди.

Биз бундан бирмунча вақт муқаддам Ал-Форобий таваллудининг бир минг юз йиллигини, Беруний таваллудининг минг йиллигини, Ибн Сино таваллудининг минг йиллигини нишонлаган эдик. Айтиш мумкинки, Ал-Хоразмий шу улўғ олимлар ва мутафаккирларнинг салафи эди. Шу жиҳатдан ҳам Хоразмийнинг фаолияти жаҳоншумул аҳамиятга эгадир.



С. Ҳ. СИРОЖИДДИНОВ,

ЎзССР Фанлар академияси академиги

БУЮК ОЛИМ ВА МУТАФАККИР



кетган маданият анъаналари йўқолгани йўқ, у Араб халифалиги етказган оғир жароҳатларга қарамай секин-аста кенг қўлчи ёзверди. Шу қайта уйғониш даври бу ўлкада дунёга татигулик буюк алломаларни етиштирди. Ана шундай улўғ зотларнинг улўғи — Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийдир.

Хоразмийнинг ҳаётига доир маълумотлар сақланмаган. Ҳатто унинг туғилган ва вафот этган саналари ҳам шартли олинган. Шунинг учун тахминан бўлса-да, унинг туғилган йили 783, вафот этган йили эса 850 деб қабул қилинган.

Урта асрларга мансуб айрим манбаларда Хоразмий «ал-маъжусий», деб тилга олинган. Шундан ҳам маълумки, унинг ажодлари ислом динига қадар Урта Осиёда кенг тарқалган зардуштий дини коҳинлари бўлишган кўринади.

Хоразмийнинг туғилган маскани ҳақида ҳам аниқ маълумот йўқ. Лекин мавжуд фикр-мулоҳазаларга қараганда, у қадимий Хевада таваллуд топган, ёшлигидан илм-фанга, дунё сирларини билишга қизиққан.

Ўз замонасининг етук олими бўлиб танилган Хоразмий Араб халифалигининг пойтахти Бағдодга тақлиф қилинади. VIII асрнинг 60-йилларида Аббосийлар сулоласига мансуб халифа ал-Мансур томонидан асос солинган бу шаҳар тез орада кенгайиб, халифаликнинг савдо-сотик, фан ва маданият марказига айлана борган. Халифалик ҳукмронлари яқин-ат-

рофдаги мазлум халқлар «бисоти»даги билимларни эгалламай туриб, ўз олдларида турган иқтисодий ва ҳарбий режаларни амалга ошириш мушкуллигини яхши билар эдилар. Шу боисдан ҳам Бағдод йирик илмий марказга айланади, унга турли мамлакатлардан кўплаб олимлар жалб этилади.

Шубҳасиз, бу илмий марказга Хоразмийдек ўз замонасининг йирик олимнинг тақлиф этилиши табиий эди. Муҳими шундаки, Хоразмийнинг Бағдоддаги фаолияти ал-Маъмун халифалигида илм-фан юксак даражада ривожланган, фанлар академияси вазифини ўтовчи «Байтул ҳикма» — «Донишмандлар уйи» ташкил этилган даврга тўғри келди.

Хоразмий олимнинг қандай қилиб Бағдодга тақлиф қилиниши ҳақида ҳам фаразлар бор. Гап шундаки, халифа ал-Маъмун шарқий вилоятларнинг ноиб бўлиб Марвада яшаган. Демак, у бу ерда Хоразмий билан учрашган ва танишган, сўнгра уни «Донишмандлар уйи»га тақлиф қилгани эҳтимолдан холи эмас. Хоразмий асарларидан бирида ал-Маъмуннинг номи алоҳида хурмат билан тилга олингани ҳам мазкур фаразнинг ҳақиқатга яқинлигидан далолат беради.

Бағдод академияси олимлари математика, астрономия ва бошқа фан соҳаларида изланишлар олиб боришган. Чунончи, ўша давр ҳисоби бўйича Ер қурраси айланасининг қанчаллик тўғрилигини аниқлаш мақсадида замин меридиани даражаси узунлиги

қайта ўлчанган ва ёй узунлиги қиймати бир даражага аниқлаштирилган. Бу ва шунга ўхшаш ишларда Хоразмий ҳам фаол иштирок этган.

Афсуски, Хоразмийнинг «Донишмандлар уйи»даги давридан шохидлик берувчи манбалар сақланмаган. Фақат алломанинг Ҳазар хоқонлиги ўлкаларига ва Византияга сафар қилгани тўғрисида айрим маълумотлар бор, холос.

Хоразмийнинг қайси вақтгача ҳаёт бўлганлигидан далолат берувчи сўнги рақам — 847 йилдир. Шу йили халифа ал-Восиқ вафот этган ва Хоразмий дафн маросимининг иштирокчилари қаторида тилга олинган.

Буюк ватандошимиз илмий ижоди математика, назарий ва амалий астрономия, география ва тарих фанларига улкан кашфиётлар олиб келди, бу фанларнинг оламшумул тараққиётига мислсиз ҳисса қўшди. Хоразмий қаламига мансуб асарларнинг ҳаммаси сақланмаган. Унинг асарларига ўрта аср олимлари томонидан ёзилган шарҳларнинг аксарий қисми ҳам суронли замонлар долғасига дош беролмаган. Шунга қарамай алломанинг, қисман бўлса-да, бизга етиб келган илмий мероси олимнинг оламшумул салоҳиятидан дарак беради.

Хоразмийнинг номини ўн икки асрдан буён тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчириб, вақтнинг шафқатсиз синовларидан устун келаётган асарлари, ундаги илмий қарашлар нима-лардан иборат? Аввало шунни айтиш

Б

УЮК ҳамюртимиз ҳақида жаҳоншумул тўйи арафасида ёзиш, унинг бебаҳо илмий меросини эслаш айниқса бизга алоҳида ифтихор бахш этади.

Саккизинчи аср бошларида Араб халифалиги Урта Осиёни, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон территориясидаги ўлкаларни забт этди. Босқинчилар маҳаллий халқ орасида ислом динини ёйишга киришиб, исломгача бўлган эътиқодни ва у билан боғлиқ ҳар қандай маънавий-амалий буюмларни, шунингдек, фан ва маданият бойликларини йўқотдилар.

Урта Осиёда Араб халифалиги ҳукмронлигини ўрнатиш вазифаси юкланган Хуросон амири Қўтайба ибн Муслим Хоразмга бостириб кириб, кўз кўрмаган, қўлоқ шитмаган ёвузликлар қилди. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, у «хоразм ёзувининг билимдон соҳибларини», қимматбаҳо китобларни ўтга ташлаган, бу билан ўлка халқини жаҳолат ботқоқига ботирмоқчи бўлган.

Бироқ, асрлар давомида шаклланган ва халқнинг қон-қонига сингиб

ДОНИШМАНДЛАР

МАЪЛУМИ, Шарк мамлакатлари маданияти ва фани тараққиётида Хоразмда етишган олимларнинг хизмати чексиздир. Зотан, Урта асрларда Хоразм маданияти майдонида жуда кўп олим ва мутафаккирлар кириб келди. Биргина Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий илмий фаолиятининг ўзи Шарку Фарб фани, хусусан математика фанининг тараққиётига қудратли таъсир кўрсатганини унинг юбилей арафаларида барча олим ва тадқиқотчилар мамнуният билан эътироф этмоқдалар. У жаҳон фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Фан тарихида бунчалик илгари кетган олимлар бармоқ билан санарлидир.

Ал-Хоразмий математика, астрономия, география каби табиий фанларнинг бир қанча соҳаларида ижод қилди, қатор илмий асарлар ёзди. Бугунги кунда ал-Хоразмийнинг ўн икки асари бизнинг давримизга етиб келганини маълум бўлди. Уларнинг бир қисми муаллиф ёзган араб тилида сақланиб қолган, аллома асарларининг яна бир қисми бошқа тилларга қилинган таржималар туйфайли бизгача асраб келинган. Хоразм юртида етишган Абу Райҳон Берунийнинг (973—1048) ҳам фан тараққиётидаги хизмати беқиёсдир. Беруний математика, астрономия, тарих, фалсафа, геодезия, минералогия каби соҳаларда қатор асарлар ёзганки, буларнинг ҳаммаси бутун жаҳон фани ва маданиятига қўшилган гоят улкан ҳиссадир. Бунчалик ийрик, замонамизга ақин бўлган ўр-

та аср олимнинг тарих камдан-кам учратади. Айни кунларда Абу Райҳон Беруний туғилган кунга 1010 йил тўлди.

Берунийнинг устози Абу Наср ибн Ироқ ҳам замонасининг ийрик олими бўлиб, математика ва астрономия соҳасида асарлар ёзган эди.

Бошқа хоразмлик олим Абу Абдуллоҳ Хоразмий (X аср) эса «Илм қалиди» («Мафотиҳ ал-улум») деган қомусий асар муаллифидир. Бу олим ҳам асарини араб тилида ёзди. Тошкент шарқшунослари томонидан хоразмлик бу олим ижоди ҳам ўрганиляпти. Абу Абдуллоҳнинг мазкур асари ҳуқуқшунослик, фалсафа, тилшунослик, баъд, адабиёт, тарих ва фан тарихига оид соҳаларни ўз ичига олади.

Хоразмлик ийрик олимлардан яна бири Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарийдир (1074—1144). У ҳам араб тилида ижод қилган хоразмлик олимлардан саналиб, адабиёт, тилшунослик, қонушунослик каби соҳаларда бой мерос қолдирди. Замахшарийдан қолган илмий асарлар то ҳалигача араб мамлакатларида адабиётшунос ва тилшуносларни қизиқтириб келади ва қайта-қайта нашр этилиб туради. Алломанинг «Асос

ал-балого» («Сўзга усталик асослари»), «Водий ва тоғ исмлари», «Муфасссал», «Адабиётга кириш» каби асарлари илмий қимматини ҳануз йўқотмаган ноёб китоблардан саналади. Замахшарий асарларини ўқиб, унга қойил қолган бир араб шоири олим туғилган жойини мақтаб шеръ ёзди, унинг мазмуни шундай: «барча жойлар Замахшарийдек забардаст олимни етказиб берди». Шарқ олимлари асарларида бу алломанинг кўрсатган таъсирини тақдирлаб, уни «Хоразм фахри» деб ҳам ёзишган. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозими, ўрта асрларда араб мамлакатларида Замахшарий асари билан таълим олиш жуда оммавий тус олган эди.

Манбаларнинг кўрсатишича, ўрта асрларда Сурия ҳокими буйруқ чиқарибди: Қимда-қим Замахшарийнинг «ал-Муфасссал» асарини ёддан айтиб бера олса, ўша кишига беш минг танга пул ва бош-оёқ кийим мукофот берилди. Бу маълумотнинг қанчалик тўригилгини билмадик, бироқ Замахшарий асарларини ўз вақтида қанчалик эътибор қозонгани ва оммалашганини кўрсатадиган ёрқин мисоллардан биридир.

керакки, Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-арз» асари географияга бағишланган араб тилидаги дастлабки ийрик ва ноёб кўланмадир. Унда қарий 650 жойнинг, 200 дан ортиқ тоғнинг географик тафсилоти берилган, шунингдек, дарёлар, денгизлар ва океанлар ҳавзасининг шакли ҳамда ороллар ҳақида маълумотлар бор.

Мазкур асарни яратишда Хоразмий қадимги юнон олими Клавдий Птолемейнинг «Географиядан қўланма» асарига асослангани маълум. Бироқ, шунинг унутмаслик керакки, Хоразмийнинг замондошлари Птолемейнинг барча қарашларини ўзгартириш, бузилмас қонун сифатида қабул қилишган бир вақтда Хоразмий буюк юнон олимнинг дунё харитаси тўғрисидаги тасаввурига танқидий ёндашди ҳамда бир қадар мустакил равишда «Китоб сурат ал-арз»ни яратди. Шарқ мамлакатларида география фанининг ривожига ўзининг салмоқли овозига эга бўлган бу асарнинг илмий аҳамияти билан ҳам белгиланади.

«Донишмандлар уйи»да бўлган кезларида Хоразмий кўп вақтини расадхонада ўтказди—само жумбоқларини ечиш йўлида изланишлар олиб борди. Изланишларнинг маҳсули Улароқ ўзининг машҳур астрономик жадавллари бўлмиш «Зиж»ни яратди. 37 боб ва 116 та жадаввалдан ташкил топган бу мукаммал астрономик асарда аллома яшаган даврдаги календарлар (масалан, Муҳаммад томонидан асосланган мусулмонларнинг хижрий йил ҳисоби, христиан, испан ва Искандар Зулқарнайн йил ҳисоблари), осмон jismlари, жумладан Қуёш, Ой ва ўша даврда оддий кўз билан кўриш мумкин бўлган бешта сайра ҳаракатланиши, шунингдек, бир қанча астрономик масалалар ҳақида фикр юритилган.

Хоразмийнинг астрономияга оид ишлари хусусида гапирганда, унинг амалий астрономияга қўшган ҳиссаси хусусида тўхталиш жоиздир. «Устуроб ҳақида рисола»нинг биринчи қисмида география ва астрономия тадқиқотларида ишлатиладиган қўйма кузатиш асбобининг ясалishi тўғрисида маълумот берилди. Рисола

нинг иккинчи қисмида эса астрология ёрдамида бажариладиган кузатишлар ҳақида сўз боради.

Хоразмийнинг астрономияга доир асарлари ва унинг бу соҳада кашф қилган илмий янгилликлари ўша давр ва кейинги асрлар учун салмоқли аҳамиятга эга бўлди. Қолаверса, у қўллаган аксари усуллар ханузгача эътибордан қолмаган.

Алломанинг «Тарих рисоласи» ёки «Йил ҳисоби рисоласи» тарихга бағишланган. Мазкур асар бу соҳадаги дастлабки араб манбаи ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган асарларнинг қимматини тўла эътироф этган ҳолда шунинг айтиш керакки, Хоразмийдек қомусий билим соҳибининг буюклиги унинг математик олимлигидадир. Унинг арифметика ва алгебрага бағишланган икки асарининг қўшган математика фани ривожига жаҳон ҳиссаси шу қадар мислсизки, ганқили фан тарихчиси Г. Сартоннинг таърифича, Хоразмий «ўз даврининг буюк математиги, агар у яшаган даврдаги барча шарт-шароитни ҳисобга олсак, ҳамма даврларнинг улугвор даҳоларидан биридир.

Фанда шу нарса маълумки, IX асрга қадар турли ҳисоб-китобларда, масалан олди-сотди муомалаларида бармоқ санаи билан иш битирилган, ёхуд рақамлар сўз билан ёзилган. Хоразмий эса Ҳиндистонда кашф этилган ўнлик система рақамларини соддалаштиришда ҳамда уни биринчи бўлиб арабчада баён этди. Бу ихтиро-кашфиёт санок системасида ўзига хос инқилоб эди.

Хоразмийга доғруғ келтирган мазкур «Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб» рисоласида у биз одатланган бирдан тўққизгача бўлган рақамлар ва «ноль» ёрдамида исталган сонни ёзиш, улар билан тўрт амали бажариш ва бошқа арифметик қоидаларни ечиш масалаларини баён этди.

«Ҳинд арифметикаси» рисоласи нафақат Шарқда, балки Европада ҳам кенг тарқалди. Ҳамюрт алломазининг хизмати шундаки, европалик олимлар бошлангич арифметикани ундам ўрганишди. Карл Маркс ўнлик системани юксак баҳо бериб: «...улардан фойдаланиш ва ноль ёр-

дамида энг катта сонларни ёзиш ва жойларни аниқ кўрсатиш Европага X ва XI асрларда араблардан кириб келган», деб ёзган эди.

Хоразмий «Ал китоб ал мухтасар фи ҳисоб вал муқобала» («Тиклаш ва қарши қўйиш ҳисобига оид қисқа китоб») рисоласининг муаллифи сифатида, ўзининг камтарона таъкидлашича, ўша давргача қилинмаган ишларни ўринлатиб, уни келажак авлодга қолдириб, ўзгалардан ўзиб кетди. «Мен арифметикани содда ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб битдим,—деб ёзди «Ал-жабр...» муқаддимасида аллома.—Чунки у одамларга мерос тақсимлаш, васиятнома ёзиш, бойлик бўлиш ва адлия ишлари, савдо-сотик, канал қазих, геометрик ҳисоблашлар, шунингдек, бошқа турли муносабатларда жуда зарур».

Назарий ва амалий қисмдан иборат бу асар бевосита ҳаёт, турмуш тақозоси билан туғилган. Худди шу асар туйфайли Ал-Хоразмий номи дастлаб «Алгоритм», кейин «Алгоритмус» шаклида ёзилди, ҳозир эса бутун Ер юзидики математик олимлар уни «Алгоритм» тарзида ифода этишар экан, улар беҳитиб буюк ватандошимизнинг номини эъзоз билан тилга оладилар.

Буюк шахсларга хос улғу фазилат шундаки, улар ўзлари туғилиб ўсган ватанларининг фарзанди бўлиб қолсалар-да, айни вақтда илмий ва ижодий мерослари билан бутун инсоният ҳақсига айланадилар. Хоразмий ҳам ана шундай жаҳоншумул сиймоидир. Зеро, Хоразмийнинг илмий-ижодий мероси X асрдаёқ орижрий мамлакатлар олимларининг эътиборини ўзига тортиди.

Афуски, «Китоб аз-зижнинг шарҳлари билан яратилган дастлабки қўлёзмаи сақланмаган. 1007 йил испан-араб астрономи ал-Мажририй қайта ишлаган арабча нусхаси ҳам маълум эмас. Лекин шу нусхада инглиз роҳиб Аделард 1126 йилда лотинчага агардан таржимасининг беш нусхаси Англия, Испания ва Франция кутубхоналарида сақланган.

Нафақат Шарқда, балки Фарбий

Хоразмий яна ийрик олимлардан бири Маҳмуд Чағминийдир (афоти 1344 йил).

Бу олимнинг фалакиётга оид «ал-Мулаххас фи-л-ҳайъа» («Астрономияга оид қисқача китоб») асари ҳозир Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланади. Кейинги асрларда унинг асарларига олимлар шарҳ ҳам бағишлаганлар. Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Чағминийнинг «Қонунча» номли тиббиётга оид асари ҳам мавжуд. (Ивв. № 2409). Бу асар асли араб тилида ёзилган бўлиб, 1847 йили кўчирилган. Чағминийнинг мазкур асарини ҳинд олими Муҳаммад Акбар Арзоний шарҳлаб, уни «Муфарриҳ ал-қулуб» («Қўнғил очар китоб») деб атади. 1907 йили Сеъдулло Абдуллоҳ ўли Чағминий асарини ўзбекчага таржима қилди. Бу таржима ҳам Шарқшунослик институти фондида сақланади. (Ивв. № 1079).

Биз бу ерда Хоразми тупроғида етишган баъзи олимларгагина тўхталиб ўтдик, холос. Аслида улар жуда кўп. Ҳозир олимларимиз улар ижоди билан атрофича шугулланишаётдилар. Галдаги вазифа ўтмишдаги ахли донишларимизнинг дунёнинг чекка-чеккаларида сочилиб ётган дурдоналарини йиғиб ўрганиш ва уларни ўз меросхўрларига тақдим қилишдир.

Абдусодиқ ИРИСОВ,

Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими

Европа мамлакатларида ҳам узоқ йилларгача астрономиядан асосий қўланма ҳисобланган «Китоб баъзи амалии ўрганиш, қўлайтириш ва оммалаштириш борисида даниялик А. Бьернбо, Р. Бестхорн, швейцариялик Г. Зутер, Й. Вуркхарт, америкалик Х. Мильяс-Валькерос сингари олимларнинг хизматлари каттадир. «Китоб сурат ал-арз» асари мисрлик арабшунос В. Спитт, италиялик К. Наллио, австриялик Г. Мжик, венгриялик К. Жгледик, немис Г. Даунхт ва Р. Вибер томонидан ҳам кенг ўрганилган. Хоразмийнинг номини дунёга таратган математикага доир асарларининг ўрганилишига бағишланган тадқиқотларнинг рўйхатини шу таразда давом эттирaverиш мумкин.

1979 йили Хоразмийнинг она тупроғига Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан, чет эллардан қўлаб олимлар таширф буюришди. СССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташаббуси билан Ўрганида ўтказилган ҳозирги замон алгоритмлар назарияси ва унинг қўлланиши масалаларига бағишланган анжуман иштирокчилари буюк Хоразмий номини чуқур ҳурмат билан ёд этдилар. Анжуманда катта маъруза ўқиган австриялик профессор Зиманеннинг қуйидаги сўзлари ҳамон ёдимизда: «Биз бугун Хоразмий ва унинг «Донишмандлар уйи»даги сафарларига йўл ҳурмат билан ёндашялми. Минг йилдан кейин бизнинг ишларимиз билан танишган авлодлар бизга ҳам шундай муносабатда бўлсалар қани эди!»

Бу сўзлар ҳам буюк ватандошимиз номининг улуғланиши, сиймосининг зўр ҳурмат билан ёд этилаётганига жонли далилдир. Зотан, биз совет олимлари, жумладан, ўзбек олимлари ал-Хоразмий меросини янада чуқурроқ ўрганиш учун тинмай изланаверамиз.

Буюк бобомиз таваллудининг 1200 йиллигининг Иттифок миқёсида, қолаверса, жаҳон миқёсида кенг ва эъзоз-ҳурмат билан нишонлангани унинг бугунги авлоди бўлган бизларда бир умрга фахрлиниш туйғуси уйғотади. Дарҳақиқат, халқ даҳолари ҳамisha халқнинг ғурури бўлиб келган.

АЛ-ХОРАЗМИЙ-ТАБИАТШУНОС

МАЪЛУМКИ, IX—XI асрлар Урта Осиё Шарқиди илм-фан ва маданият анча ривожланган ҳамда жаҳон фанига асос солган кўплаб қомусий олимлар етишган давр бўлиб, улар сиймоси инсоният тарихида сўнмас юдузддек абадий порлаб тураверади.

Ана шундай улуғ алломалардан бири алгебра ва алгоритмлар назариясининг асосчиси, қомусий олим Ал-Хоразмийдир.

Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий 783 йилда Хевада туғилиб, 850 йилда Бағдодда вафот этган.

Шуни таъкидлаш керакки, ўрта осийлик Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Махмуд Қошғарий сингари мутафаккирлар ўз даврида ҳукмдорлар зулми ва дин таъбири остига олинганлиги сабабли дарбадарликда ҳаёт кечирдилар. Улар араб-форс тилларида ижод этганликлари сабабли европалик олимлар уларни яқин вақтларга қадар «араб олимлари», баъзан эса «Эрон олимлари» ҳисоблаб келдилар.

Жумладан, буюк ҳамюртимиз Ал-Хоразмийнинг илмий меросини ўрганишда ҳам ана шундай чалқашликларга йўл қўйилди. Аммо шуни мамуният билан қайд этамизки, совет олимларининг узоқ йиллар Ал-Хоразмий ижодини ниҳоятда синчиклаб, ҳар томонлама ўрганиши туфайли буюк алломанинг жаҳон фани ва маданияти соҳасига қўшган ҳиссаси ўз ўрнини топди. Дарсликларда ҳалигача лотинча деб талқин қилинган «алгебра» (алгоритм) термини эса Ал-Хоразмий номининг лотинча бузилган шакли эканлиги маълум бўлди.

Ал-Хоразмий математика ва алгебра фанларининг асосчиси бўлиши билан бир қаторда география, геодезия, картография, астрономия ва ўлкашунослик сингари кўплаб табиий фанларнинг ҳам ривожига баракали ҳисса қўшган олимдир.

Биз бу ўринда буюк алломанинг баъзи географик тадқиқотлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

Маълумки, кишилар жуда қадимдан бошлаб Ер курраси, унинг тузилиши ва шакли, қитъаларнинг келиби чикиши каби масалалар билан қизиқиб келганлар. Лекин, IX асргача Ер ўлчамлари ва уларни аниқлаш бўйича аниқ маълумотлар йўқ эди. Бу соҳада кейинчалик қатор шарқ олимлари шугуллана бошладилар.

Ҳижрий 813—833 йилларда араб халифаси Ал-Маъмун олимлар олдида Ер айланасининг узунлигини топиш вазифасини қўяди. X асрда катта илмий ва маданият маркази ҳисобланган Бағдодга Ал-Хоразмий таклиф этилади. Олим бу ердagi ўзига хос фанлар академияси бўлган «Байтул ҳикма» («Донишмандлар уйи»)да фаол илмий иш олиб борди. Ал-Хоразмий 827 (ҳижрий) йилда Сурия ва Шарқий Ироқда градус ўлчамларини аниқлаш бўйича уюштирилган географик экспедицияларга раҳбарлик қилди.

Бу даврда олимлар бир градус ёйга тўғри келадиган масофанинг узунлигини ҳамда икки нуқтадан туриб дунё кутби («Қутб юлдузи»)нинг уфқдан баланглигини ўлчаб, Ер радиусининг узунлигини аниқладилар. Бунда меридиан кўнининг бир градуси 11 минг 168 километрга тенг эканлиги аниқланди, бу ҳозирги ҳисоблар (11 минг 162 километр)га жуда яқиндир. Ал-Хоразмий Ер меридианининг бир градусини арқон билан ўлчаш кераклиги ҳақидаги фикрни ҳам биринчи бўлиб тавсия этган. Бунга Абу Райҳон Беруний ўзининг «Геодезия» китобида таъкидлаб ўтади.

Градус ўлчови ишлари географик карта ва атласлар тузиш, масофаларни аниқлашда муҳим вазифаларни ўтаган, кейинги географик ва картографик ишлар учун асос солинган. Ана шу текширишлар асосида Ал-Хоразмийнинг энг йирик картографик асари «Китоби суратул-Ард» («Ер тасвири китоби») юзага келди. Асар 1878 йилда Қоҳирада топилган бўлиб, «Хоразмий географияси» деб аталади.

Бу нобб географик-картографик қўлёзма Ал-Хоразмий даври дунё картасининг изоҳномасида машҳур юнон географи ва астрономи Клавдий Птоломеининг (эрамизгача 168—90 йиллар) «Географиядан қўланма» асари заминиди яратилган. Птоломеининг китобида меридианлари ва параллеллари бўлган глобус тузиш ҳақида ҳам гапирилган эди.

Ал-Хоразмийнинг «Ер тасвири китоби» асарида ер юзасидаги 537 та географик пункт, жумладан, 200 дан ортиқ тоғларнинг тафсилотлари берилган, дарёлар, денгизлар, кўллар ва ҳавзаларнинг шакли, уларда жойлашган ороллarning муҳим белгилари баён этилган.

Профессор Ҳ. Ҳасановнинг кўрсатишича, табиийки, Урта денгиздан Хитойгача бўлган жуда катта территорияга бағишланган бу асарда Урта Осиё табиати батафсил тасвирланган эмас. Бироқ Ал-Хоразмийнинг бу қимматли илмий мероси кейинги ўрта осийлик географ ва сайёҳлар учун уларнинг амалий ишларида муҳим қўланма бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб, Ал-Хоразмийнинг «Китоби суратул — Ард» асари кейинчалик география, геодезия, астрономия ва ўлкашунослик каби фанларнинг ривожланишида катта роль ўйнади. Асарнинг 1037 йили қўчирилган араб тилидаги бир қўлёзма нусхаси ҳозир Страсбург кутубхонасида сақланмоқда.

Ал-Хоразмий кўплаб ҳариталар ҳам тузган. Улардан тўрттаси Страсбургдаги қўлёзмалар орасида сақланмоқда. Шулар ичиди айниқса Нил дарёсининг харитаси ўзининг муфассаллиги билан ажралиб туради. Мазкур картографик материаллар Шарқда ва Ғарбий Европада география фанининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Ал-Хоразмийнинг астрономияга доир асарлари ҳам диққатга сазовор. У Бағдод расадхонасида ўтказган кузатишлари асосида янги астрономик жадаллар тузди. У тузган машҳур «Зижи Синдҳиндий» астрономик

жадвал астрономия фани ривожиди муҳим босқич бўлди ва асрлар давомида Шарқда ва Европада муҳим қўланма ҳисобланиб келинди. Унинг «Қуёш соатлари тўғрисида рисола» асари ҳам астрономия борасидаги муҳим қўланмалардан ҳисобланади. Шунингдек, алломанинг «Ал-жабр вал-муқобала», «Астрономия жадаллари», «Ҳисоб ал-Ҳинд», «Суратул-Ард» ва «Яхудиёлар календарии» каби рисолалари ҳам бизгача етиб келган.

Буюк бобомизнинг «Устурлоб ҳақида рисола», «Қуёш соатлари тўғрисида рисола», «Тарих рисоласи», «Музыка рисоласи» каби асарлар ёзганлиги ҳақида маълумотлар бор. Лекин бу асарлари бизгача етиб келмаган.

Буюк олимнинг илмий мероси асрлар давомида кўплаб чет эллик, рус ва совет олимлари томонидан ўрганилди. Италия олими Аделорд XII асрда Хоразмий асарларини лотин тилига таржима қилган.

XX асрнинг 10—20-йилларида немис шарқшуноси Ю. Рушко «Ал-жабр вал-муқобала» рисоласини шарҳлаб, баъзи бобларини арабчадан немис тилига ағдарган.

Ал-Хоразмийнинг илмий меросини, дунёқарашини ўрганишда академиклар Т. Қори-Ниёзий, С. Сирожиёдинов, В. Қобулов ҳамда профессорлар О. Файзуллаев, У. Қаримов, М. Хайруллаев, Б. Розенфельд, Г. Матвиевская сингари олимларининг хизматлари каттадир. Масалан, Г. П. Матвиевская ўрта асрлардан ҳозирги кунларгача ал-Хоразмийга бағишланган таъкирларнинг энг тўла мажмуасини тузиб чиқди. Хуллас, буюк аллома сиймоси бутун жаҳон миқёсида катта иззат-ҳурмат билан эсга олинмоқда.

Шу нарса қувончлики, улуғ ҳамюртимизнинг бутун илмий мероси бугун халқимизнинг бебаҳо меросига айланди.

Исмоил БОБОҲУЖАЕВ,
В. В. Куйбишев номидаги Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини доценти



Н. Шарипов фотоси

Тошкент шаҳар 17-клиник шифохонасининг шифокорлари Махфуза Абдуқодирова (чапдан), Ҳожия Ҳотамова, Мавлуда Содиқхўжаева, Раиса Минаяева, бўлим мудири Тоҳирхон Абдувазимова, Меҳри Орифжоновна, Асил Мўминовлар даволаш-профилактикаси масалалари ҳусусида сўхбатлашмоқдалар.



ОШКЕНТ Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг 2-механика-йиғув цехи корхонада пешқадам саналади. Коллектив цехлараро мусобақада икки йилдан бери олдинги сафда бораётир. Цех ишчилари Тошкентнинг 2000 йилги шарафига ўн мингта пахта териш машинасига етарли деталлар тайёрлаб бериш мажбуриятини ўз зиммаларига олганлар. Олти ойлик топшириқ муваффақиятли адо этилганлиги, йиғув цехига 5 минг 100 машина учун юқори сифатли деталлар тайёрлаб берганлиги мазкур меҳнат коллективининг аҳди қатъий эканлигини далolatларидир.

— 2-механика-йиғув цехи муваффақиятларининг кўпгина омиллари бор,— дейди завод партия комитетининг секретари Аъло Мақсудов.— Шулардан бири коллективда меҳнатни ташкил этишининг бригада усули кенг жорий этилганлигида.

Партком секретари ҳақ гапни айтди. 2-механика-йиғув цехида 300 га яқин ишчи меҳнат қилади. Бу ерда пахта териш машиналари учун деталлар тайёрланади. Асосий ишчилардан тўққизта, ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги ишчилардан бешта бригада ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси ягона наряд бўйича иш юритади. Шулардан бири 5-участкадаги коммунист Исро Раҳимов бешчилик қилаётган слесарь-пайвандчилик бригадасидир.

Исро Раҳимов — ўттиз ёшлардаги юқори малакали ишчи. У бундан ўн тўрт йил муқаддам ўрта мактабни битирибқ заводга ишга келди. Етти кишидан иборат бригада аъзоларининг ўртача ёши 24 да, ўртача меҳнат стажы 8 йил. Коллективнинг «кекссаси» Юрий Краснобаев 15 йиллик меҳнат стажига эга бўлса, Мелхиррам Исаевнинг иш бошлаганига энди бир йил бўлди. Бригада ишчилари комбайнлар учун редуктор, карданли вал, шкиф, муфта каби деталлар тайёрлайдилар.

Ўтган йили июнь ойида участкада бригада ташкил этилганида ҳамма бир овоздан Исро Раҳимовни бошлиқ қилиб сайлади. Исро юқори малакали ишчи бўлишидан ташқари, диёнатли, одамларга меҳр-этиборли йигит. Иш юритишнинг янги усулида бригадирда айнан шундай сифатлар бўлиши тақозо этилади. Ўтган бир йилдан ортиқроқ вақт цех раҳбарлари бригадага бошлиқ танлашда янглишмаганликларини кўрсатди — Исро кўпчилик ишончини оқлатди.

Яши ҳақ оладиган айрим ишчилар янги ташкил этилаётган бригадаларнинг хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашнинг пайсалга солишга ҳаракат қилиб қўришди. Баъзилар ҳатто бошқа корхоналарга кетиб қолишди. Хўш, бундайларга янги системанинг нимаси ёкмади!

Ягона наряд асосида ишлаганда иш ҳақи ҳар бир ишчининг ўз кўрсаткичларига эмас, бутун бригада ишининг сўнги натижаларига қараб белгиланади. Беш қўл баравар эмас. Ўн беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ю. Краснобаев билан заводда деярли энди иш бошлаган М. Исаевнинг маҳоратини бир-бирига қийслаб бўлмайди. М. Исаев яхши ишловмагани учун Ю. Краснобаев моддий зиён қўриши керакми? Тажрибали ишчилар мана шундан норози эдилар. Аммо бу ўткинчи кайфият эди. Ягона наряд асосида ишлаш тақомиллашган сайин, ҳамма жойда бўлганидек, И. Раҳимов бошлиқ коллектив ҳам танаси хилдан тозаланган одамдай, прогучилик, дангасалик, брак маҳсулот тайёрлаш каби иллатлардан халос бўла борди, ишчиларнинг ўз коллективига меҳри мустаҳкамланди.

Бригадада тайёрланган деталлар турлича савия ва малакани талаб қилади. Шунга қараб унга тўланадиган ҳақ ҳам турлича. Масалан, карданли вал тайёрлаш қийин жараёнлардан ҳисобланади ва унга юқори ҳақ тўланади. Эскича усулда мастер карданли вал тайёрлашни барибир ветеран ишчига топшираверарди. Чунки уни ҳафза қилиш цех манфаатларига хилоф деб ўйларди. Шундан сўнг қарабсизки, ветеран билан ёш ишчининг иш ҳақи ўртасидиги тафовут кўзга кескин ташланиб қолар, ёш ишчиларнинг мураккаб операцияларни ўрганиш жараёни

МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

ҳам секинлик билан борарди. Бу эса, ўз навбатида, кўнимсизликни келтириб чиқарарди.

Аслида цехдаги 15—20 ветеран қанчалик малакали бўлмасин, бутун коллективнинг ўрнини босолмайди. Муваффақиятни доимий таъминлаш учун бутун коллективнинг мунтазам суратда юқсак самарга эришишини таъминламоқ керак. Янги система айнан шу мақсадни кўзда tutади.

Ҳамма жойда бўлганидек, 5-участкада ҳам бригада ташкил этилаётганда ҳар бир ишчининг олти ойлик ўртача маоши асосида иш ҳақи коэффициентни аниқланди. Бу — янги системада ишлаганда ишчига иш ҳақи белгилашда асосий мезон ҳисобланади. Ишчининг меҳнатдаги иштироки, бажарган иш ҳар кунги бригадир томонидан қайд этиб борилади. Ишчининг меҳнатдаги иштироки коэффициентини эса бригадир томонидан бригада кенгашида ёки умумий йиғилишида белгиланади. Бунда касб маҳорати, бажарилган ишнинг мураккаблиги, ишга муносабат ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Илгари ишчи зиммасидаги топшириқни бажарса бас эди. Лекин конвейердаги ишнинг муваффақиятини бундай қилиб таъминлаш қийин. Сабаби, бир машинага мингдан ортиқ деталь керак, унинг бир қисми ортиси билан тайёрлансаю, бир қисми етишмаска, конвейердан планда белгиланган машинани тушириб бўлмайди. Коллектив меҳнатининг пировад натижасига қараб ҳақ олинадиган ҳозирги шартда эса ишчи умумий жиҳатдан фойдали ёки фойдасиз иш бўлмайди. Улар ҳар қандай ишни



бир хил ҳафсага билан удаллашади. Бу нарса, айни пайтда, турдош касбларни ўрганишга, ёш, тажрибасиз ишчиларга эътиборли бўлишга ундайди.

Исро Раҳимов бошлиқ бригаданинг йиллик тажрибасидан бир мисол. Илгари участкада бирон-бир пайвандлаш аппарати бузилса, ишчи мастерга айтар, мастер ремонтчига хабар берад эди. У келгунга қадар бирмунча вақт зое кетарди. Энди эса ишчи ремонтчининг келишини ҳамдан-кам ҳолларда kutади. Гарчи бу юмуш унинг вазифасига кирмаска ҳам, аппаратни ўзи созлашга шошилади ёки ёнидаги тажрибалироқ ишчини кўмакка чақиради. У ҳам шеридиган ёрдамчини аямайди.

Яна бир мисол. Бригада икки сменага бўлиниб ишлайди. Биринчи сменадагилар асосан заготовка тайёрлашади. Иккинчи сменадагилар мураккаброк вазифани бажарадилар — деталларни йиғайдилар. Шунинг учун ҳам биринчи сменадагилар иложи борича иккинчи сменадагиларга қулайлик туғдиришга интиладилар, зарур пайтларда бир соат-ярим соат қўшимча ишлайдилар ҳам. Бошқа илож йўқ, акс ҳолда бригада кунлик топшириқни бажаролмай қолшиши мумкин.

Аваллари ҳар ким ўзини билар, ўзига осон, қулай бўлишини, мўмайроқ даромад олишини кўзлар эди. Ягона нарядда ишлаш эса том маънодаги коллективизмни, социал уюшқоқликни, ҳамжиҳатликни тарбиялапти. Коллективдаги психологик иқлим ях-

шиланди. Бунинг ишга нафи катта бўлди: меҳнат унумдорлиги ўсди, буюмлар сифати яхшиланди.

Исро Раҳимов бошлиқ бригада янги системага ўтиб ишлаб бошлаган дастлабки пайтда илгор ишчиларнинг ойлиги сезиларли равишда камайди. Сўнг ўсиб борди. 1983 йилнинг биринчи кварталига келиб, ўртача иш ҳақи 1982 йилнинг биринчи кварталига қараганда етти, яъни у 305 сўмни ташкил этди. Меҳнат суръати ҳам ўсди. Ўтган йилнинг биринчи кварталига ҳар бир ишчи ишлаб чиқариш топширигини ўртача 110,5 процент бажарган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 115,7 процентини ташкил этди. Коллектив ярим йилда 5 минг 198 та машина-комплект детал тайёрлаб, белгиланган топшириқни муддатидан аввал, ортиси билан адо этди.

Бироқ бригада янги системанинг ўзига хос қийинчиликларини ҳам бошдан кечираётир. Коллективнинг яхши ишлаши бошқа цех ва участкалардан заготовканинг ўз вақтида етказиб берилишига боғлиқ. Бунга эса ҳамма ҳам эътибор бўлмапти. Яна бир муаммо шундан иборатки, бригада пахта териш комбайнларининг турли моделлари учун деталлар тайёрлайди. Уларнинг нархи эса тайёрлаш жараёнининг мураккаблиги ёки осонлигига қараб ўзгариб туради. Бу ҳол ишчиларнинг моддий манфаатдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мавжуд муаммоларга қарамай, янги системанинг афзалликлари кўзга яққол ташланиб турибди. Ҳозирги пайтда завод ишчиларининг 82 проценти ёки бригадага бирлаштириш мумкин бўлган ишчиларнинг ҳаммаси (жами 3 минг 600 киши) ягона наряд бўйича ишлайпти. Ишчиларни меҳнатни ташкил этишининг бригада формасига ўтказиш жараёнида зарур ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг марказий шаҳарларида янги система бўйича ишлаётган корхоналарнинг тажрибалари ўрганиб чиқилди. Барча кўни коллективларда хўжалик ҳисоби кўрсаткичлари бўйича планлаштириш ва ҳисоб бериш жорий этилди. Бригадирларнинг малакасини ошириш бўйича доимий курслар ташкил этилди. Илгор коллективларнинг тажрибаларини кенг ёйишга жиддий эътибор берилди.

Айни пайтда янги системани қарор топтиришда обрўли ва юқори малакали ишчилардан ташкил топган бригадалар кенгаши ва бригадирлар кенгаши самарали иш олиб бормоқдалар. Заводдаги бригадирлар кенгашига КПСС XXVI съезди делегати, механика-йиғув цехидаги токарь-автоматчилар бригадаси бошлиғи Ю. Степаненко раҳбарлик қилмоқда. Кенгаш йиғилишларида бригадалар иштини тақомиллаштириш билан боғлиқ турли масалалар мунтазам муҳокама қилиб борилаётир.

Яқинда заводда ягона наряд бўйича ишлашнинг социал-психологик аҳамиятини ўрганиш мақсадида ишчилар ўртасида анкета саволлари тарқатилди. Бу саволларга берилган жавоблардан ишчиларнинг аксарият қисмига янги система фойда маъқул бўлаётганлиги, унинг катта истиқболи борлиги маълум бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленуми қарориди таъкидланганидек, «олмининг сиёсий онги ва меҳнат ғайрати даражаси — иш самарадорлигининг бош мезонидир». Тошкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи меҳнат коллективларининг янгича иш усулини кенг жорий этиш бора-сидаги куч-ғайратлари самарадорлик ва муваффақиятларни таъмин этмоқда. Исро Раҳимов бошлиқ бригада аъзоларининг изланишлари бунинг далилидир.

Алиназар ЭГАНАЗАРОВ

Яна «кема-шарпа»



Венесуэла яқинида сузиб юрган экипажсиз юк кемасига дуч келинди. «Клауд» («булут») номли мазкур «кема-шарпа» Венесуэла портига судраб олиб келтирилди, деб хабар беради Рейтер агентлиги. Кейинчалик аниқланишича, «Клауд» Кипр мамлакатидидаги Лимасол портига тааллуқли бўлиб, кучли довул вақтида ҳалокатга учраган деб ҳисобланади ва унинг экипажи ўткин-

чи юк кемаси томонидан қутқарилган эди.

Тирик термометрлар

Филиппин ҳашоратшуносларининг гувоҳлик беришича, чигирталарнинг товуш чиқариши ҳаво ҳароратига қараб ўзгартирур экан. Рейтер агентлигининг хабарига кўра, ҳатто баъзи бир чигирта турлари ҳаво ҳароратига шунчалик мос, аниқ товуш берад эканки, ундан термометр сифатида фойдаланса бемалол бўлар экан.

Кишилар бу ҳашоратларнинг мазкур фазилатларидан фойдаланган тақдирларида ҳам, уларни фойдасиз ҳашоратлар деб бўлмайди. Бирма, Таиланд, Малайзия мамлакатларида улар тансиқ таом ҳисобланса, Хитой ва Японияда улар «ашуласи» учун ўй ҳайволлари сифатида боқилади.

Аср сув тошқини

Шу йилнинг ёзида Бразилиянинг жанубида жойлашган

Риу-Гранди-ду-Сул, Парана ва Санта-Катарина штатларида юз берган бемисл сув тошқинини «Аср сув тошқини» деб атадилар. Қаттиқ қуйган ёғирир-жал оқибатида Игуасу дарёси юзасидан сув 27 метр баландликка, Уругвай дарёси эса 10 метр баландликка кўтарилди. Хукумат хабарига кўра, 128 киши ҳалок бўлган, уй-жойсиз қолган 300 мингга яқин аҳоли ҳавфсиз районларга қўчирилган. Келтирилган зиён ўн миллиардлаб круэйро (Бразилиядаги пул бirlлиги) ҳисобланмоқда.

ТОШКЕНТ САДОСИ



Азиз шеърхон дўстим, борми ёдингда —
Ўн етти йил аввал бизлар икковлон
Таҳликалик апрель, олтимиш ортида
Бирга палаткада ёзгандик достон.

Замин остимизда гувляб гумбурлаб
Ларзага соларкан зилзила зарби
Куббасин терс қўйган «Т—34»лар
Тўзонга шўнғиркан жангдаги каби.

Байналминал сўзга айлаиб ҳашар,
Дўстликни имтиҳон этганда боз у
Биз вайрон кулбада ҳаёлдек шаҳар
Келажак Тошкентни қилгандик орзу.

Юр, дўстим, кўчага чиқайлик энди,
Юр, анҳор соллоиб оққан томонга.
Товус фавворалар таъзимда турган
Нилий сарҳовузлиқ улкан майдонга.

Хов ана, кўк гумбаз, ишқ хиёбони,
Ерда қолгани йўқ, мана сўзимиз,
«Шаҳар ҳокимига гапимиз ўтса,
Чакана эмасмиз, демак, ўзимиз.

Шаҳримнинг энг гўзал биноси мана,
Бу Лениннинг уйи. Қандай мукаммал.
Дунё иши қизик, Унинг ўзи-ку
Биздек палаткада турган бир маҳал.

У замон энг буюк зилзила эди,
Чайқалиб турарди курраи олам.
Шунда Шушиндаги чайла ёнида
Кумғонни қайнатиб камтар бир одам
Ҳал қилмоқда эди дунё тақдирин,
Менинг шу Тошкентим истиқболин ҳам.

Мана ўша Тошкент, улуғвор, азим,
Шарқнинг дарвозаси, шарқнинг машъали.
Шаҳрим, бир фарзандек қилурман таъзим!
Эй буюк дўстликнинг боқий ҳайкали.

Икки минг ёшда сен йигитдай ўткан,
Эртанг бугунингдан нурафшон бўлсин.
«Тошкент садоси» деб битган қасидам
Муборак тўйинга армуғон бўлсин.

II

Ўқувчим, маъзур тут, яна қайтадан
У мушкул дамларга назар ташласам.
Шунча вақт сўнггида бу кун дафъатан
Тошкент дostonини ўшдан бошласам.

Сабабин билурсан, ўшлик қизалоқ
Зилзила кунлари кўрсатиб ҳиммат,
Чиройлик ҳусниҳат билан, бир вароқ
Мактуб ёзган эди. Мана ўша хат:

Тошкент. Ўзбекистон раиси Шароф РАШИ-
ДОВГА тегсин. Мен бу йил тўртинчи синфни
битирдим. Ёшим ўн бирда. Ер қимирлаш қа-
нақа бўлишини билмайман. Бизнинг маҳал-
лада кеча Тошкентга ёрдам деб пул йиғиш-
ди. Мен атлас қўйлака йиғиб юрган беш
сўм пулимни юбораялман. Болалар боғча-
си қуришингизни сўрайман.

ДИЛОРОМ, Ўш шаҳридан

Букун йўлга чиқдим ўш, қайдасан, деб
Айтмасам ҳеч бўлмас арзим бор учун.
Дилором синглимдан қиёматда ҳам
Битта атлас қўйлақ қарзим бор учун.

На бир атлас қўйлақ, соф ҳисларингга
Фидо бўлақосин жону жаҳоним.
Шу азиз пойингга, пок изларингга
Атласдек тўшласин Ўзбекистоним.

Қайдасан, Дилором? Қайси ёглардан
Сени излай букун? Садо қилсанг-чи!

Боболар муқаддас билган тоғлардан
Жажжи фариштадек тушиб келсанг-чи!

Бахш этган бир замон Ҳофиз Шероз
Бир холга Самарқанд ва Бухорони.
Сенинг ҳимматингга бағишласам оз
Тошкент билан қўшиб бутун дунёни.

Чунки сен юборган беш сўм пул эмас,
Беш қитъа мулкидек жаҳоҳир эди.
Тошкентни қурганлар, қилгинки фараз,
Сенинг мададингдан баҳоҳир эди.

Мен ҳам ўйлаб кўрсан энди вақт ўтиб
Уйим вайрон бўлиб эгмагандим бош,
Синглим, яширмайман, хатингни ўқиб
Кўзимдан тирқираб оқиб кетди ёш.

Мактубинг қўлимга тутқазди келам,
Ўша пок ниятинг билан, сингилжон,
Тошкентликка қудрат бердинг бир олам,
Ёш шoir акангга бир янги достон.

Шундан мен — ўзбекининг битта фарзанди,
Танти халқ одатин эттириб давом,
Ваъда қилган эдим янги Тошкентни
Сенга қилуримиз деб, «Шаҳри Дилором».

Ўша кунга етдик, минг марта шукур
Ленинча дўстликни берган давронга.
Бир шаҳар яратдик—қилгулик ғурур,
Кўз-кўз айлагулик жулма жаҳонга.

Синглим, у сеники — нақдинанг кетган,
Сеникидир она сундик ҳалол.
Кел, беминат ўзбек отанг қўлидан
Энди ўз шаҳрингни қабул қилиб ол.

Санаб ол буюрган боғчаларинг бу,
Юзтасин тахт қилиб қўйдиқ йўлингга.
Ленин музейини айтмайман, у-ку
Бино бўлган фақат сенинг пулингга.

Қўйчи, янги Тошкент — ушбу ҳашамат,
Сеники бор кўржи жамоли билан.
Бор чаман боғлари, илму маърифат,
Шеърно санойи камоли билан.

Бир ён Юнусобод, бир ён Чилонзор,
Дорилфунундан то Академ шаҳар —
Дунёда шундайин мамлакатлар бор,
Худуди бўлолмас Тошкентнинг қадар.

Гувляб ётган миллион темир юракдир
Бир лаҳза тинмайин кундузу кеча.
Чинни пиёладан токи трактор,
Кичкина урчуқдан самолётгача —

Бу сир эмас энди — борлиқ дунёга
Тошкент тамғаси-ла кетадир букун.
Шаҳрингда тўқиган бари матога
Курраи заминни ўраса мумкин...

Мен шавқда борлиқни унутиб тамом
Оддий ҳақиқатни баён қилурман.
Шунча вақт ўтиб ҳам сени, Дилором,
Жажжи қизалоқ деб ҳаёл қилурман.

Эй шoir, бармоинг буюки санаб боқ,
Шеърый ҳаяжонинг келмасин устун.
Ўшанда ўн бир ёш бўлган қизалоқ
Ойдек тўлиб турган аёлдир букун.

Бормисан, Дилором, қайдасан, кимсан,
Балки олимасан, балки пахтакор?
Эҳтимолки, сенинг ўша хат ёзган
Дилоромдек ширин қизалоқинг бор.

Уйнаб сайр этгулик йўл эмас ҳаёт,
Мушкул доволардан ҳам ўтгандирсан.
Балки ортада қолиб гўдак ҳаёт,
Битган мактубингни унутгандирсан.

Йўқ, сен унутсанг ҳам халқинг ёдида,
Халқнинг ёди эса мангудир, сингил.
Унинг ардоғида, кўз қароғида
Сендек фидойи қалб, меҳрибон кўнги.

Ният холис бўлса етмоқ муқаррар,
Ерда қолиб кетмас шоирнинг сўзи —
«Бирма бир Тошкентни кўрсатиб чиқар
Сенга Ўзбекистон раиси ўзи».

III

Шаҳрингда, қадимий Тупроққўрғонда
Яъни ул муборак Ленин майдони,
Гагарин боғидан кунгай томонда
Бордир Марказкомнинг юксак биноси.

Биз ўша масканга бормоқдан аввал,
Қилиб олмақ учун руҳни бегубор —
Номалъум аскарнинг қабрига ҳар гал
Лаҳза таъзим қилиб турмоғимиз бор.

Сен ҳам у бинода зиналар ошгин;
Баланд қаватлардан қара тўрт томон.
Шунда сенинг шаҳринг, маъзаам Тошкент
Гўё қафт устида бўлур мавоён.

Қатрада қуёш бор, бир гулда бўстон,
Бир шаҳарда ўн беш республика жам.
Ана — Украина, бу — Қирғизистон,
Бу уйларни Литва қурган муҳташам.

Қўчалар инсондек яшар, дейлар, рост.
Мана кўз олдинда қадим дўстлардай
Руставели билан Муқимий ҳамроҳ,
Устоз Навоийнинг ёнида Абай.

Бу «Москва», «Россия», «Ўзбекистон» бу,
Тунлар кавказистон бўлиб ёнадир.
Булар меҳмонхона, ҳақиқатда-ку
Тошкент ўзи катта меҳмонхонадир.

Тасаввур қилмоқчи бўлсанг бир нафас,
Шаҳринг аэропорти, ана, назар сол.
Сен кўрган у кенглик — аэропортмас,
Асал арларнинг ини бамисол.

Мўъжаз «Як»дан улкан аэробусгача
Учмоғу қўнмоқнинг адоғи йўқдир.
Занжи, папуасдан то ҳиндустача
Турфа меҳмонларнинг санойи йўқдир.

IV

Тошкент — «нон шаҳри» деб қозонган шухрат,
Демакки, тўкинлик, баракат шаҳри.
Қўшиқ бу масканда нондек зарурат,
Тошкент — нондек азиз шеърят шаҳри.

Чорак аср аввал икки қитъанинг
Шуароси тузган анжуман аро
Мазмуни «омонлик», «азгуликка тенг,
«Тошкент руҳи» деган лутф бўлди пайдо.

Пабло Неруданинг, Нозим Ҳикматнинг
Улмас овозида яшар ўшал руҳ,
Шеърнинг маликаси, қизи Тошкентнинг
Зулфия созида яшар ўшал руҳ.

Жангчи Агостиньо сарбасти билан
Файз Аҳмад ғазалин тенг довуғай бор.
Шарк узра шафақдек энлар кўтарган
Озодлик туғида Тошкент руҳи бор.

Ҳар баҳор очилган алвон лолалар
Кўзларнинг қувончи, дил шуқҳидир.
Лоладек яшаган бахтли болалар
Қувноқ хандаси ҳам Тошкент руҳидир.

У меҳр демақдир — энг муқаддас ҳис,
Олам ошно бўлсин ўшал туйғуғи.

Тошкентнинг ўзига бир марта олқиш,
Юз бор олқиш бўлсин Тошкент рўҳига.

Юрт кўрки — элнинг хотамтойлиги,
Қалби чиройлининг уйи чиройлик.
Асли бойлик эмас олтин бойлиги,
Олтинга бергисиз одамлар — бойлик.

Мана бу кўчадан кунботар ёқда
Халқлар дўстлиги деб аталган майдон.
У ерда кўкчаллик Шоҳмад ота —
Номининг етти иқлимад аён —

Ун олти фарзандни қучиб меҳрибон,
Мангулик олдида тутиб турар бош.
Бу мунис нигоҳда бўлмиш намоён
Ўзбекининг юраги бамисоли қуёш.

Ўзбек меҳри қуёш, мабодо лекин
Керак бўлса у ҳам жангларга қодир.
Евга кўрсатди чин мардлик нелигин
Тахтапўлдан чиққан шер ўғлон Собир.

Ана у қовлида Ойбек яшаган,
Ҳабиб Абдуллонинг маҳалласи бу.
Бизнинг уста Маҳмуд санъати билан
Ярим Ўзбекистон панджара кўзгу.

Аброр Отеллони ижро этган он
Шекспир юртини ларзага солди.
Хов, Қўрғонтегида тўғилган ўғлон
Ғафур Ғулом бўлиб дунёни олди.

Мусиқа боғида безавол чинор
Ражабий шу ернинг бўз боласидир.
Бадри Чочийдан то Қодирий қадар
Улуғ Тошкандийлар сулоласидир.

Тошкент сўзин айтсам ғурурим ғолиб,
Нетай она шахрим бўз максан бўлса,
Майли, «мош» сўзини пайроғга солиб
Фарғоналик дўстлар ақсия қилса.

Бахтлиман доваруғи оламга кетган
Тошкент фўқароси бўлганим учун.
Буюк инсонларнинг қадами теккан
Табарруқ тупроқда турибман букун.

Сен ҳам шу ерликсан, энди, Дилором,
Тошкент соҳибаси, сулув шахриёр.
Унинг букуни-ю эртаси, тамо —
Борлиги сеники, қилгин ифтихор.

Ўтмишин ҳам ўрган, бу тарих узок,
Ҳисоб этиб бўлмас асло йил ила.
Тошкент заминига қулоқ тутиб бок,
Бу қисмат — узлуксиз кечган зилзила.

Қўп қиргин жангларга гувоҳ бу замин,
У қон дарёларин шимган тупроқдир.
Неча минг йилларнинг дарду аламин
Кўтармоқдан бу ер моматалоқдир.

Кўхна суғд бардошин, тўғилмай Исо,
Қадим ёзувларда юнлган айтган.
Ўқлар ёмғирини ёғдирган, аммо
Искандар бу юртни ололмай қайтган.

Неча хоқонларни, хонларни кўриб,
Жафосин кўкракка санган элатмиз.
Араблар қуйдириб, мўғуллар қириб,
Сўнг охир ўз-ўзин янган элатмиз.

Икки минг йил аввал қандоқ эди Чоч,
Сен агар билмоқни қилурсан ҳавас,
Хайлот кўкида ёзмай кўп қулоқ
Олтмиш йил нарига назар солсанг бас.

Уша жин кўчаю гувала девор
Уша темирчилик, ўша расталар...
Олтмиш аср мудраб ётган бу диёр
Олтмиш йилда етди фазога қадар.

Йигирманчи аср — тарихнинг қалқиб
Силтаниб олдинга юргунанидир.
Қўқон араваю ИЛ-86
Бир авлоднинг кўриб улгурганидир.

Абадият аро шундай бир фурсат
Сену менга насиб бўлибди, сингил.
Фикрат парвозига тилайди шиддат
Бундоқ шиддатга ҳам кўнмаган кўнги.

У

Замин, тасаввур қил, борлиқда танҳо
Барҳаёт юлдуздир, балқиб турибди.
Бу замон у борлик ва йўқлик аро
Симоб қатрасидек қалқиб турибди.

У инсон наслини этгунча бунёд,
Қилгунча уни оқил, фарзона.
Неча миллиард йиллар нур тилаб, ҳайҳот,
Қуёш теғрасида бўлди парвона.

Мана у — одамзод, улуг, муқаддас,
Койнот мулкида бетимсол даҳо.
Энди ер шафқатни самодан эмас,
Башар фарзандидан қилар илтижо.

Она замин узра юлдузлар чироқ,
Офтоб ҳам белминнат нурга ўрайди.
Ер ўз фарзандидан ҳайқар бироқ,
Ер ўз фарзандига инсоф сўрайди.

У кун Москвага океан ўтиб
Бир хат келди. Ўқиб кўзга қалқди ёш.
Қизалоқ Саманта йўллаган мактуб
Сенинг у хатинга жуда оҳангдош.

О, бола юраги, беғубор дунё,
Борлиққа меҳри тенг, бамисли офтоб.
Биз олам ҳикматини билсак ҳам гоҳо
Бола саволига топмаймиз жаоб.

Улар истар — олам чаманда бўлса,
Тинчлик бўлса мудом, бахт бўлса мудом.
О, қани, катталар Саманта бўлса,
О, қани, катталар бўлса Дилором.

Турналар учеди арғимчоқ солиб,
Сиз уларни қуш деб ўйламанг асло.
Улар — гўдакларнинг эзгу хаёли,
Беғуноҳ диллардан учган муддао.

Беғубор фалақда азалу абад
Ер узра баробар таратган ёғду
У офтоб эмасдир, меҳри бемасҳад,
Орзуи бесарҳад гўдак қалби у.

Осуда кечалар кўк тоқин ўраб
Шамдек ёниб турган миллиард юлдузлар —
Юлдузлар эмасдир, ҳимоят сўраб
Бизларга жовдираб қараган кўзлар.

Одамлар, фалақни асранг, кўкдаги
Ул азиз турналар бўлмасин ҳалок.
Улар Самантанинг оху юраги,
Улар Дилоромнинг ниятидир пок.

Одамлар, заминни асранг, бир хато
Ёруғ бу оламнинг бўлғай адоси.
Бизни чорламоқда муқаддас садо,
Бу икки минг йиллик Тошкент садоси.

Икром ОТАМУРДОВ

Қадимги қушиқ

«Тоғлар боши ҳайқирди,
Чўпон ўрнидан турди.
Хайлда ёри уни,
Имо қилиб қақирди».

Чўпон келади тоғлардан эниб,
Кўнглида унинг бир дунё умид.
Унгирлардан у ўтар югуриб,
Югуриб чиқар қирлар — беҳудуд.

Умр

Кимдир босиб ўтган бу йўлни,
Кимдир бу йўл бошида турар.
Ҳамма унга чўзади қўлни,
Ҳамма унга интиқ талпинар.

Дарёга қуйилган ирмоқлар,
Бир-бирига ўхшамас асло.
Бир уммон бағрида тўлқинлар,
Қоришса-да, фарқ қилар аммо.

Бу йўлда,

бу йўлда,

бу йўлда

Бир нарса бошқасига мезон
Бўлолмас, йўқ унга қоида
Такрор қилиб тургани ҳар он,

Чўпон келади тоғлардан эниб,
Олдинда бордир бўронлар, балки...
Ахир тур, унда нималар бўлиб,
Бир умр исзис кетади токи...

Чўпон келади тоғлардан эниб,
Кўзлари ёнар — гўё жуфт чақмоқ.
Икки дунёни бир қадам қилиб,
Боради у,

бу чоқ,


бу чоқ,

бу чоқ.

Орта не кечар қўйларнинг ҳоли,
Айни сурумга турар пайтида...
Тоғлар эмас-ку, бўридан холи...
...Эсга келар бу қайтиш вақтида

Чўпон келади тоғлардан эниб...

«Тоғлар боши ҳайқирди,
Чўпон ўрнидан турди.
Хайлда ёри уни,
Имо қилиб қақирди...»



Эрта кўклам,
Бирдай осмон билан заминнинг туси.
Ям-яшил рангга беланган олам,
Ям-яшил ранг оқади жўшиб.

Бу пайт
кенгайди оламнинг ҳадди,
Қараган билан тўймайди кўзлар.
Кўнгилларга сиғмай тошад:

ҳайратлар,
орзулар,
завқлар.
Бу пайт
яшагинг келар,

яшагинг келар,

яшагинг келар

Шу оламнинг бағрида мангуга қолиб.

Бу пайт

олам бир эртақ сўзлар,

Ўзи ҳақида мисолларни ранглардан олиб:

таърифлардан яхшироқ
таъсирлардан яхшироқ
суратлардан яхшироқ
келинг, тинглайлик уни,
уни тинглайлик, келинг

Совет жамияти янги босқичга қадам қўйди, бу босқичда ишлаб чиқарувчи кучларда чуқур сифат ўзгаришлари қилиш ва шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш зарурати етилдди. Шу билан чамбарчас боғлиқ равишда одамларнинг онгида, жамиятнинг бутун устқурмасида ҳам ўзгаришлар рўй бериши лозим. Партия билан халқнинг бутун куч-ғайрати ривожланган социализмни планли ра-

вишда ва ҳар графахлама такомиллаштириш вазифаларига қаратилмоқда, бу вазифаларнинг амалга оширилиши меҳнаткашларнинг онглилик ва активлик даражасига бевосита боғлиқдир. Идеология иши тобора кўпроқ биринчи ўринга чиқиб бормоқда, унинг роли ва аҳамияти ошмоқда.

[КПСС Марказий Комитетининг «Партия идеология, оммавий-сиёсий ишнинг актуал масалалари» деб чиқарган қароридан]



ЖАНГОВАР ВА ЖОЗИБАДОР

Иброҳим ҒАҒУРОВ

Кишилар юксалган онг ва маънан теранлашган қалб билан юксалган коммунистик жамият қурадидлар. Жамиятнинг тараққиёти онгининг тараққиёти билан чамбарчас боғланган. Жонажон партиямиз шундай деб ўқирмоқда ва коммунистик онгини тарбиялаш ҳамда шакллантиришга энг биринчи даражали, ҳар дамба, ҳар соатда, ҳар кун пайсалга солмай олиб бориладиган, мунтазам вазифа деб ҳисобламоқда. Совет кишиларини коммунистик гоёвийлик, юксак маънавий-руҳий талаблар руҳида, буржуазия ахлоқи ва мафқурасининг ёт «жозибаларига» кескин келишмаслик руҳида тарбиялаш, уларни ривожланган социалистик жамиятнинг тобора ортиб бораётган долзарб вазифалари ҳамда эҳтиёжларини адо этмоқликка жалб этиш, тинчлик, иқтисодий, маданий, ижтимоий тараққиёт учун курашга тортиш, олижаноб идеалларга хизмат қилишга илҳомлантиришда партиямиз бадий адабиёт ҳамда санъатнинг роли ҳар қачонгидан кўра кучаяётганлигига алоҳида эътибор билан қарамоқда. Кейинги йилларда чиқарилган қатор тарихий қарорлар совет маданияти арбоблари олдида турган муҳим вазифаларини, ривожланган социализм шароитида санъаткорнинг тутган мавқеи ҳамда ўрнини теран ва аниқ белгилаб берди.

Партиямизнинг 1983 йил Июнь пленуми айниқса мафқура соҳасида совет кишилари амалга оширадиган ишларнинг жуда кенг ва улғу программасини белгилаб чиқди. КПСС Марказий Комитетининг бош секретари Юрий Владимирович Андропов халқ маданий тараққиётининг баянда поғоналарига кўтарилга борган сари «санъатнинг ижтимоий ҳаётга актив аралашши имкониятлари» ҳам ортади, деб ўқитиб ўтди.

Ижтимоий ҳаётга фаол аралашмоқ бу ҳаётни фаол ўзгаришмоқ демакдир.

Фаол ўзгаришри эса доимо жўшқин кучларни талаб қилади.

Совет адабиётимиз ва санъатимиз ана шундай жўшқин, ғайратли, соғлом, яшовчан кучларни тарбиялайди. Шунинг ўзининг туганмас бурчи деб англайди ва шунга яраша тер ўқайди.

Адабиёт кишиларимиз учун маънавий қувват манбаидир. Бу қувват янги дунё кишининг образида муассамлашган.

Бугунги совет адабиётининг энг яхши ва энг таъсирчан қаҳрамонла-

ри — курашчан, жанговар, ибрат кучига эга бўлган қаҳрамонлардир. Улар халқнинг бахтли ҳаёти йўлида жонболик қиладилар ва ўз ондларига муттасил: «Инсон нима учун яшайди? Инсон нимани деб оламга келайди?» деган саволни қўядилар. Шу оддий бўлиб кўринган саволлар устида бош қотириш — инсониятнинг бугуни ва келажиги йўлида матонат ва ирода билан курашиш керак, деган энг муҳим хулосага олиб келади.

Адабий жараёнларни — адабиётнинг кечаги кунлари билан бугунги тажрибаларини бир бутун, яхлит ҳолда кўздан кечиргандагина у ҳақда тўғри ва теран хулоса чиқариш, тасаввур бериш мумкин. Худди шунда бир-бирига ўхшамаган, бир-биридан тубдан фарқ қиладиган ёзувчилик тақдирлари аслида бир-бирига ўхшаши, бир-бирига яқинлашиб бориши равшанлашади. Ухшамайдиган бўлиб туолган ҳодисаларда ўхшашиликлар, қондошликлар, яқинликлар кўзга чалинади.

Ҳар қандай миллий адабиётнинг йўли — жонли, тирик йўл. Тадрижий тамоқулот йўли. Ўзбек совет адабиётининг ўсиш йўлини янгидан янгиинг пайдо бўлиш йўли деб қараш мумкин.

Ўзбек дехқонининг совет йилларидаги бахтли тақдир йўлини бир назардан кечирайлик. Дарҳол кўз ўнгимизда Обид Кетмон, Қўкан, Сидиқжон, Жонтемир ва ундан сўнг Комила ва Уктам гавдаланади. Оддий ўзбек дехқонларининг социализм сари қандай қадамлар ташлаб бораётганликларини шу адабий қаҳрамонларнинг тақдирларида кузатиш қанчалар мароқли. Бу қаҳрамонлар янги дунё кишилари, лекин улар ўтмишдан келётган янги дунё одамлари. Уларнинг елкаларидан амир даррларининг излари ҳали ўчмаган. Лекин шу билан бирга улар Гофридан ва Йўлчидан анча илгариллаб кетганлар. Замон уларни ўсишнинг тамомила бошқача пиллапояларига кўтарган. Бу социализмнинг янги онг пиллапояларидир.

Улар жамиятнинг ҳам янги тараққиёт босқичига олиб чиққанлар. Тараққиётнинг оғир ва мураккаб, лекин бахтли ва сарафроз йўллари, аввало, уларнинг ўсишга, ривожланишга жуда ҳам ташна бўлиб кетган онглиридан ўтган. Онглир — жамиятнинг ривож изларидир.

Бу образларни бизнинг маданият ва маънавият дунёмизга берган асар-

ларнинг адабиёт тарихи учун аҳамияти беқиёс. Шу билан бирга улар бошқа бир қутилмаган томондан ҳам зўр қимматга эга. Улар ўзбек қишлоқ кишини ҳақндаги катта прозага — янги прозага йўл очиб берди. «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли» шу заминда бунёдга келди. Ўз навабатида «Чинор», «Уфқ», «Умид», «Машъал», «Қонли сароб», «Тақдир», «Диёнат», «Қора кўзлар», «Ҳазрати инсон» сингари романлар инсон тақдирларини яратишда тамомила янги босқич бўлди. Уларда дунё муаммоларини олмосдек онг билан ечадиган кишилар образлари гавдаланди. Булар орқали сўнг олтимишчи йилларнинг бошида янги авлод генерацияси бошланди. Совет замонасининг тонгида Ленин: «Биз бирлашган тажрибага, миллионларча меҳнаткашларнинг тажрибасига умид боғлаймиз», деган эди. Биз миннатдорчилик билан эслаётган турли авлод совет адабларининг ажойиб қаҳрамонлари тарихда мисли кўрилмаган қудрат тисмоли бўлмиш «бирлашган тажрибаларнинг» гўзал ва ҳайратомиз намуналарини берган, бирлашган тажрибамизнинг гуллари сифатида майдонга чиққан ўз ибратлари билан неча-неча авлодларни тарбиялашда иссиқ кўшган эдилар. Улар келажак наслларни ҳам тарбиялашда камарбаста туриб, ҳам хизмат қилдилар.

Безъан адабий гурунларда бизда Михаил Шолоховнинг «Тинч Дон», Николай Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди», Александр Фадеевнинг «Тор-мор», Александр Твардовскийнинг «Василий Теркин», Леонид Леоновнинг «Рус ўрмони», Георгий Марковнинг «Сибирь», Александр Чкаловскийнинг «Қамал», Чингиз Айтматовнинг «Юк кема», Мирза Иброҳимовнинг «Паронав» сингари романларига ўхшаб китоблар ёзилишини орзу қилиб сўзлайдилар. Умумсовет адабиётининг олтин ҳазиналарида бундай асарлар ўз эмас. Ўзбек адабларининг умумиттифок китобхона қўлдан қўймай ўқибётган энг яхши асарлари ҳаётни ва инсонини тадқиқ қилишдаги энг гўзал қирралари билан шу олмос намуналарга аънадошлик, издошлик қилдилар. Биз бу билан юракдан фахрланамиз.

Бир-бирдан ўсиб чиқиб ҳодисаларини биз тарихий романларда, тарихий-иқлибий, биографик романларда ҳам аққол кузатамиз.

Бир-бирдан ўсиб чиқиб ҳодиса-

ларини биз ҳозирги замоннинг шу қадар ранг-баранг, сержаранг, сержиле, серсул лирикасида ҳам кўрамиз. Лекин «Ўрик гуллаганда», «Наъматак», «Сен етим эмассан», «Назир отанинг газоби» ўзбек миллий лирикасининг сатрлари аро яшайди ва лирикаимизнинг тараққиётга йўналиш бериб туради.

Адабиётимизнинг тоза кўкрагидан бугун янги ниҳоллар етилмоқда. Бу ниҳоллар янги интилишлар билан яшамоқда. Уларда жаҳон адабиётини янгиликларини ўрганишга ташналик ва ташналик замирида қизиқиш бор. Шу қизиқиш туфайли улар прозага янги бадий таҳлил ҳамда тадқиқ принципларини тақдим этиш йўлидан бормоқда. Уларда қаҳрамонлар — бизнинг ёш ва кекса замондошларимиз ҳаётини фалсафий-психологик идрок қилиш, тасвир ҳамда композицияда янги усуллар қўллашга уринишлар мавжуд. Ёшларнинг энг яхши асарларида ички тадқиқот руҳи ҳоким. Қаҳрамон ўз қалбига ҳар томондан ойна солиб қарамоқда. Инсоннинг ўрни, яшашнинг маъноси устида ўйланмоқда. Ёшлар қаҳрамонларнинг ўз-ўзини фалсафий-ижтимоий, психологик жиҳатдан танишга ва шу орқали одамларга улғу ҳурмат билан қарашга интилиши — ўзбек прозасига янги маърифатли қаҳрамон қириб келаятганлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам бу асарлар ҳақида уларнинг мағзи, маъноси, бадий қурилиши ва бошқа жиҳатларини теран англаб фикр юритиш жоиз. Чалакам-чатти, юзай ўқиб айтилган фикр-мулоҳазалар ёрдам бериш ўрнига, изланишларни тўғри изга солиш ўрнига, тараққиёт жараёнларига салбий таъсир қилиши мумкин.

Шулар билан бирга ёшларнинг жаҳон адабиётидан ўрганишлари шаклий натижадан берибгина қолмаслиги шарт. Урганиш гоёвий ҳамда мундарицавий тералик касб этишга қаратилганда ва фақат шундай натижа билангина самаралидир.

Ёшларнинг асарларига ҳозир ҳужумкорлик руҳи етишмай турибди. Бунинг сабабларини жиддий ўйлашга тўғри келади. Сабаблар кўп. Лекин асосий сабаб,— шунинг қатъий суратда айтиш мумкин,— кўпгина ёшларнинг гражданд сифатида етилиши кечикиб қолаётганидир.

Гражданднинг етилиши... Бу аввало, чин эътиқод, чин дунёқарошнинг етилишидир. Авторнинг етилиши бошданок шунга чамбарчас боғлиқ. Гражданд сифатида етилмаслик жуда нуноқ, профессионал жиҳатдан ўта заиф, сазъ ва тасодифий йўналишдаги асарларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Моҳир қаламлар жуда-жуда сийрак кўзга ташланмоқда. Бизда фалончига ўхшаш адаб йўқ демоклик гоътада осон. Бундай дейиш учун ҳеч қандай жавобгарликнинг ҳам кераги йўқ. Лекин ундан кўра,— қалбда талантнинг ўти ёнаётган экан,— чинакам санъаткор бўлишга уриниб кўриш яхшироқ эмасми? Ўз олдида жуда катта ва жуда қийин вазифаларни ҳал қилишни қўймаган талант жилдираб сўнг тугайди.

Гражданд бўлиб етилиш эса талантга улғу қудрат бахш этади. Ва талант халқ ҳақиқатининг куйчисига айланади.

Бошқа ҳар қандай йўл, Фирдавсий айтгандай, шамолга ёки сувга ёзишдир.

Биз эса қалбга ва тоза онларга ёзишни орзу қиламиз.

Ҳа, қалбларга ва онларга ёзилган сўзларгина ўлмасдир.

ШУНДАЙ санъаткорлар борки, уларнинг номи-сиз, уларнинг ижодисиз муайян давр санъатининг маълум бир соҳасидаги равақини тасав-вур этиб бўлмайди. Уларнинг баъзилари санъатда янги бир йўналишни бошлаб берадилар, ўз номларини шон-шухратга буркайдилар, баъзилари эса, устозлар изидан бориб, ўз ижодлари билан санъатнинг маълум тармоғини юқори поғонага кўтардилар. Ўзбек профессионал музыкали театри асосчиларидан бири, атоқли опера куйчиси, классик ашула мухлисларининг меҳрини қозонган ажойиб хонанда Ҳалима Носирова янги йўналиш яратган санъаткорлар сира-сига мансубдир.

Ҳалима Носированинг санъатга кириб келиш даври гоёт қийин йил-ларга тўғри келди. Бир томондан, босмачилик ҳаракати авж олган, иккинчи томондан, алампда хуро-фотчиларнинг жазаваси тутган ма-ҳалда ўзбек қизининг саҳнада очки-юз билан кўшиқ айтиши ёки саҳнада образ яратиши осон эмас эди. Тур-суной Сайдазимова, Нурхон Йўлдош-хўжаева худди шундай пайтларда жажолат ва хурофот қурбони бўлди-лар.

Ҳалима Носирова 1913 йилда Қў-қон яқинидаги Тоғлик қишлоғида туғилди. Отаси Мухаммад Носир ҳам, онаси Хосият Мамаюсупова ҳам адабиёт ва санъатга яқин кишилар эди. Ҳалима онадаги тўртта фар-занднинг учинчиси эди. 1918 йилда Мухаммад Носир вафот этди. Ёш болалари билан бева қолган Хосият она Тўрақон Иброҳимова сингари фаол хотин-қизлар таъсирида Қўқон шаҳрига кўчиб келади ва шохи тў-қиш фабрикасига ишга кириди, ёш фарзандларини шаҳарда эндигина очилган болалар уйига топширади.

Шеър ёзишга, ашула айтишга, рақс тушишга жуда ёшлигидан қизиқ-қан Ҳалима болалар уйидаги хавас-корлар орасида тезда ўзини кўрсата-ди. У хаваскорлар кўйган «Етим бо-ла», «Эрк болалари» спектаклида бош ролларни ўйнайди. «Эрк бола-ри» спектаклида Ҳамза Ҳакимзода шеъри билан айтиладиган ва:

Тор қафасдан кутулдик,
Эзилиб ҳақсиз ётгани;
Кўли тортинг, оталар,
Қизни молдек сотгани,—

деган сатрлар билан бошланадиган кўшиқни Ҳалима «Биз қишлоқдан қишқанда» халқ кўшиғи куйида гоёт таъсири айтарди. Уша пайтларда у машҳур «Галдир» ашуласини ҳам куйлаб, кўпчилиكنинг таъсинига сазо-вор бўлади.

1923 йилда Ҳалима Носирова Тош-кентдаги Маориф институти деб ном-ланган хотин-қизлар билим юртида ўқийди. Бу ерда ҳам у хаваскорлар кўйган спектаклларда қатнашади, ашулалар айтади, инқилобий шеър-ларни ёд ўқийди, тезда ўз санъати билан танила боради. Билим юрти-нинг Ҳалима сингари хаваскорлари чинакам санъаткор бўлиш орзусида Тошкентдаги театр труппаларига тез-тез қатнаб турардилар. Ҳамза Ҳаким-зоданинг «Заҳарли ҳаёт», Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Фулом Зафарийнинг «Ҳалима», «Эрк бола-лари», Узеир Ҳожибековнинг «Ар-шин мол оло» асарлари ёш хавас-корларда жуда катта таассурот қол-дирди. Ана шу спектаклларнинг айримларини хаваскорлар ўз саҳна-ларидан кўрсатишга муваффақ бўлди-лар.

1925 йили Ҳалима Носирова кўзга кўриниб қолган ёш санъаткорлардан Назира Алиева, Ҳакима Хўжаева, Ра-ҳим Пирмухамедов, Саъдулла Жўра-боев, Карим Ёқубов, Қизилтонг, Сай-фиқори Олимов ва бошқалар қато-рида махсус саҳна тълмини олиш учун Боку театр техникумига ўқишга жўнайдди. Бу ерда у бир неча йил давомида Мирсайфиддин Қирмон-

ДАВР ҚИЗИ

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ
ҲАЛИМА НОСИРОВАНИНГ
70 ЙИЛЛИГИГА

шоҳли, Владимир Владимирович Сладковецев, Антон Сергеевич Маз-лянц сингари саҳна санъати муал-лимларидан, Узеир Ҳожибеков, Бул-бул Мамедов, Хусайн Жовид, Сурия Ҳожар, Қурбон торчи каби машҳур санъаткорлардан, озарбойжон опера театрининг асосчиларидан бири Ху-сайнкули Сараблдан, машҳур хонан-да Шавкатхоним Мамедовадан таъ-лим олади. Ҳалима Носирова ана шу устозлари ёрдамида озарбойжон миллий операси ҳамда музика ма-данияти билан танишади ва умуман Шарқ музикаси билан Европа опера-си ҳақида ихшигинга тасаввурга эга бўлади.

20-йилларнинг ўрталарида Боку Музикали театрида композитор Узеир Ҳожибековнинг «Хорун ва Лайли», «Шоҳ Аббос ва Хуршудбо-ну», «Рустам ва Зухроб», «Асли ва Карам» сингари асарлари тез-тез кўйилиб турларди. Ҳалима Носиро-ва халқ кўшиқлари билан рақслари-га ниҳоятда бой бу спектакллари кўйиш, эшитиш, актёр ва актрисалар-нинг ижро маҳоратини ўрганиш мақ-садида қайта-қайта театрга боришдан эринмасди.

Ҳалима Носирова Бокуда ўқитган ўзбек хаваскорларидан биринчи бў-либ Машади Азизбеков номидидаги драма театрида Жафар Жабборли-нинг «Ойдин» драмасида Гултакан ролин ижро этди. Халиманинг дра-матик асардаги ютуғидан кейин ус-тозлар уни музыкали драмада ҳам синиб кўрадилар. У Боку Музикали драма театрида Узеир Ҳожибеков-нинг «Аршин мол оло» асарида бош ролни — Гулчехрани ўйнади. Бу образ устида у зўр эътиқод ва меҳр билан ишлади. Натижада Гулчехра Ҳалима Носированинг энг севимли ролларидан бири бўлиб қолди.

1926 йил ёзда Бокудаги театр техникумининг ўзбек труппаси тала-балари ёзги каникулга қайтдилар. Улар ўзбек томошбинларига кўрса-тиш учун шошилиқ равишда Жафар

Жабборлининг «Ойдин», Мольернинг «Жорж Данден», Узеир Ҳожибеков-нинг «Аршин мол оло» ҳамда ҳа-васкорларнинг ўзлари коллектив ра-вишда ёзган «Талабалар ўйини» асарларини тайёрлаб келдилар. Спектакллар дастлаб ўша пайтдаги республика пойтахти Самарқанда, сўнгра Наманган, Марғилонда, Қў-қонда намойиш этилди. Ёш санъат-корларнинг спектакллари ҳамма ер-да зўр олқиш ва таъсинлар билан ку-тиб олинди.

Боку театр техникумида тарбияла-навган талабалар билан паралел равишда Москвадаги театр студияси-да таҳсил кўраётган ёш истеъдодлар ҳам саҳнада ўз санъатларини намой-иш эта бошладилар. 1926 йил ёзда Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятлов, Етим Бобожонов, Сора Эшонтурае-ва, Шариф Қайюмов, Саъди Табибул-лаев, Тохсон Султонова, Замира Ҳидоятлова, Турсуной Сайдазимова, Лутфулла Назруллаев, Музаффар Мухамедов ва бошқалар ишти-рок этган саҳна асарлари тошкентлик минглаб театр мухлисларининг қал-бини ром этди. Фаргона водийсида гастролда юрган «бокулик» санъат-корлар Тошкентга боришга ва ўз дўстлари билан учрашишга қарор қилдилар. Улар Тошкентда Москва студиячилар ижросида Н. В. Гоголи-нинг «Ревизор», К. Гоццининг «Мали-каи Турандот», В. Билли-Белоцер-ковскийнинг «Акс-садо», Мольернинг «Хасис» асарларини томоша қилди-лар. Ўз навбатида Ҳалима Носирова ҳамда унинг шериклари ҳам Москва-да ўқитган ҳамкасбаларига ўз спектаклларини намойиш этидилар. Студиячилар уларнинг «Ойдин» ва «Аршин мол оло» спектакллари-га айниқса юксак баҳо бердилар. Юқо-рида айтганимиздек, бу спектакллар-нинг бирида Ҳалима Носированинг драматик асардаги қобилияти, иккин-чисида унинг музыкали драматик асардаги истеъдоди яққилраб кўри-нган эди. Ўзбек театрининг бадий

раҳбери Маннон Уйғур Ҳалима Но-сировани ўқини битирганидан сўнг миллий драматик театрда ишлашга тақлиф этди. Маълумки, бу санъат даргоҳи кейинчалик Ҳамза номли театрга айланди.

1927 йил ёздаги гастроллар ҳам гоёт муваффақиятли ўтди. Ҳалима Носированинг бемисл овози ва дра-матик қобилияти ҳақида халқ ораси-да яхши овозлар тарқалди. У дра-матик асарларда ҳажгонли роллар ижро этарди, музикали саҳналарда таъсирчан ариялар айтарди, концерт-ларда халқ кўшиқларини яхши куй-лаб, кўшиқ шайдоларини мафтун этарди.

Гастроллар яқунлиниб, Бокуга жў-наш учун тайёрлиниб юрилган кун-ларда Бухоридан шум хабар келди: ўзбек шахсанинг юлдузларидан бири Турсуной Сайдазимова жажолат бандаларининг қутқиси билан улди-рилган эди. Эндигина 18 ўшга кир-ган, Аброр Ҳидоятлов, Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Музаффар Муха-медов ва бошқалар билан Москвада уч йиллик театр студиясини битириб келган, драматик асарларда ҳам, му-зикали драмаларда ҳам бош ролни ўйнаётган Турсуноининг ўрнига дар-ҳол бошқа бир истеъдодни топиш лозим эди. Ҳалима Носирова унинг ўрнига лойиқ кўрилди. Шу тариқа у Бокудаги театр техникумининг сўнги курсига бора олмади, Тошкентда қолди. У Тошкентдаги Ўзбек давлат драма театрига ишга қабул қилинди ва дастлабки кунларданок барча спектаклларда бош ролларни ижро эта бошлади.

Ҳалима Носирова маъзур театрга бир ярим йилдан кўпроқ ишлади ва шу вақт ичида ўтизга яқин спек-таклда бош ролларни ўйнади. Булар орасида Н. В. Гоголининг «Ревизор» комедиясидаги Марья Антоновна, К. Гоццининг «Маликаи Турандот» асаридаги Турандот, К. Гольдонининг «Йкки бойга бир малай» асаридаги Кларица, С. Поливанов ва Л. Прозо-ровскийнинг «Сигнал» асаридаги Гулка, Фулом Зафарийнинг «Ҳалима» пьесасидаги Ҳалима, «Аршин мол оло»ндаги Гулчехра, «Ойдин»даги Гултакан образларини гоёт таъсирчан ижро этилганлигини алоҳида таъкид-лаш лозим.

1929 йил бошларида Ҳалима Носи-рова оилавий сабаб билан Андижон-даги ўзбек музыкали драма театрига ишга кирди. Унинг турмуш ўртоғи, ёш драматург Комил Яшин худди шу театрга адабий эмаждош эди. Маълумки, Улуғ Октябр инқилобнинг дастлабки йилларида Ҳамза Ҳаким-зода Ниёзий томонидан тузилган Андижон театри ўша йиллари ўз ато-рофига Тўхтасин Жалилов, Музаф-фар Мухамедов, Орифжон Тошма-тов, Муҳиддин Хўжаев, Ваҳобжон Азимов, Умаржон Абдуллаев, Мух-хаммаджон Тоғжизода, Лутфихоним Саримсоқова, Исҳоққори Қаримов, Сойибжон Хўжаев, Мукаррама Ази-зова, Мурод Қўлдошев ва бошқа кўплаб истеъдодларни тўплаган эди.

Ҳалима Носирова Андижондаги ўзбек музыкали драма театрида Тош-кентда ижро этган айрим роллари-дан ташқари Комил Яшиннинг «Йкки коммунист» асаридаги Дилбар обра-зини томошабинларга манзур этди. «Йкки коммунист» спектакли Анди-жон театрининг энг яхши асарлари-дан бири бўлиб қолди. Бу асар Ҳа-лима Носирова талқинида инқилобга чордвор — қафасдан чиқолмаган ўзбек аёлининг жасур ва ўқталмиги-ни ёрқин намойиш этди.

Ҳалима Носированинг ўзбек санъ-ати олдадаги энг катта хизматлари-дан бири унинг миллий операнизи яратиш ва камол топтириш бораси-даги ҳиссаси ҳамда жонқуярлиғидир. Бу жиҳатдан юбилар санъаткорими-зини Мухиддин Қорнқубов, Тўхтасин Жалилов, Рейнгольд Морицевич Глизр ва бошқалар сингари ўзбек совет операсининг тамал тошмини қўйганлардан, деса бўлади.

— 1929 йилнинг куз ойларида Қорнқубов Андижонга борди,— дея



Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентда яшаган Алексей Толстой ўзбек санъаткорлари билан тез-тез суҳбатлашиб турарди.

қисқа қиладиган Ҳалима операни ўзи.— Уша пайтларда республикамиз пойтахти Самарқандда эди. Қориёқубов Самарқандда музикали театр ташкил этилаётганини айтиб, мен билан Яшинни Самарқандга боришга ундади. Қориёқубов яхши актёр, ҳофиз ва созандалиқдан ташқари санъатимиз ривожини учун ниҳоятда жонқуяр ташкилотчи эди. Ҳамза билан кўп сафарларда бирга бўлган, ундан таълим олган Муҳиддинқор қандайдир сарқи табиий туйғуси билан ўзбек профессионал музикали театри тузишни, кейинчалик бу театр ўзбек опера театрига асос бўлиб қолишини орзу қилар эди... Шундай қилиб, Қориёқубов мени ҳам, Яшинни ҳам, кейинроқ Тўхтасин Жалилов, Лутфи-хоним Саримсоқова ҳамда Музаффар Мухамедовни ҳам Самарқандга олиб кетди. Ўзбек давлат музикали театрининг очилиши қишлоқларда колхоз ва совхозлар тузилиши йилларига тўғри келди. Бундай оламшумул воқеалар бизнинг янги театримиз фаолиятида ҳам, репертуарларимизда ҳам ўз аксини топарди. 1930 йили республикамиз пойтахтини Тошкентга кўчиши муносабати билан бизнинг театримиз ҳам янги жойда ўз ишини давом эттирди...

Ҳалима опа тилга олган, 1929 йили М. Қориёқубов ташаббуси билан тузилган Ўзбек давлат музикали театри кейинчалик чиндан ҳам Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат Катта академик опера ва балет театрига асос бўлди. Унинг энг дастлабки муваффақиятли асарларидан бири Фулом Зафарийнинг «Ҳалима» драмаси асосида қўйилган спектакль эди. Уша йиллари матбуотда эълон қилинган мақолаларда таъкидланиши ҳамда

санъат муҳлисларининг гувоҳлиқ беришларича, Ҳалима Носирова мазкур асардаги бош ролни—Ҳалима образини ўзидан аввалги барча ижрочилардан кўра таъсирчан ва мукаммал талқин этган. Шундан кейин бу театрда «Ичкарیدا», «Гулсара», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра» ва бошқа ўнлаб асарлар қўйилди. Ҳалима Носирова уларнинг ҳаммасида бош ролни ижро этди.

1930 йил ёзда Ватанимиз пойтахти Москвада СССР халқларининг биринчи театр олимпиадаси бўлиб ўтди. Бу йирик санъат кўриғида ҳам ўзбек санъаткорлари ижро этган асарлар орасида «Ҳалима» музикали драматининг спектакли яхши муваффақият қозонди.

1937 йили май ойининг учинчи ўн кунигида Москвада ўзбек санъати ва адабиётининг декадаси бўлиб ўтди. Ўзбек давлат музикали театри коллективи Москвалик томошабинларга Р. М. Глиэрнинг «Гулсара», В. А. Успенскийнинг «Фарҳод ва Ширин» музикали драмаларини, шунингдек, ўзбек деҳқонларининг меҳнат ғалабаларини улуғвоҳ концерт программасини намойиш этдилар. Шунинг айтиш керакки, декада пайтида ҳам, ундан кейин ҳам пойтахт газеталарида ажойиб санъаткор Ҳалима Носированинг ижрочилиқ маҳорати, галантига жуда катта баҳо берилди. Бошқача айганда, Ҳалима Носированинг ижоди фақат пойтахт томошабинларининггина эмас, Урта Осиё республикаларининг миллий санъатини ўрганаётган санъатшуносларнинг диққатини ҳам ўзига тортган эди. Декада якунланиши билан Ўзбек давлат музикали театри Меҳ-

нат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Уз санъатини, маҳоратини барчага мансур этган Ҳалима Носировага СССР халқ артисти унвони берилди.

Очигини айтганда, Ўзбек давлат музикали театрида қўйилган, юқорида номи зикр этилган асарлар ҳали миллий операмизни яратиш йўлидаги илк қадамлар эди. Бу нарса декада кунларидаги муҳокамаларда ҳам қайд этилди. Декадadan қайтган ўзбек санъаткорлари чинакам опера асарлари яратиш ва томошабинларга тақдим этишга киришдилар. Худди шу нарса Ҳалима Носированинг кўпдан бери ўйлаб юрган орусининг рўбба чиқиши эди. Дастлаб театрда Е. Г. Брусилоскийнинг қозоқ эртаги асосида ёзилган ва Олмаотада қўйилган «Эр-Таргин» операси тайёрланди. Ҳалима Носирова бу операда Оқжунус ролини муваффақиятли ижро этди.

1939 йил 11 июнь кунини ўзбек халқининг маданий ҳаётида муҳим воқеа содир бўлди. Уша кунини Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек давлат музикали театрида биринчи ўзбек миллий операси «Бўрон» намойиш этилди. Мухтор Ашрафий ва Сергей Никифорович Василенко опера музикасининг муаллифи эдилар. Опера либреттосини драматург Комил Яшин ёзган эди. СССР халқ артисти Ҳалима Носирова операдаги бош ролни—Норгулни ижро этди.

Шу воқеадан сўнг олти кун ўтиб—1939 йил 17 июндан бошлаб Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонида бивона Ўзбек давлат музикали театри Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек Давлат опера ва балет театри деб аталаб-шо-

ланди. Узининг навқиронлик пайтидаёқ Ўзбекистон булбули деб ном олган, миллион-миллион томошабинларнинг чексиз ҳурматини қозонган юбиляр санъаткор Ҳалима Носирова эса, ана шу муътабар даргоҳнинг етук санъаткорларидан бири сифатида саҳна санъатининг камолотига салмоқли ҳисса қўшиб келаётди.

Санъат муҳлислари Ҳалима Носировани классик ашуларимиани сиқилмақом ижро этакдан ҳофиз сифатида ҳам гоят қадрлайдилар. Бу бемисл овозли хонанда ижросидаги «Чоргоҳ», «Тановар», «Ўзганча», «Сайёра», «Самарқанд ушшоғи», «Гул юз озра», «Фигон», «Чаман ичра» сингари ўнлаб ашулалар кўпдан бери қўшиқ шинавандалари дилини ром этиб келади. Зеро, Москвада ҳам, Тошкентда ҳам Ҳалима Носирова ижросида ашулалар ёзилган пластинкаларнинг харидорлар томонидан бетўхтов сотиб олинishi бежиз эмас.

— Мен шилғимда шоира бўлишни орзу қилар эдим,— дейди Ҳалима опа ўзаро суҳбатда.— Саққиз ёшлик пайтимда онамга бағишлаб шешр ёзганман. Ундан кейин ҳам кўп шешр-филдлар ёзганман. Чамаси менда шешр-филддан кўра саҳна санъати табиадан оғибди қилди. Санъатнинг қайси турида бўлмасин, халқимга, Ватанимга хизмат этётганимдан бахтиёрман.

Биз санъаткоримизнинг бугунги кўтулғу тўйида минглаб, миллионлаб томошабинлар, қўшиқ тингловчилари номидан Ҳалима опага:

— Сиз халқимизнинг суюкли фарзандларидан биросиз. Тўйингиз муबारак бўлсин,— деймиз.

Оқилжон ҲУСАНОВ

ЎЗБЕК ОПЕРАСИНИНГ УЛКАН НАМОЯНДАСИ

1939 йилда республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. Ўзбек дёбирида опера яратилди. Июнь ойида Алишер Навоий номидаги театрда М. Ашрафий ва С. Василенколарнинг «Бўрон» операси премьераси бўлиб ўтди. Биринчи ўзбек операсидаги Норгул образини бу пайтгача ўзининг ширали, чинидайдир сарқаранг овози ҳамда саҳнада яратган образлари билан машҳур бўлиб кетган Ҳалима Носирова ижро этди ва шундай қилиб, у ўзбек опера санъати асосчилари қаторидан ўрин олди. Уша кезларда «Советское искусство» газетаси актриса яратган Норгул образи ҳақида бундай деб ёзган эди: «Ерқин ифодавий ва чуқур ҳиссийларга тўла Норгул ариялари мазкур опера мусиқасидаги энг ажойиб ўринлардан-дир, артистка ушбу ролда ниҳоятда гўзал, унинг юксак трагик таланти бу спектаклда янгича қудрат билан чакнади».

Ҳалима Носирова «Бўрон»даги Норгул, «Лайли ва Мажнун»даги Лайли арияларини муваффақият билан ижро этаркан, шу паллалардан бошлаб, ўзининг бутун ҳаётини, ижодий изланишларини ўзбек операси билан чамбарчас боғлади. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг энг етакчи солисти сифатида танилди.

Ҳалима Носирова ушбу театр саҳнасида узоқ йиллар давомида рангоранг образлар галереясини яратди. Булар Е. Брусилоскийнинг «Эр-Таргин» операсидаги Оқжунус, М. Магомоевнинг «Наргиз» операсидаги Наргиз, Р. Глиэр ва Т. Содиқовларнинг «Гулсара» операсидаги Гулсара, С. Бобоевнинг «Ҳамза»сидаги Саодат,

А. Козловскийнинг «Улуғбек» операсида, Ж. Бизенинг «Кармен»даги Кармен, Т. Жалилов, Б. Бровцинларнинг «Тоҳир ва Зухра»сидаги Зухра, С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши»даги Майсара, Т. Содиқов, Б. Зейдман, Ю. Ражабий, Д. Зокировларнинг «Зайнаб ва Омон»даги Зайнаб ва бошқалардир. Мана шу партияларни машҳур артист ижросида тинглар эканмиз, Ҳалима Носирова кучли ва жозибали, ўткир ва ниҳоятда таъсирчан, кенг диапазонли сопрано овозига эга санъаткор эканлигининг шоҳиди бўлаемиз. У беқиёс талант ва маҳорат соҳибаси. Унинг мушқий хотираси, партияларини ўзлаштириши, яратётган образларининг руҳига кириш қобилияти кишини ҳайратга солади. Санъаткор яратган образлар ҳамон ўзининг оригиналлиги, характерларининг ўткирлиги ва ранг-баранг, чуқур психологик талқини билан ажралаб туради.

Ҳалима Носирова опера театри саҳнасида яратган образлар ўзига хослиги билан ҳам ажралаб туради. Масалан, «Гулсара»да у озода ўзбек аёлининг қаҳрамонана қиёфасини реалистик бўёқлар билан чиғиб берса, «Эр-Таргин»да бутунлай қарам-қарши характерни—салбий тилдаги, ақли, аммо айёр, ўз хуснини ўткир кўрол деб билувчи Оқжунусни томошабин кўз олдига гавдалантиради. «Майсаранинг иши»да эса халқ орасидан етишиб чиққан жасур, ақлидроки баланд, ишбилармон, инқилобдан аввалги ҳукмрон амалдорларни, жабр-зулм ҳомийларини ниҳоятда усталик билан фош этувчи аёл—Майсаранинг бадий яхлит образини мужассамлантиради.

Ҳалима Носировадан: «Операда



1956 йили ўзбек санъаткорлари Деҳлида бўлишганида Ҳиндистон республикасининг Бош вазирини Жаҳоҳарлал Неру уларни қабул қилиб, суҳбатлашди ва ўзбек санъатига юксак баҳо берди.

ўзингизга ёққан энг сеvimли образингиз қайси,— деб сўраганимда у: — Менинг саҳнадаги қаҳрамонларим гўё кўп болалик онанинг фарзандларидек, ахир қайси бир она у ёки бу фарзандим сеvimлироқ, дейди? Она учун не-не машаққатлар билан вояга етказган болаларнинг барчаси сеvimли,—дея жавоб берди.—Актрисанинг ҳар бир ролни, саҳнада яратган образи—бу бетиними, машаққатли изланишлар натижаси. Ахир, талант—бу фақатгина табиий оғмиғини эмас-ку... Талант ҳақиқий санъаткор учун 99 фоиз меҳнат ҳамдир.

Ҳалима Носирова ўзбек операсининг йирик ва тажрибали намояндаси сифатида узоқ йиллар ижодий изланишлар олиб борди. Ҳаммиси санъатнинг бундай мураккаб, гўзал ва оромбахш жанрини халқининг эстетик таваққурига, музика санъати истеҳсолчиларининг дилига сингирдиш-

да ҳормай-толмай хизмат қилди. У икки хил услуб—яъни ўзбек миллий ҳамда рус ижро услубларини нозик ва табиий уйғунлаштириш борасида ҳақиқий олтин кўприк ролини бажарди. Бу эса ўз навбатида миллий томошабинларга санъатнинг мураккаб тури ҳисобланган опера арияларини тинглаб баҳра олиш учун йўл очиб берди. Мана шу йўлда Ҳалима Носированинг 1934 йилдан Москва Давлат консерваториясига сиртдан катнаб рус опера санъатининг машҳур намояндаси, улкан вокалист-педагог Анастасия Васильевна Нежданова, Константин Станиславский, Немирович-Данченколардан олган сабоқлари кўп келди.

Ҳалима Носирова, шунингдек, ўзбек классик куйлари, мақомлари, халқ ашулаларининг, элда шуҳрат топган мусиқий ҳамда ижрочилик ҳазинасининг асл билимдонларидандир. Булбулсифат хонанда, соҳир

СИРЛИ ОЛАМДАН ДАРАКЛАР

Илмий-фантастик асар — бу баъдий тарзда ифода этилган, келажакда рўйбга чиқиши ҳам мумкин бўлган, гоят қизиқарли илмий фараз ўртага ташланган ижод маҳсулидир. Узбек адабиётида илмий-фантастик жанр нисбатан бироқ оқсаб келарди. Кейинги вақтда бу соҳа анча жонланди. Қатор киссалар, ҳикоялар яратилди, тўпламлар нашр этилди. Ҳожиакбар Шайхонинг «Ғаройиб кўланка» илмий-фантастик киссалари ҳамда ҳикоялари жамланган китоби фикримизнинг еркин далилидир. Тўпламга муаллифнинг сўнгги йилларда ёзган икки қисса ва уч ҳикояси кирган. Уларни кунт билан ўқиб экансиз, адабнинг ижод кўлими тобора кенгайиб бораётганлиги, ёзувчилик маҳорати ҳам ошётганлигига амин бўласиз. Асарлар рангбаранг. Уларнинг ҳар бирида ўзга

1 Ҳожиакбар Шайхон. Ғаройиб кўланка. Илмий-фантастик киссалар ва ҳикоялар. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетини «Еш гвардия» нашриёти. 1982 йил.

ЎТКИР АСАЛ

Масал жанри адабиёт ихлосмандлари орасида қадимдан машҳур. Бу жанрнинг дастлабки намуналари Шарқда ҳам узоқ мезгилга бориб тақаллади. Машҳур «Алила ва Димна»да бу жанрнинг энг яхши намуналари жамланган. Фаридидин Аттор, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий асарларини мутлоа қилар экансиз, уларда ҳам жуда кўп ибратли масалларга дуч келамиз. Гулҳаний ўзбек адабиёти тарихида яратилган бу жанрнинг аjoyиб намуналаридан моҳирона фойдаланиб, «Зарбулмасал» асарини яратди.

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий масал жанрида янги даврни бошлаб берди. Ҳозирги пайтда адабиётимизда Олим Кўчқорбеков, Мухтор Худойкулов, Саами Абдуқаҳҳор, Ямин Қурбон каби масалнавислар бу жанрда самарали ижод қилмоқдалар. Чунинчи, Ямин Қурбон «Қизик ҳангомалар», «Меҳрим ва Қаҳрим», «Тул ва Тикан», «Масаллар», «Лайлак ва Қарға» каби бир нечта шеърый тўпламлари орқали ўқувчиларга яхши таниш.

бир илмий муаммо кўтарилади. Айни чоқда уларни ягона туйғу, ягона кейфият, инсониятга хизмат қилишдек эзгу хислат билрлаштириб туради. Китобага ном берган «Ғаройиб кўланка» қиссаси кишиларни оғохлантирувчи характерга эга бўлиб, ундаги воқеалар «Аждодлар хотира» қиссаси ва «Пуштиранг фалокат ҳикоясидаги каби Ерда кечади. «Сирли нур» ҳикоясидаги воқеалар эса номаълум сайёрада юз беради. «Биринчи синов» ҳикояси чексиз фазо кўйинида Қора кит юлдуз буржига йўл олган кеманинг экипажи бошидан ўтган ҳодисаларга бағишланади.

Ҳожиакбар Шайхон ўзининг бошқа асарларидагидек, бу китобида ҳам кизикарли воқеалар яратиш билан бирга китобхонни илмнинг бирор бир соҳаси билан таништиради. «Ғаройиб кўланка» асаридagi воқеалар республикамизнинг йирик шаҳарларидан бирида шу кунларда содир бўлади. Қиссада ғайритабиий ҳеч нарса йўқ. Чунки унда иштирок этган одамлар ҳам, табиат ҳам, шаҳар кўринишлари ҳам яхши таниш, ўз атроф-муҳитимиздан сира фарқ қилмайди. Ҳатто кўланканинг пайдо бўлиш жараёни ҳам илмий қонулар чегарасидан чиқмайди. Бу омилилар эса қиссанинг кенг китобхонлар оmmasига тушунарли бўлишини таъминлайди.

Қисса дастлабки саҳифалариданоқ китобхонни ўзига тортади. Номаълум кўланка хусусиятлари аввал ҳайратга солса, кўп ўтмай даҳшат ҳисси уйғотади. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши оқибатида дунёга келган кўланкасифат «маҳлуқ» ўз йўлида учраган жамкии нарсани домига ютиб, шаҳарга ҳалокатли ҳавф туғдиради. Ёзувчи фақат ҳалокатнинг бос-

тириб келиши ва унга қарши курашни акс этириб қолмай, ўз наъбатда асар қаҳрамонларининг характерларини, ички кечини ва руҳий дунёларини очиб боради.

Гарчи шаҳар ёнида пайдо бўлган ҳавф маъв этилса-да, муаллиф ўз қаҳрамонлари тилидан: «Талафот кўрмадик, лекин бу каби даҳшатли кўланкалар қайта пайдо бўлмастлигига бизда қандай қафолат бор!» дея инсониятни табиати муҳофазга этишга, атропо-муҳитни озода сақлашга чорлайди.

Лекин қисса жузъий қусурлардан ҳам холи эмас. Китобхон даставвал далага ўйнаб келгани чиққан ёшларнинг ким эканликларини, улар нега «кўланка» дабдурудан эътибор бериб қолганиларини тушунамай туради. Адиб китобхонни бунга бир-ош тайёрлаши, ҳеч бўлмаганда, бу ёшларнинг табиатда юз берадиган ҳодисалардан бохабарлиги, илмга қизиқишини қисқанича айтиб ўтиши керак эди.

Тўпламга кирган «Аждодлар хотира» қиссаси (физика-математика фанлари кандидати Я. Абдуллаев билан ҳамкорликда ёзилган) «кўланкадан тубдан фарқ қилади. Асарда ёш илмий ходимнинг бошидан ўтган воқеалар тасвирланади. Муаллиф бу қиссада Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини тушунтирувчи дадил янги илмий фаразни ўртага ташлайди. Мазкур асар «Искатель» журналади ҳам босилди. «Сирли нур» ҳикоясида космоснинг узоқ нуқтасида жойлашган Зиё сайёраси аҳолисининг ҳалокатга юз тутиш сабаблари қаламга олинади. Аҳоли сонининг чексиз миқдорда ошиб кетиш ҳавфи туғилиши сабабли шопилинч чора кўрилади ва сайёра-

қилар ўзларини стерилизация қилдилар. Шошма-шошарлик абортгенларни ҳалокатга олиб келади. Стерилизатор аксилген билан чапишиши натижасида улар безуррёт бўлиб қоладилар... Орадан минг йил ўтгач, сайёрада одам зоти бутунлай тугайди. Аммо ҳалокатга маҳкум халқ номаълум вақтлардан кейин Зиёга келиши мумкин бўлган ўзга цивилизация ақилларига оғохлантирувчи васиятнома ёзиб кетедилар: «Бизни худбинлик барбод қилди: ҳеч қачон бизнинг худбинларча қилган гаҳомизни такрорланманг!»

Адиб «Биринчи синов» ҳикоясида кимсасиз фазода муҳим топириқни бажаришга бел боғлаган фазогирлар оиласида фарзанднинг шаклланиши, бурч ва садоқат, зарурат ва жорат каби одамий хислатларни ўртага ташлайди. «Пуштиранг фалокат» ҳикояси эса фидойилик ҳақидадир. Аммо сўнгги ҳикоя бошқаларига нисбатан анча бўш туюлади. Унда муаллифнинг кўзлаган мақсади ноаниқ. Профессор ҳавфни сезгандаёқ нима учун ўз фикрини ёзма равишда билдирмаганини китобхон ҳикоя охиригача ҳақ англолмайди. Пуштиранг заррачининг нималиги номаълумлигича қолади.

Лекин китоб ҳақида ахлит фикр юритилмаганидан бўлса, гарчанд аксарият асарлар узоқ келажак воқеалари тўғрисида ёзилгандек кўринса-да, муаллиф ҳозирги турмушга таянади, бугунги одамларнинг руҳи, яшашга интилишлари орқали келажакка назар солади. Умуман, ҳулоса қилиб айтганда, «Ғаройиб кўланка» ўзбек фантастикасининг бугунги сваяси ҳақида муаян тасаввур ҳосил қилади.

Мухтор ХОНХУЖАЕВ

Яқинда шoirнинг «Ўткир асал»¹ деб номланган масаллар тўплами нашрдан чиқди.

«Ўткир асал» тўпламидаги масаллар мавзу жиҳатидан турлича, бир-бирини такрорламайди. Кўпчилиги ўткир сатира, қуввоқ юмор руҳи билан суғорилган. Шоир Бўри, Тулки, Шер, Қуён, Булбул, Қарға каби мажозий образлар орқали логанбардорларни, мунофиқларни, товламачиларни, ҳасадгўйларни, манманларни, порохурларни, чаласаводларни сатира тиги билан фош қилади. Кишилар тинчлини бузувчи ҳасадгўйлар, ғийбатчилар, одамлар таъбини хира қиладиган кимсалар унинг масалларидан ўзларига тегишли ҳулоса чиқариб оладилар. Масалан, «Оқил ва Қитмир» масалидаги ушбу сатрларга эътиборингизни қаратинг.

Қилмоқ бўлиб атай табиатин кир,
Оқилга ҳиринглаб гап қотдин
Қитмир,
«Пир! Қандак бўлур шайтоннинг афти!»
Жавоб берди Оқил Қитмирга
дарҳол:

¹ Ямин Қурбон. Ўткир асал. Масаллар. Рафур Фулом номидаги Адабиёт на санъат нашриёти. Тошкент — 1983.

овоз соҳибаси ижросидаги «Ушшоқ», «Чоргоҳ», «Бағъ», «Фигон», «Мустаъод», «Сегоҳ»лар куйлаш санъатининг, навозандалик маданиятининг классик намуналаридир.

Ҳалима Носирова тушунчасида ҳар бир яхши кўшиқ халқ ҳаётининг даражаси, кўзгуси; у инсоннинг маҳнатда, курашда доимий йўлдошидир. Халқимизнинг севишли санъатидир Катта Фаргона, Тошкент, Лоғон, Чирчик каналлари, Каттақўрғон сув омбори, Фарҳод ГЭС қурилишларида, Мирзачўл, Қарши, Жиззах чўллариини ўзлаштиришда, Улуг Ватан уруши йилларида, республикада пахтадан мўл ҳосил олиш учун олиб бориладиган курашларда ўзининг юксак санъати,

жозибадор кўшиқлари билан қатнашди, меҳнат аҳлининг жасоратини куйлаб, меҳнаткашларнинг кучига куч, илҳомига илҳом қўшди.

Ҳалимаҳоним ўз санъати, истеъдоди билан кўп миллатли совет ижрочилик маданияти ютуқларини кўпгина хорижий юртларга ҳам кенг ёйди. Ўззоли артистимиз ижрочилик маҳоратида Хиндистон, Афғонистон, Бирма, Ливан, Сурия, ГДР, Миср, Эрон, Индонезия, Канада каби мамлакатларнинг санъат мухлислари таҳсинлар ўқидилар.

Ҳалима Носирова яратган ижрочилик мактаби жуда кўп ёш истеъодларга катта дорифунундир. У кўп йиллардан буён Тошкент Давлат кон-

«Бўсангиз гар унинг чин орзумдани,
Кўзуга боқингиз, кўрасиз яққол».

Ямин Қурбон масалчиликда кенг қўлланиб келинаётган анъанавий образлардан фойдаланиш билангина чекланиб қолмайди. Унинг асарларида ўзи ашаб турган муҳит нафаси, персонажларнинг ўзига хослиги кўзга ташланади. «Қураш», «Бойўли билан Булбул», «Кўчқор ва Новос» ва бошқалар каби масаллар шулар жумласидандир.

Шоир масал ниҳоясини теран ҳулосалар билан ақунлайди. Масалан, «Кўчқор ва Новос» масалида Кўчқорни оғир ҳалокат пайтида ташлаб кетган Новоснинг «дўстлиги» ҳақида шундай ҳукм чиқаради:

Баъзилар фақат тил учидан
улфат,
Қочибар бошингга тушганда
кулфат.

Бу билан бевафо дўстларини — сохта кимсаларни фош этса, «Чумчуқ марсиаси» масалида имкониятига қарамай, чириниш хунуқ оқибатларга олиб келишини мажозий тарзда ифодалайди. Тақлидчи, қўлидан келмаган ишга уриндиганларнинг ана шу чумчуқ хонига тушиб қолишларига ишора қилади.

серваториясида, ҳозир эса А. Островский номидаги Тошкент театр ва раскомичлик институтининг музикали драма факультетида вокаль санъати сир-асрорларидан бўлгуси санъаткорларга таълим бериб келмоқда.

Коммунист санъаткорнинг халқ олдиди га катта хизматлари, кўп миллатли совет санъатини ривожлантиришидаги улкан самарали ижод партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирларга келинаётир. Ҳалима Носировага Урта Осиёда биринчи бўлиб 24 ёшида «СССР халқ артисти» деган фахрий унвон берилди. У икки марта Ленин ордени билан тақдирланди, икки марта СССР Давлат мукофоти ҳамда Ҳамза номидаги

республика Давлат мукофоти га сазовор бўлди. Октябр инқилоби, Ленин замонаси туйғули Кўкон яқиндаги кичиккина Тоғлиқ қишлоғидан чиққан оддий бир етим кич СССР Олий Совети депутатлигига икки марта сайланди, парламент аъзоллигига лозим қўрилди.

Ҳалимаҳонимнинг куйлаш санъати ҳақида юрагинг тўлиб гапирганинг сайин гапиринг, ёзганинг сайин ёзгинг келаверади. Унинг куйлаш санъати баҳосили бир умом. Бу санъатда баҳор таровати, ёш ҳарорати, куз балогати — ҳуллас, йилнинг тўрт фаслидаги барча-барча улғуворлик, мўжжизкорлик мужассам.

Баҳриддин НАСРИДИНОВ

ТЎЙИНГ
МУБОРАК,
ГЎЗАЛ
ТОШКЕНТ!



ЖОНАЖОН
ПОЙТАХТИМИЗ
КЎРИНИШЛАРИ

— Севимли доҳиймиз Владимир Ильич, биз сиз-
ни қўтлагани келдик!



В. И. Ленин номидаги СССР
халқлари дўстлиги саройи.



Археологик қазилма (VI аср).



Бинкент усталари IX асрда шундай қадаҳларни тайёрлаганлар.

Э. Иўлдошев фотолари

Асрлар мероси: Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори Музаффар Хайруллаев, шарқшунос олимлардан — Абдусодиқ Ирисов, Петр Булгаков, Убайдулла Каримов қадимий қўлёзмалар билан танишмоқдалар.



Пойтахтимиздаги шоирларнинг ҳайкали.



Қадимий қўлёзмалар.



...р хиёбонида Алишер Навоийга ўрнатил-



Тошкент метрополитенининг Ойбек номидаги станцияси ҳам
қуриб битказилмоқда.

Қўқалдош мадрасаси.





Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг 1924 йил 19 апрель қарорига биноан Тошкент шаҳар пролетариати революциядаги жанговар хизматлари учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Максим Горький номидаги паркка худди шу тарихий воқеа шарафига ёдгорлик ўрнатилган.

Асрлар оша суҳбат: Қўқалдош мадрасаси ва «Москва» меҳмонхонаси.



Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейига марҳамат!

Н. Шарипов фотолари

Тошкент метрополитенининг Чилонзор станцияси.
А. Жданов фотоси



ЧОРТОҚ ШИФОСИ

Жўра РАҲИМ

Ҳаёт бўлогини ҳар ким қилса ёд,
Чортоқ қайнарига босади қадам.
Қирқ йиллик қийналиш бир зумда
барбод.

Ҳаётда ҳар ишдан соғлиқ
муқаддас...

Фафур ГУЛОМ

Дарҳақиқат, атоқли шоиримиз айтганидек, ҳар бир жой, жумладан, Чортоқ қайнари ҳам ўз тарихига эга.

1946 йилнинг сўлим баҳори. Қаҳрамон халқимиз уруш жароҳатларини тузатишга киришган пайтлар. Чортоқ марказидан тўрт километр шимолдаги қир-адирларга нефть қидирувчи мутахассислар келишиди. Улар қидирувчи геологларга хос синковлик билан Қўшан, Алихон, Қорамурут, Қорабоғ адирларини обдон ўргандилар. Ушанда геологлар Қорабоғ қишлоғига кўпроқ туриб қолишди. Бу қишлоқ Чортоқсойнинг соҳилига жойлашган бўлиб, ям-яшил ўтлоқзор жойлар эди. Аҳён-аҳёнда эса пасткамгина уйлар кўзга ташланарди.

Геологлар отряди аъзолари бу ерда қазиниш ишлари олиб бораётганда, 1624 метрлик чуқурлик нуқтадан кутилгандек нефть эмас, балки иссиқ сув отилиб чиқди. Аслида санаториянинг ташкил этилишига шифобахш, юқори ҳароратли шу сув сабаб бўлди.

Дастлаб бу қайнарбулоқ Н. А. Семашко номидаги Физיותרрапия ва курортология илмий-тектириш институти ходимларининг эйтиборини тортди. Қайноқ сув тегишли лабораторияларда текширилгач, унинг шифобахшлиги аниқланди. Энг аввал — 1948 йилнинг кузида ўша жойда Янгиқўрғон район ижроия комитетининг ташаббуси билан саккиз ваннали бино тикланди. Беморларни даволаш имкониятини кенгайтириш учун Чортоқдаги марказий касалхона қошида 30 ўринли физיותרрапия бўлими ташкил этилди. Бу ерда Чортоқ суви билан оқсил, радикулит, эски гастрит, болаларда кечадиган полеомиелит ва тери касалликларини даволаш имконияти яратилди.

Санатория шароити тобора яхшиланиб борди. 1960 йилга келиб, унда ўринлар сони уч юзтага етди. 1961 йилда Чортоқ санаторияси Ўзбекистон Курортлар бошқармаси ихтиёрига ўтказилди. Фақат унингчи беш йилликнинг ўзида ўринлар 800 тадан 1000 тага кўпайди. Шу давр ичида бу ерда 77 минг 576 киши даволанди. Даволаш ва диагностиканинг йигирмадан ортиқ янги усуллари жорий этилди. Барча бўлим ва кабинетлар замонавий аппаратлар ҳамда асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Эндиликда санаторияда беморларнинг касаллиги-

га қараб даволаш профилакторийлари вужудга кела бошладики, бу миокард-инфаркт каби хавфли касалликларнинг олдини олишга имконият яратмоқда. Масалан, янгидан Андижон, Фарғона ва Наманган областлари учун 30 ўринли бўлим очилиб, оғир миокард-инфаркт касалликларини даволаш ташкил этилди. Бу яхши самара бераётир. Шифобахш сув билан даволашда минерал сувини истеъмол қилиш орқали меъда-ичак касалликларини даволаш ташкил этилди. Бу яхши самара бераётир. Шифобахш сув билан даволашда минерал сувини истеъмол қилиш орқали меъда-ичак касалликларини даволаш ташкил этилди. Бу яхши самара бераётир. Шифобахш сув билан даволашда минерал сувини истеъмол қилиш орқали меъда-ичак касалликларини даволаш ташкил этилди. Бу яхши самара бераётир.

Ҳамма соҳалардагидек бу санаторияда ҳам даволаш самараси врачларнинг малака ва маҳоратларига боғлиқ. Санатория маъмурияти ва партия ташкилоти масаланинг ана шу томонида алоҳида эътибор берган. Сўнгги беш йил ичида кадрларнинг сифат сости тубдан яхшиланди. Коллективга янгидан 20 нафар шифокор келиб қўшилди.

Шифокорлик касбини улуғлаётганлардан СССР

Соғлиқни сақлаш аълочилари Набижон Мўминов, Ёқубжон Иномов, тажрибали шифокорлар Роҳия Бекбоева ва бошқалар эл ҳурматини қозонган кишилардир.


Санатория коллективи даволаш усулларини такомиллаштириш устида тинмай изланмоқдалар. Масалан, балчиқ ва игна билан даволаш, ошқозон зардобини вакуум йўли билан олиш, ошқозон ва ўт пуффани ювиш ва бошқа усулларнинг татбиқ этилиши яхши натижалар бермоқда.

Шифохонада бир вақтнинг ўзида минг нафар бемор даволанаётир. Бундан ташқари, ёзги мавсумда 350—400 киши қатнаб даволанмоқда.

«Чортоқ» санаторияси эндиликда Иттифоқ аҳамиятига эга. Бу шифобахш масканда даволанаётганлар сони йил сайин ортиб бораётир. Ҳар йили ўрта ҳисобда 17 минг бемор даволанмоқда.

Санатория коллективининг хизмати бир неча марта муносиб тақдирланди. Утган беш йилликда тўрт марта Ўзбекистон курортлар бошқармаси ва медицина ходимлари касба союзи республика комитетининг кўчма Қизил Байроғини қўлга киритди. 1980 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақа якуни бўйича эса санатория голиб топилиб, ВЦСПСнинг Кўчма Байроғини олишга муваффақ бўлди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Меҳнатқашларнинг санатория-курортда даволаниши ва дам олишини янада яхшилаш ҳамда касба союзнларнинг шифохоналари тармоғини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарориди шундай дейилади: «Меҳнатқашларнинг санатория-курортда даволаниши ва дам олиши сифати учун ҳамда уларга хизмат қилиш мадания-



ЖАТТА концертлар, тўйларда бўлганми. Мулла Тўйчи хофизу Юнус Ражабий, Ҳалима Носирова кўшиқ айтган давраларда бўлиб, аjoyиб кўшиқлар тинглаганимиз.

Бу аjoyиб санъаткорлар кўшиқ айтганда концерт заллари, катта-катта давралар жимгина тингларди. Кўшиқ сөҳрига берилган тингловчи кўз олдида боғлар, болалик йиллари, кўксига муҳаббат оташи тушган ўспиринлик дамлари жонланиб кетарди. Бу кўшиқларда сувларнинг шилдираши ҳам, қушларнинг гўжир-гўжир сайраши ҳам қулоқларимизга эшитилиб турарди. Қисқаси, куй билан шеърнинг сөҳри, хонанданинг беқийс маҳорати қалбларимизни ларзага соларди. Гўё олам оҳанглардан, рангин товушлардангина иборат деб ўйлардик.

Шундай базмлар ҳам бўлади: хофиз жонини бериб овозининг борича қақриб кўшиқ айтади. Даврада маст-аласт йигитлар бир-бирларига гал бермай тортишадилар. Уларнинг овозини бостириш учун хонанда кўшигини яна бир парда баланд кўтарди. Шовқин босилмайди. Хонанданинг овозини тиндириш учун гандирақлаб келиб пул қстириб кетишади...

Ана шундай базмларда санъаткорларга ачиниб кетаман. «Кўшиқни кимга айтасан, бастакорнинг туни тонга улаб яратган таронасини, шоирнинг илҳом оғушида тўлганган ёзган байтларини ва ниҳоят ўзининг ич-ичинингдан фарёд уриб қилаётган хонининг кимларнинг оёғи остига ташлаясан!» деб қичқиринг келлади.

Аjoyиб созанда Турғун Алиматовнинг бир одати менга жуда-жуда ақайди. Турғун ака танбуру сатони қандай қалишсини ҳаммамиз биламиз. У кишига тенг келадиган созанда ҳозирча орамизда йўқ. Турғун Алиматов соз чалаётганда бирон одам

ТАВАККАЛ КУЙЛАЯПТИ...

Саид АҲМАД,

Ўзбекистон ССР халқ аъунчиси

шивирлаб гаплашиб қолса борми, шартта танбуруни қўлтиқлайди-ю, даврани ташлаб чиқиб кетади.

Бу — ўз қадрини биладиган санъаткорнинг иши. Гап аjoyиб кўшиқчи Таваккал Қодиров тўғрисида. Гапни сал узокроқдан бошладим, узар сўрайман. Бу хушовоз хонанда йигирма йилдан ошдики, халқнинг назаридан қолмай, давраларга файз киритиб, дилларимизни яратиб келмоқда.

Кўшиқ айтмоқ учун фақат овозинг ўткирлиги кифоя қилмайди. Санъаткорда юракни ўртайдиган ички бир дард бўлиши керак. У ижро этган кўшиқ тингловчининг қулоғига эмас, ичига-қалбига кирсин. Уни ўртантисин. Қандайдир ҳеч ким қилолмайди-ган ғалати фидойининг бошласин. Ғайратини жунбушга келтирсин. Оламга, одамларга, жамикчи гўзалликларга меҳр қўзғатсин. Қалбига мудраган ҳисларни уйғотиб юборсин. Одамларни севишга ўргатсин. Уйлатсин, халёга толдирсин.

Мана шундай кўшиқнинг, ана шундай ижрочининг умри узун бўлади.

Беш-тўрт йил қўлида тор билан давра кезиб, чеккасини пулга тўлдирадиган санъаткорлар тезда моладан қолади. Қаерда тўй бўлса, куёванвар орқасидан эргашиб кетадиган одат чиқаради.

Яхши кўшиқчи ҳар қандай модалардан холи бўлмоғи керак. Айтган кўшиқнинг ҳаммаси репертуарида доимий мулк бўлиб яшashi керак.

Таваккал Қодиров санъатга кириб келган эллигинчи йилларда айтган кўшиқлари ҳали ҳам яшайди. Ҳали ҳам дилларимизни ларзага солади. Таваккал ҳеч қачон «модний» кўшиқчи бўлмаган. У кўшиқ учун шеър танлаганида ҳар бир сатрини дилга солиб кўради. Юрагини жизиллатса, ҳўрсинтирса, қувончага тўлдирса, уни ўз мулкига айлантинди. Узи куй басталайди. Басталганда ҳам овозининг кучига, нафасининг қўйлиб келишига мос куй басталайди. Таваккал кўшиқларининг ишқибозлари эътибор беришган бўлса керак, Таваккал айтган кўп кўшиқларни бошқа ижрочилар айтолмайдилар. Чунки бу кўшиқларни маромига етказиб ай-



Чўст районидagi «Галаба» совхозининг ёш чўпони Инобат Тошматова ўз ўтиридаги ҳар 100 та эчкидан 135 тадан улоқ олишга эришди.

Х. Ҳайдаров фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси)

ти учун санатория-курорт муассасалари ва дам олиш муассасалари раҳбарларига нисбатан талабчанлик оширилсин, шифохоналарнинг иши устидан контроллик кучайтирилсин».

— Бу кўрсатмалар,— дейди санатория бош врачлари Миршоҳид Мирсайдуллаев,— бизнинг ишимизда асосий дастуруламалдир. Биз ўз ишимизни ана шу қарор асосида ташкил этмоқдамиз. Чортоқ суви шифобахш минерал моддаларга бой. Унинг бир литрида 62 граммгача минерал моддалар бор. Ҳолбуки, Тошкент минерал сувида минераллар фақат бир грамм атрофидадир. Бу сув нерв системаси, айрим овқат ҳазм қилиш аъзолари, тери-таносил, юрак-қон томир касалликларини даволашда катта самара бермоқда.

Эндилида санаторияда профилактика-соғломлаш-

тириш ишларини янада яхшилаш учун ҳаракат қизгин борапти. Санатория территорияси 120 гектарлик майдонни ташкил этади. Унинг 12 гектари мевали боғ, 3 гектари эса экинзордан иборат. Бу ерда СССР Озиқ-овқат программасига мувофиқ ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришга ҳам аҳамият берилмоқда. Шуниси характерлики, ўтган йили қиш фасли учун 2,2 тонна қуруқ мева, 70 тонна картошка, 20 тонна қарам, 30 тонна пивёз, 13 тонна лавлаги тайёрланди. Ёрдамчи хўжаликда чорвани кўпайтириш, ундан олинадиган маҳсулот салмогини яхшилашга эътибор қўйилди. Ҳозир санаториянинг ёрдамчи хўжалигини 20 бош қорамол, 30 бош чўчқа, мингта парранда асралмоқда. Ун биринчи беш йилликнинг охирига бориб, бу ерда қорамоллар сони 50 бошга, чўчқалар 200 бошга, паррандалар 3 мингтага

етказилади. Йилига ўн тонна гўшт, 150—200 минг дона тухум, 10—15 тоннага яқин сўт ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилеи шарафига 1982 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақада санатория фаол қатнашди ва эришилган муваффақиятлари учун Бутуниттифоқ касабасоюзлари курортология бошқармаси Марказий Совети ва Медицина ходимлари касабасоюзи Марказий Комитетининг иккинчи даражали дипломи ва пул мукофоти билан тақдирланди. Бу маънавий рағбатлардан руҳланган Чортоқ санаториясининг меҳнатсевар ва аҳил коллективи ўз ишларини КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленуми қарорлари асосида янада такомиллаштирмоқдалар. Наманган области

тиш учун Таваккалникидек овоз, нафас, эҳтирос керак. У ҳамма вақт бошқа кўшиқчиларга қараганда бир-икки парда баланда юради. У кўшиқ айтганда бутун жони-жаҳонини ўртага қўйиб, етмиш икки томирини ишга солиб айтади.

Таваккал Қодиров кўшиқ бошлаганда, овози бироз хириллаброқ, бўғиллаброқ чиқади. Тингловчининг назарида у қийналаётгандек, хасталикка ўхшаш бир маҳзунлик бордек туюлади. Кейинчалик, икки-уч кўшиқдан кейин овози тиниқлашаборадия бирдан биллур қадаҳнинг жарангидек шаффоқ овоз бўғиздан тўлқин уриб отилиб чиқаболмайди. Ана шунда шинавандалар: «Таваккал овозини топди, деб юборишди».

Машҳур ҳофиз, жуда кўп классик кўшиқларининг беизир ижрочиси Жўраҳон Султонов ҳам худди шунақа эди. У киши ҳам ўз овозини икки-уч кўшиқдан кейин топарди. Агар Жўраҳон Султонов ҳаёт бўлганда, Таваккал айтган кўшиқларни фақат шу кишигина ижро этиши мумкин эди. Зеро, Таваккал шу ажойиб хонанда йўлларидан юриб, овозини қайраган эди.

Яқинда биз бир гуруҳ ёзувчилар Фафур Фулом юбилей баҳонаси билан Фарғона водийсини кезиб чиқдик. Қувасой яқинидаги адир тепасига бир ажойиб оромгоҳ қурилган. Нақши нигори кўзни қамаштирадиган бу ажойиб қошонада оқшом базми бўлди.

Кеча ойдин эди. Пастликда Фарғонанинг сонсиз чироқлари милтирайди. Яримта ой тепага келган. Шийончада Таваккал кўшиқ бошлади. Сафар таасиротлари тўғрисида қизгин баҳс кетаётган эди. Шунда бирдан ҳамма жимиб қолди. Таваккал «Тошкент ироғининг авжига чиқётган эди. Юлдузлар милтирайди. Баҳор шамоли гинёҳларни силкитади. Юз чоқли даврандан садо чиқмайди. Кўшиқ ҳаммани ўзига ром қилиб олган. Ҳофиз дам

балад, дам паст пардаларда хониш қилади. Даврадагиларнинг ҳаммаси санъатнинг қадрига етадиган, ҳар бир сўзни орқа-ўнгига солиштириб кўрадиган зебилар эди. Ҳатто қилдан қийиқ ахтарадиган танқидчи дўстларимиз ҳам кўшиқ сехридан ўзларини унуттишган. Таваккал тўхтамас, дам Навоийдан, дам Фурқатдан, дам Сарёмийдан ўқирди.

Овоз! Юқ, унинг овози оддий овозлардан эмасди. Гоҳ гижжадек нола қиладиган, гоҳ қонларни жумбурга келтирадиган ажиб ғалати фиғон эди у.

...Нола ўрнини шўх ялла эгаллайди. Ҳофизнинг кўшиғи ҳаммани ғайратга киритади. Утирганлар ўринларидан туриб, ҳеч ким давзат қилмас ҳам, рақсга тушиб кетадилар. Тепада ой қалқиб турганга ўхшайди. Адир шамоли оҳанглари пастликларга суриб кетади. Ажиб сўлим баҳор тунни. Куйга, кўшиққа тўлган Фарғона кечаси бу...

Мен бу хил давраларда кўп бўлганман. Аммо Қувасой адирлари тепасидаги бу оқшом даврасини асло унутолмасам керак. Чекиз завқ, ажиб бир ҳаловат бағъшлаган бу оқшом хотирамда узок йиллар сақланиб қолса, ажаб эмас. Зеро, бу хотираларни бу сўлим оқшомни бизга хонанда Таваккал Қодиров ҳада қилган эди.

Мен Водилдаги концертни эсламан. Очиқ майдонда салкам минг одам тўлганган. Ҳаво булут. Яқинида—Шоҳмардон тоғлари тепасида чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбирлайди. Таваккал рубобини бағрига босиб, сахнага чиқди. Ававал майдалаб бошлаган ёмғир жалага айланди. Халқ тарқалмай—бошларига рўмолчамми, белбоғми ёпиб—тарқалмай туршипти.

Таваккал кўшиқ бошламай, осмонга қарайди. Ҳали-бери булут тарқайдиган, ёмғир тинадиган эмас. Кимдир—залда утирган аёл қўлидан соябонни олди Таваккалнинг бошига тугди. У кўшиқ бошлади. Момақалдироқ шовқинини босаман деб Таваккал

фақат авж пардаларида куйларди. Томошабинлар ивиб, шалаббо бўлиб кетишган, аммо биронта одам кетаман демасди. Таваккал ҳам момақалдироққа басма-бас кўшиқ айтаяпти. Икки ярим соат давомида кўшиқ ҳам тинмайди, жала ҳам.

Нам торган доира пўкиллаб, рубоб пингиллаб қолди. Аммо Таваккалнинг овози нам тортмасди.

Жала ўтиб кетди. Момақалдироқ адирлар орқасига ўтиб, кўксовдек бир йўталиб, бошини олиб кетди. Шу пайт ҳассасига таяниб, бошига белбоғ ёпиб турган бир чол бор овоз билан қичқирди:

— Енгдинг, Таваккал! Момақалдироқдан зўр келдинг-а, борака топкур!

Давра чолининг гапни маъқуллаб бир қалқиди.

Ўзбек адабиёти ва санъатининг Тожикистондаги аввалги ўн кунлигида сўнгги тантанали концерт Душанбе стадионида бўлган эди. Шунда Таваккал элик минг одам ҳузурда кетма-кет учта ашула айтиб, тожик дўстларимизнинг олқишига сазовор бўлган дақиқалар ҳам ҳали эсимда.

Ҳозир ажойиб санъаткор, халқнинг меҳрини қозонган хушовоз хонанда Таваккал Қодиров ижодининг авж пардасига етган пайт.

Партия ва ҳукуратимиз санъаткорликда эришган муваффақиятлари, кўшиқлари билан қишлоқ меҳнаткашларига бегараз қилган хизматларини тақдирлаб, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист деган фахрли унвон берди. Қанчалаб фахрий ёрликлар билан тақдирлади. Таваккал Қодиров бу ҳурматлар учун янада ғайрат, янада илҳом билан меҳнат қилаяпти. У—давраларнинг азиз меҳмони, кўшиқ шинавандаларининг севилиги хонандаси.

Биз ҳам бу камтар, беқиёс санъаткорга ижодий камолотлар тилаймиз. Янги кўшиқлар, янги куйлар кутамиз ундан.

Жим! Таваккал куйлаятми...

МАҒҚУРАВИЙ КУРАШ ЖАБҲАЛАРИДА

Лазиз Қ А Ю М О В,

профессор

УЗБЕК адабиёти — дунёдаги энг қадимги адабиётлардан бири. Фольклоримизнинг ёши минг йиллар билан ўлчанади. Муштарак эъза адабиёт ёдгорлигининг бүгунги кунда илмга маълум энг қадимгиси — «Қутадғу билиг» яратилганига 900 йилдан ошди. Бу адабиёт дунёга Алишер Навоийдек буюк сиймони, унинг ўнлаб издошларини, Бобур, Машраб, Турди, Гулханий, Махмур, Нодира, Огахий, Муқимий, Фуркат сингари кўплаб оташзабон шоирларни берди.

Узбек адабиёти тарихининг энг ёрқин саҳифасини социалистик реализм даври ташкил этади. Бу ёрқинлик Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, Собир Абдулла, Абдулла Қаҳҳор ва ҳозирги кунда ҳам самарали ижод қилаётган Уйғун, Комил Яшин, Шароф Рашидов, Зулфия, Назир Сафаров ва бошқа кўплаб адиблар ижодида намоён бўлди ва бўлаётди.

Узбек адабиёти бугунги кунда кўп миллионли ўқувчиларига эга. Бу адабиёт асл нусхада ҳам, рус тилида ҳам, СССР халқларининг бошқа тилларида ҳам, шунингдек, чет эл мамлакатлари тилларида ҳам ўқилади. У кўп миллатли совет адабиётининг оламшумул шухратини янада оширмақда, баъдий образлар орқали совет воқелиги ҳақида, тарихимиз тўғрисида, бизнинг турмуш тарзимиз ҳақида жаҳонга ҳикоя қилмоқда. «Кейинги йилларда яратилган кўпгина асарлар миллион-миллион кишилар учун ҳаёт йўлида яхши йўлдошлар бўлиб қолди, — дейилган КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленуми материалларида. — Бу соҳада ижодий союзларимизнинг адабиёт ва санъатнинг коммунистик қурилиш практикаси билан боғлианишини мустаҳкамлаш соҳасидаги кўп қиррალი янги яхши самара бераётганлиги шубҳасиз».

Узбек адабиёти совет адабиётшунослари, шунингдек, социалистик мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз учун бой тадиқот объектларидан биридир. Айни пайтда адабиётнинг ривожига бутун дунёдаги тараққиётларв өзувчилар, капиталистик мамлакатлардаги ҳолис няятли олимлар ҳам юқори баҳо бермоқдалар.

1978 йилда Тошкент конференциясининг 20 йиллигига бағишлаб Осие в Африка мамлакатлари өзувчиларининг анжумани бўлиб ўтди. Анжуман ҳужжатлари рус, инглиз, француз ва араб тилларида нашр этилди. Буларнинг ҳаммаси жамланиб, китоб шаклига келтирилди ва Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти томонидан рус тилида чоп этилди. Бу материаллари ўқиган китобхон Осие в Африка китазисининг кўплаб йирик адиблари ҳаётимиз, маданиятимиз, хусусан, ўзбек совет адабиёт ҳақида ўз фикрларини тўққилганиб, ҳаяжон билан изҳор қилганини сезади.

1977 йилда Торонтода канадалик олим ва өзувчи Петр Кравчукнинг «Уч китазда» китоби украин тилида нашр этилди. Муаллиф өззининг Африка, Осие в Европа китазларига қилган сабаҳати таассуротларини баён қилади. Китобнинг бир боби «Узбекистон» деб номланган. Унда республикамиз ҳақида, халқ ҳаётининг турли қўринишлари ҳақида, шу жумладан, адабий ҳаёт ҳақида тўғри фикрлар билдирилган.

1977 йилда «Прогресс» наشريёти Алекс ла Гума ва Андре Ремакларнинг «Совет Иттифоқи бўйлаб» деган китобини рус ва инглиз тилларида нашр этди. Осие, Африка өзувчилари уошмасининг ранси Алекс ла Гума бу китобнинг кўпгина саҳифаларини Узбекистонга, унинг адабиётига бағишлаган.

Булар ва булар сингари кўплаб софидил чет эллик адиблар тараққиётларв жаҳон адабиётининг энг яхши анъаналарини, мамлаотимизнинг чинакам дўстлари бўлган Ромен Роллан, Анри Барбюс, Бернгард Шоу, Рабиндранат Тагор, Пабло Неруда, Норман Ҳикмат, Файз Аҳмад Файз ва бошқа улуг өзувчилар анъаналарини изчил ва муваффақият билан давом эттириб келмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимиз, шу жумладан, республикамиз ва унинг адабиёти ҳақидаги ҳаққоний фикрлар ер куррасининг энг узоқ нуқталарига ҳам етиб бор-

моқда. Бу — ғанимларимизни, мағқуравий муҳолифларимизни чўчимоқда, васасасағ солмоқда. Шунинг учун ҳам улар совет воқелиги ҳақида турли-туман ёлгон-яшиқларни тўқишга, КПСС миллий сиёсатини бузиб тасвирлашга интилмоқдалар.

Буржуа «советшунос»ларининг идеологик бўҳтонлари турлича ва ранг-барангдир. Чунончи, улар пайғамбарлик қилиб «исоёлликлар русларни маҳз этвадилар», деган ёлгон демографик маълумотлар билан русларни, СССРдаги рус бўлмаган халқларни эса «Россия уларни руслаштиришга уринаяпти», деган бўҳтон билан кўрқитишга беҳуда уринадилар. Буржуа идеологлари сиқаси чиққан миллатчиликка катта эътибор берадилар, халқларни бўлиб юборишга, улар ўртасида ўзаро ишончсизлик уйғотишга ва низо чиқаришга ҳаракат қиладилар. Кўп тилларда эшиттириш берадиган «Америка овози» эфир орқали узлуксиз риважида миллатчиликнинг заҳарли уруғини селип келмоқда. Мана шу ва шунга ўхшаган бизга душман «овоз»ларнинг «адабий сўхбатлари» ҳам миллатчилик ғояси билан йўғрилган.

Ғанимларимиз миллатчилик коммунизмига қарши курашининг муҳим қуроли, деб ҳисоблайдилар. «Коммунизмнинг инқирозга юз тутиши ёки, ҳеч бўлмаганда, СССР сиёсий бирлигининг ҳалокати фақат СССР миллатлари билан боғлиқдир», деб ёзган эди 1978 йилда француз газетаси «Фигаро». Ундан олдинроқ ҳаммага танқиди антисоветчи З. Бзежинский бундай деб таъкидлаган эди: «Миллатчилик Советлар ҳокимиятига ташлашишга даъват этадиган қобилияти кучга айлиниши мумкин».

Антикоммунизм идеологлари өзларининг илмий социализм назариси ва тажрибаси билан курашида адабиётдан ҳам фаол фойдаланишга интиладилар. Улар совет өзувчилари, айниқса миллий республикалар адабиётлари ўртасида тарқоқлик, узиллик яратишга ҳаракат қилади.

Мағқуравий душманларимиз ҳар бир өзувчида миллатчилик руҳини кўришни жуда-жуда истайди. Умуман, улар адабиёт ривожининг бош ғояси — миллатчилик деган тўшушунчи исботлашга зўр бериб уринади. Колумбия университетининг профессори Эдвард Оллуорс өззининг 1964 йили ёзилган «Узбек адабий сиёсати» китобида XX аср ўзбек адабиёти тарихини худди мана шу нуқтага назардан ифода қилган. Кейинги йиллар давомида бу китоб Оллуорсининг ёш издошлари учун өзига ҳос «қўлланма» вазифини ўтаб келди. Агар унинг ўзи ўзбек адабиётини ахлит, умумий тарзда бўёб кўрсатишни ўзига мақсад қилиб олган бўлса, унинг издошлари республикамизнинг айрим йирик өзувчилари ижодини сохталаштириш бўйича иختисослашмоқдалар.

Кўп миллатли совет адабиётининг обрўйи бутун дунё бўйича мисли кўрилмаган даражада тез охиб бормоқда. Натигада бизнинг идеологик душманларимиз ўз тактикасини ўзгартаришга, сохталаштириш методларини тез-тез алмаштиришга мажбур бўлаёттир. Улар совет ижодий зийлилари ўртасида аллақандай сиёсий «опозиция» мажбуудлигини, улар орасида фақат айрим «диссидентлар» — өзича фикр юртувчилар ва адабиёт атрофида ўралашган аллақандай кимсалар эмас, балки бообрў йирик өзувчилар ҳам бор, деган даъвоини исботлаш учун ҳар қандай ёлгон ва бўҳтондан, тўхмат ва ивгодан қайтмайдилар.

Давид Монтомерининг 1975 йилда Канадада нашр қилинган Ҳамид Олимжон ҳақидаги илмий ишлари бундай сохталаштиришнинг мисолидир. Халқ Ҳамид Олимжонни кўп ва шодлик кўчиси деб атайди. Шоирнинг кўп қиррали ижодида бош фалсафаси масала қилиб қўйилган ва ҳал қилинган мазъу баҳд. Худди шу ғоя унинг поэзияси лейтмотивдир. Ҳамид Олимжон асарларида қуйилган баҳт мазъуининг ижтимоий асосини совет воқелиги ташкил этади.

Шоир лирикасидаги энг интим тўйғулар ҳам кенг ижтимоий оханг касб этади, айна вақтда ғоят жиддий ижтимоий фикрлар ҳам шоир қалбининг энг тубидан отилиб чиқади. Бунга ёрқин мисол сифатида унинг «1924 йилнинг 22 январда Самарқанд» шеърини кўрсатишимиз мумкин. Бу ўзбек адабиёти-

нинг В. И. Ленинга бағишланган энг яхши асарлардан биридир. Шеърда халқнинг улуг доҳийга бўлган меҳру муҳаббати ифода қилинган.

1939 йилда Ҳамид Олимжон өзининг баҳт ҳақидаги фалсафасини маълум даражада яқунловчи «Зайнаб ва Омон» поэмасини ёзди. Асарда янги кишилар образи яратилган бўлиб, уларда янги коммунистик ахлоқ қирралари акс эттирилди. Унинг қаҳрамонлари — Зайнаб ва Омон соф севгини кишанлаб ётган эски урф-одатларни парчалаб ташлайдилар. Бу поэма мазмунан новаторона бўлиб, у бахтиёр севги ҳақидаги кўшиқдир.

Барча холисона тадиқотларда Ҳамид Олимжоннинг қисқача ижодий портрети таҳминан ана шундай ёритилган. Аммо Дэвид Монтомерининг фикрлари бошқача. Чунончи, 1937—1938 йилларда Ҳамид Олимжон ақойиб лирик шеърлар туркуминини яратди. Бу асарларнинг қимматини таърифлашга сўз ожизлик қилади. Буни Монтомери ҳам тўшунади. Бироқ у фактлардан кўз юмиб, Ҳамид Олимжон ижодини өзининг қора қолибига солишга интилади.

«Ҳамид Олимжоннинг бу даврдаги лирик поэзияси, — деб ёзди Монтомери, — тасвирчан ва интим характерга эга, чунки уларда шоирнинг ўз хотинига, оиласига ва табиғатга нисбатан кучли муҳаббати ифодаланганки, бу ёвузликдан паноҳ топувчи бир нарса сингари тасвирланган (?)».

Буларнинг ҳаммаси сохталаштирувчининг ўйлаб толган уйдирмаларидир. Улар ҳеч нарсадан беҳабар ўқувчилар учун мўлжалланган. Аслида Ҳамид Олимжон бутун умри давомида тўғри, партизвий позицияда турди, у өзининг барча фикр-мулоҳазаларини Д. Монтомери ҳаёл қилгандек эмас, балки өзининг ленинча партизвий эътиқодидан келиб чиқиб баён этган, ҳал қилган.

Булок ўзбек шоири ва публицисти ижодий меросининг мазмуни ҳақида моҳиятини бузиб кўрсатишга интилиш жараёнида Д. Монтомери яна қанча ёлгон-яшиқларни, бўҳтонларни тўқиб чиқаришини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мисол тарақасида Ҳамид Олимжон ҳалокати фактини оилайлик. Ҳаммага маълумки, у Дўрмон қишлоғида автомобиль ҳалокатида қолган. Бу фожиа ҳозиргача юракларни зирқратади. Уша машинада у билан бирга бўлган гувоҳлар — шоир Уйғун ва Чустий ҳозир ҳаёт. Ҳамид Олимжон вафоти тафсилотлари хотираларда тўғри ёзилган. Айниқса, Сарвар Азимовнинг монографияларида, Наим Каримовнинг «Ҳамид Олимжон» китобида батафсил ҳикоя қилинган.

Дэвид Монтомери бўлса, бу аниқ фактини «тағдир» иборалар билан атайлаб хиралаштиради. «1944 йилнинг 3 июлида, — деб ёзди у, — Тошкент кўчаларидан бирини кесиб ўтаётганида катта тезлик билан келаятган юк машиниси остида қолади ва ҳалок бўлади (?)». Изоҳида яна шунки кўшимча қилади у: «Барча манбалар Олимжон автомобиль ҳалокатида қолиб ҳалок бўлганини кўрсатади. Оллуорс билан шахсий сўхбатларимизда фалокат ҳақида баъзи нарсаларни (?) бизга лутфан қўшимча қилди (1974 йил, апрель)».

Буржуазия сохталаштирувчилари ҳаммага маълум фактларни ҳам ана шундай чаплаб ташлайди, ҳеч қандай уйдирма, ёлгон-яшиқдан қайтмайди.

Ҳамид Олимжон ўзбек совет маданияти тарихида мустаҳкам фахрли ўрин эгаллаган. Унинг асарлари турли тилларда кўп минг нусхада нашр этилмоқда. Унинг ҳақида кўплаб китоблар ёзилган ва ёзилмоқда, пьесалари сахналарда ижро этилмоқда, Ҳамид Олимжон уй-музейи очилган, унга ҳайкаллар қўйилган, шоир юбилейи бир неча марта кенг нишонланган. Колхўлар, мактаблар, кутубхоналар, кўчалар, театр, институт, Тошкент метроси станцияси унинг номига қўйилган. Булар Ҳамид Олимжон ижоди партия ва халқ томонида нақадар юксак қадрланаятганини бевосита кўрсатиб турибди.

Аммо буржуа сохтакорлари реал фактларни тан олмишга ожиздилар. Улар бу аниқ фактлар билан ҳисоблашини истамайдилар, улар ўз қиёфасини ўзгартариб, бизнинг воқелигимизни, маданиятимизни, жумладан, Совет Узбекистонини адабиётини қоралашда давом этмоқдалар. Антикоммунизм идеологлари бугунги совет адабиётини «парчаланган» сифатида кўрсатишга зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар, улар бу мақсад учун ҳамма нарсага тайёрдилар.

Булар барчаси бизнинг адабиётшуносларимиз ва олимларимизнинг мамлакатимиз, шу жумладан, Узбекистон адабий жараёнининг назарисини ва практикасини сохталаштирувчи буржуазия идеологларига қарши тинмай кураш олиб боришлари зарур эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Бизнинг турмуш тарзимиз ва унинг асосий қисмларидан бири бўлган кўп миллатли совет адабиёти — социалистик реализм позициясида мустаҳкам турган, партия ва халқ иши, коммунизм мақсадлари учун ҳормай-толмай хизмат қиладиган адабиётимиз ҳақидаги ҳаққоний фикрларни дунё халқларига етказишимиз, шу жумладан, ўзбек совет адабиётининг чет эллардаги «танқидчиларининг ҳар хил найрангларига зарба беришимиз, КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленуми уқтиргандек, «халқаро майдондагина эмас, мамлакат ичарисида ҳам ҳужумкор қарши пропаганда кенг авж олдиришимиз» керак.

Буюк Октябрь


Зўру зар давронин энгиб даҳр аро
Қалқди бир қудратли куч — ҳожатраво.
Метин азмини кўр, ўтли қалбин кўр.
Денгиздай долғали, тоғлар каби зўр.
Янги бир дунёнинг очди жамолин,
Эйди замин узра иқбол шамолин.
Фақат олға борар, халқларга туташ,
Унинг таъликидир эрк учун кураш.
Истибод давронин этди тору мор,
Ишчи иқтидорин мангу барқарор.
Замин узра ёқди қуёшдай чироқ,
Нуридан дунёмиз бўлди ярқироқ.

Ишчию деҳқон қалин дўст-ёр эса,
Саф — пўлат, мақсад шижоаткор эса,
Бул жаҳон охир гулдостон бўлгуси,
Зулм элин айвони вайрон бўлгуси.

Янграмоқда даҳр аро қудратли соз,
Инқилоб бонги эрур мағрур овоз —
Янги санъат, янги ғайрат наъраси,
Дилда янграр янги дунё нағмаси.

Шўравий аталур бу қудрат номи,
Рағбатдир ҳар сўзи, меҳри, илҳоми.
Қишанлар узилди, тахтлар бузилди,
Уроқ-болға иттифоқи тузилди!
Ҳилпирар бош узра байроғи гулгун,
Ленин даҳосидан нурланиб бутун.
Бу байроқ курашга, бахтга илҳомдир,
Озод инсонларга мангу инъомдир.
Энди ўз-ўзига ишчи ҳўжайин,
Энди деҳқоннинг ҳам тақдири тайин.
Инсонлик ғурури тошди дилларда,
Инқилоб шарафи янграр тилларда.
Унинг шон-шўхрати дунёни бўйлар,
Инқилоб халқларнинг бахтини ўйлар.

Янгилик жаҳонда ғолибдир, ғолиб,
Барг эзар, дилларга ёғдулар солиб.
Яшнади юракда орзулар гули,
Шаҳру кишлоқларнинг сайраб булбули,
Қизларда табассум, йигитда ғурур —
Ленин диёрида бахт топди зухур.
Янги даврон аҳли халқ душманларин
Болғаю ўроқ-ла янчолди барин.
Бу қудрат азмидан йитди Гитлер ҳам,
Ҳар қандай ёвузин ютгай жаҳаннам.
Энди осмонларга учар лочини,
Ёйиб, само узра кенг қулочини.
Октябрь — жаҳоннинг истиқболдир,
Инсоннинг ҳақиқий бахт камолидир.



Олий ният

Ҳар кишиким оқилу доно эрур,
Фикрида янги тилак, маъно эрур.
Қайқас ишчи қалбида олий ният,
Топмағай ҳеч битта душман авфият.

Шул ният бирлаштирур элларни ҳам,
Янги мавжга тўлдирур дилларни ҳам.
Ким кураш байроғини тутса баланд,
Эл аро хизмат-ла бўлғай аржиманд.

Сарнигун бўлғай зулм — қўзғолса халқ,
Эрк учун қўлга қуролин олса халқ.
Айлангиз, эй ишчилар, сиз аҳду жаҳд,
Зўр курашлар бирла киргай қўлга Бахт.

Эркинлик

Хўжайин чанғалида ишчи-деҳқон ҳур эмас,
Занжирни узмагунча озоду мағрур эмас.
То қўлга олмагунча ўз тақдирин халқ ўзи,
Еришмағай бу ватан халқининг бахт юлдузи.
Қўлга олмақ пайтидир жангу жадал қуролин,
Юртни шўхратга бурқаб, кўрай десанг жамолин.
Бенаволар айласа ғазаб бирла инқилоб,
Ситамнинг тахту қасри бегумон бўлғай хароб.
Ваҳшатни яқсон этиб, қурайлик янги дунё,
Қаҳратон оғушидан баҳор қалққандек гўё.
Халқим ғайрат камарин маҳкам боғласа белга,
Мамлакат хуррам бўлиб, эзгулик қўнғай элга.
Хурриятдан баҳр олур ишчилар деҳқон билан,
Курашга отланайлик ғайрату имон билан.



ОЗОД АФҒОНИСТОН КҮЙЧИСИ

Ғулом Дастагир Панжширий ҳозирги замон афгон шоирларининг ўрта бўғинига мансубдир. У — инқилобий руҳдаги ижодкор. Ғулом Дастагир Панжширий фақат шеърлари билан революцияга хизмат қилибгина қолмай, бутун эътиқоди, куч-ғайрати, фаолияти билан тўла маънодаги инқилобчи, Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Афғонистон Демократик Жумҳурияти шоир ва аъзувчилар иттифоқининг раҳбаридир. Афғонистон бу яхши кунларга гоят қийин йўллари босиб келгани каби, унинг содиқ фарзандларидан бири Ғулом Дастагир Панжширийнинг ҳам ҳаёт йўли энгил эмас.

Панжширий 1933 йилнинг 7 ноябрь куни Парвон вилоятига қарашли Панжшир улусволисининг Кобизон деган қишлоғида тожик деҳқони Малик-дод оиласида туғилди. Камбағаллик билан ўсаёт-

ган ёш Ғулом 1941 йили Ҳирот шаҳридаги ибтидоий мактабга кириб ўқийди, 1948—58-йилларда Кобулда дорилмуаллимин ва дорилфунуннинг тил-адабиёт факультетинда таҳсил кўради. Уқиниш битиргач, «Анис» газетасида, кутубхонада ишлайди. 1960—1962 йилларда ҳарбий хизматда бўлади. У қайси соҳада ишламасин, афгон халқининг озодлигини истовчи, озодликка қорловчи шеърлар ёзишдан тўхтамайди.

1969 йил 17 сентябрда «халойиқни салтанатга қарши қўзғатган»ликда айбоб, шоирни суд қилдилар ва зиндонга ташлайдилар. У 13 йил зиндонда ётади.

Биз бу саҳифада Панжширийнинг кучли эрк-севарлик руҳи билан афгон адабиётида муҳим воқеа бўлган «Пайки зиндон» [«Зиндон элчиси»] китобидаги шеърларидан бир туркумини эълон қилмоқдамиз.

Мангу кўклам

Ишчилар! Айланг кураш,
Эрку ободлик илинжи
Соқиб, қуй, жомга тўлсин
Қатра-қатра шўх шаробдир
Шўришу ғавго чекинсин
Мафтун этсин юртимизни
Янги соз, янги наволар
Болғаю олмос Уроқ
Шер йигитлар этса жавлон
Каҳқашону ер узра
Бегумон олам уйдан
Халқ деган қудратли куч
Қўлни қўлга берса бирлик
Даҳр аро расвойи олам
Барча дунё халқи топгай
Ишчию деҳқон агарчи
Сиз ҳам, эй, бечора мардум,
Ҳам Шугуфон! шод бўлиб,
То ўлка бўлсин лозазор,
То ўлка бўлсин шиор.
Улгага бўлсин тўлсин
Эзгуликнинг бодаси,
Ҳар юракка иқтидор.
Ушбу зебо ўлкадан,
Мангу завқу ифтихор.
Янграсин эл қалбида,
Мўъжиза этсин пойдор.
Ҳар муаммо ҳал бўлур,
Эзгу ният топсин қарор.
Мосуво бўлғай алам,¹
Қалқса оёққа наъравор.
Бирла дунё ишчиси
Бўлгуси сармоядор.
Ўз мақомида сафо,
Бўлса яқдил, ларзакор.
Қурсангиз янги низом,
Оламда кулғайдир баҳор.

¹ Шоир айрим шеърларини Шугуфон таҳаллуси билан ёзган

Қўзғалиш ва кураш

Тоқай, қўли боғликсиз,
Эй, азиз ишчи наслим!
Тоқай бағри доғликсиз,
Хону беқларга таслим?

Синдириңг занжирларни,
Кишанларни узингиз.
Тўфон бўлиб, истибод
Тўғонларни бузингиз.

Эй кулфат чеккан мардум,
Уқубат кўрган эй жон,
Шоҳ лутфига кўз тутманг,
Сизники ёруғ жаҳон.

Халқ газабин зўридан
Ақлар олиб ёғду,
Жўш уриб ижодкор куч,
Амал топгайдир орзу.

Зулмдан тўйган мазлум
Қалқса сунги жавлонга,
Ситамгар бўлиб маҳкум,
Бахт кулгуси инсонга.

Бу эски биноларни
Тубидан этиб вайрон,
Вайрона биноларни
Обод қилурмиз шодмон.

Халқ кураши, оқибат
Келтиргай тотли самар.
Эркинлик ёйиб қулоч,
Эзгулик топгай зафр.

Бечора аталмиш халқ,
Сен ўзингсан алп қомат.
Урингдан қўзғал дадил,
Золимга сол қиёмат.

Мараз ҳаромхўрлардан
Юртимизни озод қил,
Ғайрат камарин Боғла,
Ўлкамизни обод қил!

Йшнай кетсин чор-атроф,
Очилсин турфа гуллар,
Гулгун бўлсин бу ватан,
Халққа оқиб кенг йўлар!

Жуманиёз ЖАББОРОВ
таржималари

ШАҲАР САҲИФАЛАРИ



Мамлакатимиз халқларининг коммунистик жамият куриш йўлидаги буюк аратувчил меҳнатига улкан ҳисса қўшаётган гўзал республикамизнинг қадимий ва навирон пойтахти Тошкент шаҳримизнинг 2000 йиллик тўғри эътибор билан нишонланмоқда.

2000 йил. Бу давр ичида шаҳар қанча-қанча воқеа-хадисларини, юксалиш ва инқироз босқичларини ўз бошидан кечирмади, дейсиз.

Тошкент кўп асрлик тарихий ривожланиш даврида турли номлар билан аталди. Абу Райҳон Берунийнинг машҳур асари «Ҳиндистонда» туркий Тошкент атамаси Шош сўзидан келиб чиққанлиги кўрсатиб ўтилади. Шош ёки Чоч атамаси эраимиздан аввалги I минг йиллик ўрталарида вужудга келган бўлиб, Тошкент воҳасининг пойтахти сифатида тилга олинади. Зардуштийлар динининг муқаддас китоби «Авесто»да қайд қилинишича, Сирдарё ҳавзасидаги территория Турон атамаси билан юритилган.

Шаҳар ўтмишида қандай номлар билан аталганлигидан қатъий назар, бу номлар остида фақат шаҳар маркази эмас, балки бутун Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари территорияларида жойлашган воҳа тушуниларини билдириши мумкин.

Археология фанининг ютуқлари Тошкент воҳасида таҳминан 100 минг йиллардан бери аҳоли яшаб келаётганлигини кўрсатади. Лекин кейинги археологик қазилмалар даврида янги далиллар қўлга киритилди. Археолог олим Мирвоҳид Қосимов эса бу хулосага янги ихтиролар билан тузатишни киритди. У бошқик группа Ангрэн шаҳри яқинидаги Кулбулоқ номи тош даври ёдгорлиги устида текшириш олиб бориб, ибтидоий одамлар томонидан Тошкент воҳасининг ўзлаштирилиши фактини яна 200-250 минг йилга қадимийлаштирди.

Милоддан аввал икки мингинчи йилликда Тошкент воҳаси асосан чорвадор қабиаларнинг манзилгоҳларидан иборат бўлган. Улар воҳанинг тоғ олди адирлари ва дашт зоналаридаги кенг яйловларда чорвачилик қилишган, баъзида Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ирмоқлари ҳавзаларида, пасткам, захкашсимон ерларда деҳқончилик ҳўжалиги билан шуғулланганлар.

Аmmo миллоддан олдинги биринчи минг йилликнинг бошларига келиб Тошкент зонасидаги чорвадор аҳоли ҳаётида кескин ижтимоий ўзгаришлар юз берди. Бир томондан чорвачилик ҳўжалигида ихтисослашув жараёни бошланди ва шу асосда чорвачилик ҳўжалигининг хусусияти ўзгара боради. Қорамолларни боқиш билан боғлиқ бўлган ўтроқ чорва ҳўжалиги ўрнини майда мол—қўй-эчки турлари нин кескин ривожлантиришга қаратилган ярим кўчманчи ҳўжалиги эгаллайди. Иккинчи томондан эса ярим кўчманчилик ҳўжалигига асосланган чорвачиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши натижасида чорвачилик ҳўжалигида синфий табақаланиш жараёни жадаллашади. Бу хол жамият аъзолари орасида хусусий мулкчиликка бўлган интилишни куцайтиради. Оқибатда яйлов майдонларининг тақсимланишига, чорва молларининг айрим шахслар қўлида тўпланишига, хусусий мулкчиликнинг расмий тус олишига сабаб бўлади.

Чорвасидан ажралиб ва жамоа яйлов майдонларидан фойдаланиш имконидан маҳрум бўлган ҳўжаликлар эса яшаш зарурати туфайли ё чорвадор пачаига айланади ёки ҳўжалик юртишининг янги усули—деҳқончилик қилишга мажбур бўлади. Натижада кичик-кичик дарё ҳавзаларида деҳқончилик районлари пайдо бўла бошлайди. Тошкент воҳасида ана шундай географик ва экологик кулайликларга бой деҳқончилик марказларидан бири Тошкент денгизи (қадимгиси) райони бўлган.

1940 йил Тошкент канали қурилиши муносабати билан шу канал трассасида илмий текшириш ишлари олиб борилди. Кузатиш давомида Бурганлик сой соҳилидан кўпבל сопол парчалари, тош ёрғичоқлар, ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари, бронзадан ясалган яна қандайдир қуролларнинг парчалари учради.

Бу топилмалар дарҳол археолог А. И. Тереножин диққатини ўзига тортди. Олим уларни ўрганар экан, кутилмаганда ажойиб бир хулосага келди: Оҳангарон дарёсининг ирмоқлари ҳавзаларида касб-корлари чорвачилик бўлган бир ғуруҳ уруғ аъзоларининг миллоддан аввал I мингинчи йилликнинг ўрталарига келиб деҳқончилик ҳўжалиги билан шуғуллана бошлаганини исботлаб берди. У мажмур деҳқончилик маданияти меросхўрларини ўша маданият излари дастлаб топилган жой номи билан Бурганлик маданияти деб атади. Ана ярим асрга яқин вақт ўйбдики, Тошкент воҳасининг қайси бур-

чагидан топилган бўлмасин, энг қадимги деҳқончилик маданиятига доир ёдгорликлар Бурганлик маданияти номи билан юритилмоқда. Бурганлик маданиятининг таркиби топиши миллоддан аввалги VI-IV асрларга тўғри келади. Фан ютуқлари билан тасдиқланган бу сана, Тошкент воҳасида деҳқончилик маданиятининг қадимийлигиндан далолат беради.

Аmmo Бурганлик маданияти ёдгорликлари ашёвий далилларнинг хусусияти ва умумий бирлиги билан бошқа ёдгорликлардан фарқ қилмас-да, уларнинг йил санаси хануз А. И. Тереножин берган ёш билан ҳисоблаб келинади. Бу эса Ўрта Осиёда бундан уч минг йил бурун юз берган тарихий тараққиёт жараёнларининг йўналишига зид эди.

Бунга аниқлик киритиш учун ҳам 1974 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институтининг тарих фанлари кандидати Х. И. Дукера раҳбарлигидаги махсус Туябўғиз отряди муттасил қазилу ишлари олиб бормоқда. Асосий қидирув ишлари Оҳангарон дарёсининг ирмоғи Бурганлик сой бўйлаб олиб борилди. Натижада Бурганлик маданиятига доир 13 та қадимги қароргоҳлар топилди.

Ана шу манзилгоҳларнинг баъзиларида қазилу ишлари ўтказиш натижасида қадимги уй-жой қолдиқлари, сопол идиш-товоқлар, тошдан ясалган ёрғичоқлар, бронзадан ясалган ҳар хил меҳнат қуроллари, тақинчоқлар ва бошқа предметлар топилди. Натижада бу янги илмий хулосага асосан Бурганлик маданиятининг, эски Тошкент денгизи манзилгоҳларининг ёши миллоддан аввалги IX—VII асрларга оид деб белгиланди.

Археолог М. И. Филонович томонидан шаҳар территориясида жойлашган Шоштепада олиб борилган илмий-қидирув ишлари ажойиб натижа билан якулланди. Шоштепанинг қўйи қатламидан Бурганлик маданиятига доир материаллар топилди, унинг устки қатламидан эса Бурганликдан Қовунчи маданиятига (миллоддан аввалги II аср ва миллод II—IV асрлар) ўтиш даврига доир археологик материаллар топилди. Олим ўтиш даври материалларининг миллоддан олдинги III асрга тегишли эканлигини исботлади. У Бурганлик маданиятига доир пастки қатлам эса миллоддан олдинги VI-IV асрларга тегишли эканлигини илмий асослади.

Тошкент денгизи манзилгоҳлари материаллари билан таққослаш туфайли туғилган янги бир муҳим хулоса шуки, Бурганлик маданияти икки босқичдан иборат. Унинг қадимий босқичи Туябўғиз, кейинги босқичини эса Шоштепа номи билан аташни лозим топдик.

Бурганлик маданияти Туябўғиз босқичининг кашф этилиши туфайли Тошкент воҳасида ўтроқ деҳқончилик маданиятининг шаклланиши бундан 3 минг йилча бурунги даврга тўғри келади.

Бурганлик маданияти ворисларининг турмуш тарзи дастлаб унинг Туябўғиз босқичида (миллоддан аввалги IX—VII асрлар) кўп жиҳатдан чорвадор қабиалар ҳаёти тарзидан кам фарқ қилар эди. Улар ҳали ғуваля ёки хом гишдан уй-жой қуришни билмас, аввалгидек ярим ертўла ва оддий чайларда яшар эдилар. Улар деҳқончиликни ўзларининг асосий касб-корлари деб ҳисобласалар-да, ҳали хонаки чорвачиликнинг салмоғи катта эди.

Бурганлик маданиятининг кейинги даври—Шош-

тепа босқичида (миллодгача VI—IV асрлар) катта ҳаётий ўзгаришлар юз берди. Бурганлик қишлоқлари атрофида мудофая характеридagi қалин деворлар пайдо бўлди. Уй-жой қурилишида энди ертўлаларгина эмас, балки гишдан ясалган кўп хонали иморатлар қуриш анъанаса айланди. Жездан ясалган уй-ғўзгор буюмлари, меҳнат қуроллари тақомиллашиб борди. Археологик қазилулар даврида жездан меҳнат қуроллари яшаш учун тайёрланган қопчининг топилиши ва металл эритиш худмончаларининг учраши Бурганлик маданияти аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан бирга темирчилик билан ҳам шуғулланганлигидан далолат беради. Агар биз Тошкент денгизига топилган мудофая деворини энг қадимги мудофая иншоотлари деб ҳисобласак, унинг тақомиллашган шаклини Шоштепада Бурганлик маданиятининг ўрнида юзага келган Қовунчи маданиятининг дастлабки босқичида учратамиз. Бу эса Тошкент воҳасининг шимолий зонасида илк бор шаҳар маданиятининг пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, М. И. Филонович ана шу ноб археологик фактларга асосланган ҳолда Тошкентда шаҳар маданиятининг шаклланиш жараёни миллоддан аввалги III-II асрларга оид бўлса керак, деган хулосага келди. Ҳозирги кунда археолог олимларимиз Тошкент зонасида қадимги шаҳар маданиятининг таркиби топишида Бурганлик маданияти асосий омили бўлган, деб ҳисобламоқдалар. Чунки ҳўнармандчилик ҳўжалигининг яхлит уюшган маркази доим шаҳарларда бўлган.


Биз юқорида, қисман бўлса-да, Тошкент воҳасида илк ўтроқ деҳқончилик маданиятининг пайдо бўлиши ҳақида сўз юритдик. Кейинги маълумотлар Тошкент воҳасининг қадимги деҳқонлари бу зонага бошқа жойдан кўчиб келмаганлар, аксинча қадимги маҳаллий чорвадор қабиаларнинг бир қисмининг миллоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларига ўтроқ ҳаёти кечиршига ўтиши туфайли пайдо бўлган, деган хулоса чиқаришга асос бўлади.

Кўчманчи чорвадорларнинг аста-секин ўтроқ ҳаётга ўтиши жараёнида биргина географик кулайликлар етарли эмас эди. Бу жараёнини тезлаштиришда қўшни район деҳқонларининг маданий таъсири ҳам асосий омиллардан бири бўлди. Агар Ўрта Осиёнинг миллодгача иккинчи минг йиллик тарихига назар талласак, унинг жанубий районларида бирмунча илғор маданият меросхўрлари бор эдики, уларнинг шимолий халқлар ҳаётига таъсири куцли эди. Қабиалараро маданий ва савдо алоқалари жануб ва шимол халқлари ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Бунинг натижаси ўлароқ биз Тошкент воҳасида бундан қарийб 3 минг йил бурун ўтроқ деҳқончилик маданиятининг шаклланганлигини кўраемиз. Шу билан бирга миллодгача VI—V асрлардан бошлаб деҳқонлар ўз ҳўжаликларини суғориладиган деҳқончилик асосида қайта қура олдилар, деб айта олишимиз мумкин.

Қадимги деҳқонларнинг кундалик ҳаётида хонаки ҳўнармандчиликнинг роли катта эди. Ҳўнармандчиликнинг муҳим тармоғи кулолчилик ҳамда тўқимачилик ривожланган.

Хулоса шуки, Тошкент денгизи районида ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида фан оламида янги бир саҳифа очилди.

Демак, Тошкент воҳасида деҳқончилик маданиятининг таркиби топиши, унинг шаклланиш тарихи миллодгача VI-IV асрлар эмас, балки миллоддан аввалги IX-VIII асрларга тўғри келади. Бу илмий кашфиётнинг ана бир муҳим аҳамияти шундаки, Тошкент воҳасида шаҳар маданияти ана шу ўтроқ деҳқончилик маданияти заминида вужудга келганини кўрсатади. Бурганлик маданияти заминида кулолчилик, темирчилик ва тўқимачилик каби қатор ҳўнармандчилик соҳалари ривожланиб борди ва кейинроқ деҳқончилик маданияти бутун воҳада прогрессив эконимика тараққиётини белгилаб берди.



Тошкент денгизи районида топилган—бронза даврга оид тошдан ясалган жез қўйиш қоплини.

Бўрибой АБДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари кандидати,
археолог
Сўлтобой ТўРАЕВ,
тарихчи

АРХИВДА бизга Тошкент уювчиларида олинган, яқин ўтмишга оид бир неча фотосуратларни кўрсатишди. Ана шу фотосуратлар билан ўша кўчаларнинг, бугунги қиёфасини муқоёса қилиш учун «Москва» меҳмонхонасининг тепласига чиқдик. Пастда автомобиллар оқими. Гарчи, автомашиналарнинг тезлиги шиддаткорона бўлса-да, саксон метр баландликдан қараганда, улар гўё оҳиста юраётгандай бўлиб туюлади.

Шаҳарнинг ҳар бир кўчаси — ўзига хос тарих. Ҳозирги Навоий проспекти, агар тазбирга бўлса, Тошкент кўчалари ичида энг кексаси, уларнинг оқсоқоли, юзлаб йиллар тажрибаси билан бойиган нурунийсидир.

«Бу кўча, — деб ёзган эди машҳур ёзувчи Ойбек ўзининг публицистик очеркларидан бирида, — кўп нарсани кўрди. Революцион ўн еттинчи йилда бу ерда катта митинглар бўлиб ўтди... Баъзи чойхоналарда улуг доҳийларга бўлган эҳтиром рамази сифатида ишчилар Карл Маркс ва В. И. Лениннинг портретларини осиб қўйдилар. Биз пролетариатнинг буюк доҳийлари номларини илк бор ана ўшанда эшитгандик».

Навоий проспектининг Октябр тўғайли бунёдга келган кўча дейишди. Чиндан ҳам шундай. Археологлар қадимий шаҳарни ёки айрим ўтроқ жойларни топганда уларнинг тарихий қимматини камда юзлаб йиллар билан баҳолашади. Бунда албатта аждоқларимизнинг ҳаёти ҳақидаги минг йиллик маълумотлар топишган бўлиши табиий. Эндиликда ўзининг икки минг йиллигини нишонлаётган бутун шаҳаримиз ва жумладан, Навоий проспекти Октябрдан кейинги фақат бир неча ўн йилликлар ичидаёқ мисли кўрилмаган даражада ўзгариб кетди. Совет ҳокимияти, социалистик тузум тўғайлигина ана шундай бўлди.

Ҳа, бир вақтлар торгина ва зғри-бугри кўча фақат Октябрдан кейингина кенгайиб ва тўғриланди, ҳозирги қиёфасига келтирилди, буюк Навоийнинг табаррук номи билан атала бошлади. Бу ерда Ма-

ларнинг! Моксқа Сочиде дам олганман, деб гапириб юрсан ҳали.

Эски ён дафтаришмида Омск Жисмоний тарбия институтининг студентлар қурилиш отряди ҳақидаги ёзувлариимизни топдик. Қурилиш отряди бригадирлари Владимир Акимов билан бўлган беҳазил ва мутлақо жиддий суҳбат эсимизга тушди.

— Биз Тошкентга бир ойга келгандик. Лекин ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўргандан кейин бутун ёнги каникулни шу ерда ўтказишга қарор қилдик, — деган эди ўшанда. — Қаранг, шаҳарда бутун Иттифоқимиздан келган бинокорлар ишлашляпти. Бундай куч табиий офатни енгмай қўймайди. Албатта, енгамиз. Мана, мени айтди дерсиз. Тошкент янада гўзал бўлиб кетади.

Волода бизни ишонтиришга шундай уринардик, гўё биз эмас, у тошкентли-у, камина тугилиб ўсган шаҳарнинг тақдирни биздан қура уни кўпроқ ташвишлантираётгандай туюларди...

Шундан буён ўтган ўн етти йил давомида шаҳар танли бўлмас даражада ўзгариб кетди. Студентлар ишлаган проспект янада кенгайди. Санъат саройида эндиликда фильмлар иккита залда намойиш этилмоқда. «Ватан» кинотеатри реконструкция қилиниб, эндиликда бу ерда Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри томошаларини хушнуд этмоқда. Проспектда «Москва» меҳмонхонаси, жуда катта универсал магазин ва мамлакатимиздаги энг шинам цирк биноси қад кўтарди.

Бугун Навоий проспекти қалин дарахтлар билан бурканган ҳолда ана ҳам гўзаллашиб кетган. Аммо унинг эртанги куни ана ҳам гўзлашқоқ. Бу ерда моторларнинг овози бир зум тиним билмайди. Бир вақтлар кўчининг хуснига доғ бўлиб турган ва ярмарка павильонлари билан вақтинча тўсиб қўйилган ташландиқ жар батамом тугатилган. Унинг ўрнида архитекторларнинг ажойиб тафаккури ифодаси сифатида савдо расталари тизмаси қад ростлаган. Бу ер шаҳарнинг энг сўлим жойларидан бири бўлиб қолди. Бош универсал магазин қаршида эса келбурсида шаҳарнинг очик осмон остидаги Архитектура-

Биз сўз юратибган кўча ўтган асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Тошкентликлар 1918 йилда Биринчи Май намойишига тайёрланишга кезда бу кўчага раъзий ният билан 1 Май деб ном беришган. Илгари бу кўча алоҳида белгиси билан ажралиб турмасди. Агар қалин ўсган дарахтлар ёки 1912 йилда Тошкент трамвайи учун қурилган жакежигина дизель электростанцияси демасангиз, кўча бўйида эса қоларлик бошқа ҳеч нарс яўқ эди-да.

Октябр революциясидан бир неча йил олдин нашр қилинган савҳатнома китобида шундай сўзлар бор: «Янги шаҳар эски Тошкентнинг бутунлай тескари-си. Қарийб барча кўчаларга тош тўшалган, кенг йўлаклар билан қурилган, йўлга гишт ҳам ётқизилган. Керосин-пилтали чироқлар билан ёритиб турлади». 1 Май кўчаси ҳам узоқ йиллар ана шундай ҳолатда эди. Кўча бўйлаб уйлар қурила бошлади. Улар ўша даврда аънамага айланиб қолган ҳовлилар билан тугашиб кетарди. Ҳалғи улкан қайрағочлар ҳам ана шундай ҳовлилардан бирида пайдо бўлди.

...Улуг Ватан уруши бизнинг галабамиз билан тугаган, меҳнатни кўмсаб қолган ғолиб жангчиларимиз юртарига қайтдилар.

1 Май кўчаси ҳам ўз қиёфасини йил сайин ўзгартира борди. Энди бу ерда янги қувончли воқеалар тилга тушадиган бўлиб қолди. Трамвай изларидан бири 1 Май кўчасига ётқизилди. Кўҳна «Пишчевик» стадиони ўрнида Сув спорти саройининг ойнавалари биноси қад кўтарди. 1 Май ва Куйбишев кўчалари чорраҳаси бўйлаб 4-Давлат лойиҳа институтининг биноси, бошқа маъмурий бинолар қад кўтарди.

Зилзила дан кейин 1 Май кўчаси мамлакатимизнинг иқтисодий бинокорлари ишлаб чиққан план бўйича қайта қурилади. Айтиш керакики, ҳали 1964 йилдаёқ тошкентлик бинокор Леон Тигранович Адамов бошчилигидаги архитекторлар гуруписи бу кўчани қуриш лойиҳасини тайёрлаган эди. Шаҳарсозлик бобидаги бу фикр РСФСР Архитекторлар союзининг раиси А. Г. Ринагов бошчилигидаги ижодий гурупа томонидан давом эттирилди. 1 Май кўчасини қуриш лойиҳасини ишлаб чиқарган архитекторлар гуруписи Ўзбекистон ССРнинг Ҳамза номидаги Давлат муко-

ШАҲРИМ — ФАҲРИМ

даният министрлиги, шаҳардаги биринчи кенг экранли «Ватан» кинотеатри, республика Марказий телеграфи, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўл-ёзмалар институти каби ҳашаматли бинолар қад кўтарди... Эллигинчи йилларнинг болалари эндигина қад кўтарган телевизион миноралар энг юқори нуқтасига ўрнатилган қизил байроқни томоша қилиш учун шу ерга ошиқар эдилар. Эндиликда, пойтахтимизнинг юбилейи нишонланадиган йилда эса шаҳарда баландлиги уч юз эллик метрдан ошиқроқ янги телевизион минора кўкка бўй қўзиб, шаҳарга, шу жумладан, баландликда ўзидан анча паст бўлган кекса минорараг нигоҳ ташлаб турибди.

1966 йилнинг ёзи. У хотирада узоқ вақт сақланиб қолади. Ўша йили Тошкентга ер ости офати хуруж қилгани учунгина бундай эмас, албатта. У Совет Ўзбекистони поштахтини қайта тиклаш учун бепоён Ватанимизнинг турли бурчакларидан холис ёрдамга келишган минглаб кишиларнинг дўстона учрашувлари тисмонлида эса сақланиб қолади. Ҳамма ерда шорлар осиб қўйилган, баъзан эса ярим хароба биноларнинг деворларига шунчаки бўр билан ёзиб қўйилган сўзлари ўқигансиз: «Янги Қришчаткини бунёд қиламиз», — иевилликлар шундай деб ёзишган бўлса, Дон соҳилларидан келган йигит-қизлар: «Ростовликлар сизлар билан ҳамдардларлар», — деб хитоб қилишган эди. Тошкентликлар эса: «Силкинсақ ҳам иққилмаймиз!» — деб қатийлик кўрсатдилар.

Ҳаёдан ана ўша Навоий проспектига, ўша пайтга қайтамиз. Қувиша қоп-қорайиб кетган йигитлар гишт ташшляпти. Цемент гарди қиймларга ўтиради, кўринмас заррачалар баданга ёпишади, тишларда ёил-қирлайди. Иш оғир, лекин йигитлар хандон уриб қилишади, ҳазил-мўтойба қилишади. Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги жойлашган бино ёнида ишлатётган йигитлардан бири дўстига ҳазилмуоз гап қотаётган:

— Сен ҳавонинг иссиқлигидан бекорга нолияпсан. Бундан бошқа қаерда ҳам шунчалик қорая-

этнография музейи қурилиши мўлжалланган. Бу ерда икки минг йиллик шаҳар тарихи шундоқина кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Қадимий ва лекин ҳамшиша навқирон Тошкентнинг қайси бир кўчаси бўйлаб юрмайлик, у албатта ўзининг фақат тарихи ва ўтмиши ҳақидагина эмас, бугунги шонли куни ва порлоқ келгуси ҳақида ҳам ҳикоя қилиб беради.

Халқлар дўстлиги проспектида машҳур архитекторлар Е. Е. Рузанов, С. Одилов, В. Шестапов, Е. Суханов, Е. Букина, Е. Шумов ва Ф. Турсунов лойиҳаси бўйича қурилган В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройи шаҳримизнинг фаҳри бўлиб қолди. Шу проспектда бунёд этилган машҳур инсонпарвар темирчи Шоаҳмад Шоаҳмадулов ҳайкал-ансамбли эса ўзбек халқининг буюк инсонийлигини улуғловчи ҳақиқат тисмонлиқдир.

«Болалар дунёси» магазини ёнида иккита қайрағоч дарахти бор. Дарахтларнинг ёши ўз йилдан ҳам ортиқроқ. Ҳозирнинг ўзидаёқ улар тўққиз қаватли бинодан ҳам баландроққа бўй қўзган. Бу кекса дарахтлар ўзига ҳос солмома.

Шаҳрим кўчаси бўйлаб борамиз. Теварак-атрофда катта-катта иморатлар қад кўтарган, одамлар оқими тиним билмайди, транспортлар серқатнов. Қайрағочлар эса бундан ўнлаб йиллар олдин қандай бўлса, шундайлигича турибди. 1966 йилдаги зилзиладан сўнг Тошкент марказини қайта қуриш бошланган бир пайтда архитекторлар, қурувчилар янги биноларни бу ажойиб қайрағочларга ҳалақат бермайдиган қилиб қуриш тадбирларини олдиндан кўрдилар. Асрий дарахтлар ёнида қад кўтарган уйлардан бирга «Ц—1 квартал» деган лаъха осиб қўйилган. Қайрағочлар бу ажойиб замонавий уйларга ўзининг 40 метрилик бўйи билан тазим бажо келтириб тургандай, унинг қалин шохлариданги шода-шода баргларнинг шивир-шивири бу дарахтлар гувоҳ бўлган қўпбал тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилаётгандай туюлади кишига.

фотига сазовор бўлди.

Тошкент бош архитектори Собиржон Одилов шундай ҳикоя қилади: «1 Май кўчаси шаҳар марказини ўзига хос тарзда чегараловчи вазифини ўтайди. Шунинг учун ҳам у шаҳарсозлик композицияси бобида жуда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ташқи кўриниши жиҳатидан кўча мукаммал шакл касб этди. Кўча атрофида қурилиш давом этапти. Лекин бугуноқ унинг бўлажак қиёфасини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Шаҳарнинг ўзига хос маданий маркази айна шу жойда бунёд этиляпти. Уч залли кинотеатр қурилиши бошлаб юборилди. Келажакда Туризм уйи, Телевизион радиотеатр, Музикали комедия театри бинолари қад ростляди».

Икки минг йилга кирган қутлуг шаҳримиз Тошкентда икки мингтадан кўпроқ кўча бор. Уларнинг ҳар бири, ҳали айтганимиздек, ўзига ҳос тарих, солнома. Лекин Навоий проспекти ва 1 Май кўчаси шаҳримиз учун ўрни ва салмоғи жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Улардан бири қачонлардир шаҳарнинг эски шаҳар деб номланган қисмида, иккинчиси европача деб аталган қисмида жойлашган. Вақт бу тафовутларга барҳам берди. Бугун Тошкентимизнинг ҳар бир уйи, ҳар бир гишти, ҳар бир дарахти Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлигидан ҳикоя қилади, фақат тинчликсевар, ягона оила бўлиб яшайдиган кишиларгина ана шундай галабаларга эришишга қодир эканлигидан далолат беради.

Шаҳарда социализмнинг маёғи бўлиб порлаб турган жонажон шаҳримиз 2000 йиллиги тантаналари қунардига ўзининг бутун кўрк-жамолини оламга намойиш этмоқда. У бугун Дўстлик, Тинчлик, Бирдамлик шаҳри сифатида ҳаммамиз эътиборини ўзига тортомоқда.

Ҳа, айна шу қувончли дақиқаларда икки миллионли тошкентликнинг ҳар бири: «Шаҳрим — фаҳрим менинг», деб гурурланса арзийди.

Олер ЕҚУБОВ



Тошпўлат А Х М Е Д О В

Шаффоф дала — менинг бағрим,
 Дарахлари ям-яшилдир.
 Майсалари заррин-заррин,
 Гиёҳи ҳам минг бир хилдир.
 Кўкка туташ чинорлари,
 Гул ҳиди бор ирмоғида.
 Қўшиқ куйлар анҳорлари,
 Бугдой ҳиди тупроғида.
 Шабодаси майин-майин,
 Юлдузlidir соф осмон.
 Тунлари ҳам бахмалдайин,
 Жилвагардир бог-бўстони.
 Баҳорининг баҳоси йўқ,
 Қуёши пок — мисли ҳаёл.
 Ез-кузининг қиёси йўқ,
 Мевасидан томади бол.
 Сен қишлардан қўрқма, санам,
 Қор-қирови — кўнгил оқи,
 Кел, муштоқдир сенга далам —
 Осмонида Ойдай балқи...
 Менинг бағрим — шаффоф дала...

Оқшом шамоллардан тинглаб ҳикоя,
 Шаҳрим осмонига боқсам бир маҳал.
 Ўт олиб кетгандай само саҳнини,
 Саноқсиз мушаклар ёндилар ял-ял.

Ажиб завқу шавқ бу — бехатар ўйин,
 Басма-бас ёғилар қутлов юракдан.
 Одамлар ишончи, иқрори тайин —
 Ёнғин чиққан эмас ҳали мушақдан.

Менга бу аёндир, лекин шу асно
 Нечундир эсладим ҳалимпаз чолни.
 Ки оддий хунарманд, ғариб, бенаво,
 Минг йил бурун ўтган бир беиқболни.

Бир оқшом ҳалимпаз ўчоқ кул
 Солмиш томидаги ўйдим-чуқурга.
 Ерабким, унда чўғ борлиги буткул
 Келмабди бечора чол шуурига.

Шамол томошабин эмасдир шаксиз,
 Чўғни элтиб урмиш қанишли томга.
 Олов, олов ахир, сўнарми беиз,
 Ловуллаб ўт кетмиш туташ ҳаммомга.

Ёнмиш мадрасалар, тимлар, равоқлар.
 Машхур масжиди Моҳ кул бўлмиш бутун.
 Расталар, бозорлар, хуллас, гулбоғлар
 Устида чарх урмиш қоп-қора тутун...

Эй, қадим Машриққа дарвозаи шан,
 Етти иқлимга ҳам сайқал Бухоро.
 Бир лоқайд ҳалимпаз чимдим чўғидан
 Бўлгансан жизғинак ва мотамсаро!

Олис ўтмишинг-ла юзма-юз туриб,
 Асрлар дардини тингларканман лол.
 Гоҳида ҳокингда ҳовуч кул кўриб,
 Сенга истиқболдан сўрайман иқбол.

Эҳтиёт бўлмасак заминга ҳар кун,
 Этмасак лоқайддан уни ҳимоя.
 Бу рангин оламнинг ёнмоғи учун,
 Баъзан эҳтиётсиз бир чўғ кифоя...

Маҳоки Атторнинг ёнида шундоқ,
 Уч газми, тўрт газми, хуллас, чуқурда
 Қўлда чўкич билан ёш археолог
 Тупроқ ағдарарди ажиб шуурда.
 Бир киши чайқалиб:

— Ҳо-ой, бола,— деди,—

Нима излаяпсан? Олтинми, кумуш?
 Кейин масхаралаб тиржайди, кулди:—
 Олтин деб, кумуш деб йўқотмагин ҳуш!..
 Археолог кулди:

— Олтин демасман

Ва сиздек юрмасман тентираб, бўзлаб,
 Билсанғиз, асрлар шамоли кўмган,
 Ўтмиш сирларини топаман излаб...

1937 йил, май-июнь ойида Бухорога ўт тушиб, бу-
 тун шаҳарни қоплаган. Ўт оддий ҳалимпазнинг дў-
 конидан бошланган.



Қадимий ва навқирон Урганч шаҳри.

ҲАМЮРТЛАР ЭЪЗОЗИДА



Врач-ҳайкалтарош Рўзимат Ражабов аллома Ал-Хоразмий юбилейи муносабати билан унинг сиймосини яратди.

Урганч Давлат педагогика институтининг доценти Халил Сиддиқов улуг юртдошн ҳақида китоб ёзди.

Қ. Отаев фотолари
(ЎзТАГ фотохроникаси)



МУҲАББАТ

ҚИССАДАН ПАРЧА



НОНУШТАДА ҳам жимгина ўтирдик. Уччаламиз ҳам ўз хаёлларимиз билангина гаплашардик.

— Аъзоларингдан хабар олмақчимидинг!— деди Солия холам келгуси йил ҳосилига экин ҳозирлаётган қизларимизни эслаб.— Бугун қайси қишлоқда бўласан?

— Ҳаммасига бир-бир ўтаман,— деб ўрнимдан кўзгалдим. Уша топда эшикдан лопиллаб Моҳира кириб келди. Унинг пойи қадами билан уйдан гам қочгандай бўлди. Қизнинг келиши гўё хурсандчилик дарағидай бўлиб туюлди. Солия холам билан Ниёзмат бувадан кўнгили сўраб, Абдурахим иккалалари икки марта келиб кетишган эди. Моҳирага раҳм солдим. Илгаригидан тўлиқибди, чиройи яна ҳам очилди. Унинг кўзлари ҳамма қизлариникидан бошқачароқ эди. Ловуллаб, бегубор бир тўйғу ёғилиб турарди. Ҳомилалароғ уйга шайди. Унга қараб, негадир урушдан бурунги хотиржам кунлар эсимга тушди.

— Бизнинг хўжайин ҳам кетаяптилар,— деди у ҳол-аҳвол сўрашиб бўлиб.— эрта-индин кузатамиз.

— Қаёққа?

— Фарҳод қурилишига,— деди Моҳира аллақандай ички ғурур билан,— ўзлари ариза бердилар.

«Фарҳодга Фарҳоднинг ўзи ёлғиз борадими? Ширин-чи!» деб Моҳирани эркалагим келди-ю индамадим. Моҳира муҳим гап айтмоқچидай менга бир-икки кўз югуртирди.

— Сени олиб кетаман,— деди гапни бошқа ёққа буриб,— бу киши келгунча мен билан турасан!

— Ундай деб қўриқманг, қизим,— деди Солия холам, худди мени ҳозир олиб кетиб қоладигандай энгимдан ушлаб,— энди биз Муҳаббатойсиз яшолмаймиз!

— Иختиёр сизларда,— дедим кампирнинг жонига оро кириб, Моҳира бу ҳақда бошқа гапирмади. «Майли, ўзим келиб тураман», деб ўрнимдан турди. Уни кузатиб, эшикка чиққанимда сўради:

— Йўлчи аканинг данғаралик ўртоғини биласанми?

— Ҳа,— дедим ташвишланиб,— исми Мелиқўзи. Нима бўлибди?

— Уша йигит келибди.

— Қачон?

— Билмадим,— деди Моҳира. «Бу ёғини эшит» дегандай тўхтаб олиб,— бизнинг хўжайин унинг поччаси билан таниш эканлар.

— Бизга оқжўхори бериб, қанча одамларимизни ўлимдан сақлаб қолган Мамарайим ота ўша киши-да!

— Ие, айтувдинг. Ушаминг!

— Ҳа!

— Хўжайини билан ўша оқсоқол учрашиб қолишибди. У сени сўрабди. Кейин Мелиқўзи аканинг урушдан қайтиб, ўз қишлоғида туролмай шарҳда ишлаб, шаҳарда яшаётганини айтибди.

— Нега ўз қишлоғида туролмайди?

— Унг оёғини ўқ олиб, қўлтиқта ёқда келгани учун унаштириб қўйилган қайлиги ундан айниб қолибди.

— Вой, ноинсоф-ей!

— Кўп ўтмай ўша ўлгур хотини ундан ажраб, ёши улғу одамга тегиб кетипти. «Муҳаббат, бу— худди ўчоқда гуриллаб ёнаётган олов, ўнга ўтин қалаб турмасанг ўчади-қолади» деганлари тўғримикин? Икки йиллик хижрон уни совутиб қўйганмикин? Бўлмаса, тирик келганининг ўзи бахт-ку?!

— Урушда қон кечганининг ўзи Мелуқўзи аканинг муҳаббат оловиға ўтин қалаб тургани эмасми?

— У қизлар номига иснод келтирибди.

— Вой, нонкўр-ей, яшашни фақат ўйин-кулги деб ўйларкан-да,— ёғинганимдан тилимга маънилик сўз келмасди.— Кўёвнинг Мелиқўзи аканинг ўзини ҳам қўриқтимми?

— Йўк,— деди Моҳира,— хўжайин: «Мелиқўзи Йўлчибойнинг дўсти бўлади. Агар Муҳаббатой кўнса, учаламиз уни йўқлаб борамиз», дедилар.

— Майли, бораман!— дедим. Моҳирани кузатиб келиб, Мелиқўзи ака воқеасини Ниёзмат бува билан Солия холамга айтиб бердим. Улар ҳам қизни бетавфиқликда айблашди:

— Муҳаббатсиз яшаш— бахти қаролик,— деди Ниёзмат бува худди ўзига-ўзи гапирётгандай секин.— Уни қадрлашга, унга эришишга ирода керак, отнинг калласидай юрак

керак. Муҳаббатли бўлиш, қизим, бу— мардлик, покизалик, кўнгилинг гудай тозалиги! Ҳамма ҳам шундай эмас-да! Ана шу хислатлар ўша қизда бўлганда ҳали битта оёғи экан-ку, иккала кўзидан айрилганда ҳам аҳдидан қайтмасди.

— Отажон, жуда ҳам яхшисиз-да, қизларингиз бўлганимдан қандаям бахтлиман,— дедим улар билан фахрланиб.— Бувижон, отажон, мен сизларни севаман!

— Биз ҳам!

Урнимдан туриб, иккалаларини ҳам бир-бир ўпдим. Тезроқ қайтишимни айтиб, кўчага чиқдим. Кўча, дарактлар, томлар, бутун борлиқ,— оппоқ-оппоқ, кўчанинг четидан ўтган ариқнинг ўрни кўринмайди. Йўл ўртаси эса қадам изларидан худди ариққа ўхшаб қолган. Кеча шомдан ёға бошлаган қор ҳали ҳам тинмаляпти. Йўл-йўлақай одамлар билан сапомлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, кўнглимнинг ич-ичидаги чигаллар ёзилгандай бўлди. Боғироҳатдан энди чиқайганимда қорни гарч-ғурч босиб келаётган қадам овозини эшитиб, орқамга қайрилдим. Кимдир телпақни бостириб кийиб, катта-катта қадам ташлаб келяпти. У бошини кўтарганида танидим. Шоқир. У менинг қараганимни «кутапти» деб ўйладими,

яна қадамини тезлатди. Олдинга қоқиниб-суриниб интиланганига қарамай, у кўз очиб-юмгунча етиб келди. Худди уни кўрмагандай, қадамларининг товушини эшитмагандай борардим. У йўталди. Қарамадим. У ҳарсиллаган овоз билан чақирди.

— Муҳаббатхон!

Эшитмаганга олдим. Енгимдан омонатгина ушлади, қўлини силтаб юбориб, йўлимда давом этдим.

— Жавобингизни кутиб, ҳали ҳам уйланмай юрибман,— деди ёнимга ўтиб.— Тўхтаган!

— Хўш!— деб унга шиддат билан ўғирлиб қарадим у сесаниб кетдим. Бунча очкўз, бунча сур бўлмаса унинг нигоҳи. Худди қўзичоққа яқинлашган оч бўрининг кўзини эслатади. Мени ўзига ром қилмоқчи бўлиб, киприк қоқмай тиккилган нигоҳи кўзимга худди найзадай қадалаётганини, у билан оддийгина ҳамқишлоқ сифатида ҳам гаплашиб бўлмаслигини, наҳотки, ўзи сезмасал! У ана ҳалиги гапини қайтарди.

— Қанақа гап юқмас одамсиз?!— дедим унга қарамасдан йўлимда давом этиб,— нима қиласиз ўзингизни ўзингиз хор қилиб!

— Сизни деб дадамни уриб, соқолини олиб олдим,— деди худди гапимни эшитмагандай сурбетлик билан.

— Нега мени деб урасиз?

— Сизни хафа қилган экан?

— Ким айтди?

— Ҳа.

— Шунга урдингизми?

— Сизга уйланмайсан деганига газъирини бердим. Сизни ёмон кўради. Шунинг учун.

— Мен дадангизни эмас, сизни ёмон кўраман, билдингизми, сизни?

— Сиз ҳали ҳам ўша Йўлчининг кутяписми?!— деди у яна сўзларини эшитмагандай.— У тамом бўлган одам! У дардисарни бошингизга урсизми?

— Ким тамом бўлган, ким дардисар?!— унга ғазаб тўла кўзларини тикдим. Унинг бамайхотир тикилиб туришидан тиззаларим қалтираб, кўзларим тиниб, бошим айлангандай бўлди. У нимага шазма қилляпти? Нима демокчи?..

Хушимни йиғиб, худди қопонғич итдан қочаётгандай югурдим. У орқамдан лўкиллаб келарди.

— Ҳали аттанг дейсиз, мендан бошқа оёқ-қўли бутун йигитни топиб бўлсиз,— деди у валдираб.— Йўлчингизнинг аҳволини аввал описадан сўранг. Ундан ҳатто опасининг ўзи кечиб юборди. Сизга нима уни кутиб?

Барбир қулқоқ солмадим. Нима гаплагини сурштириб ўтирмадим. Райҳонбулоққа кирайганимда у орқеда қолиб кетди. Бутун вужудим ҳувилларди, қалбимнинг ич-ичи ҳувилларди. Вужудим, назаримда бўшлиқдан иборат эди. У нима билан тугади, уни нима тўлдиради? Насиба Олимовани уйдан тополмай идога келдим. Насиба Олимовна кабинетида экан. Эшикни очибоқ, саломлашишни ҳам унутиб, йиғлағудай аҳволда сўрадим:

— Нега яширдигиз? Нега айтмадингиз?

— Кимдан эшитдингиз?!— урнимдан туриб, мени қучқолади.



А. ХОЛИҚОВ чизган расм

УНУТИЛМАС ХОТИРАЛАР

В. П. ШЧЕГЛОВ,

УзССР Фанлар академиясининг академиги



Иброҳим Мўминов билан 1956 йили, УзССР Фанлар академиясига вице-президент этиб сайланганда танишган эдим. У вақтлар мен Тошкент Астрономик обсерваториясининг директори бўлиб ишлардим. Шу босидан фаолиятим физика-математика фанлари билан узвий боғлиқ бўлсада, биринчи навбатда — Урта Осиё фанлари тарихига яқинлигимиз туфайли мулоқотимиз дўстона тус олди. Иброҳим Мўминовични айниқса

Беруний ва Улугбек даврларидаги фан тараққиёти (астрономия ва математика) ниҳоятда қизиқтирарди. Шунинг учун ҳам у табиий фанлар вакиллари шу масалаларни тадқиқ қилишга даъват этарди. У киши билан бир неча бор Улугбек расадхонаси ҳақида суҳбатлашдик. Улкан ва билимдон олим сифатида Иброҳим Мўминов расадхонани қайта тиклаш ва уни таъмирлашни айни муддао деб биларди.

«Билим» жамиятидаги ташвиқот ишларимизда ҳам бир-биримизга кўмакдош эдик. У «Билим» жамиятига жуда кўп куч ва ғайрат сарф қилар, жамиятнинг съездлари ва правление йиғилишларини катта тайёргарлик билан ўтказарди. Шунингдек, область ва районларга олимларнинг сафарларини тез-тез ташкил қилар, ўзи ҳам бу ишларда иштирок этар эди. У киши билан бир неча марта сафарларда бирга бўлдик. Ана шундай пайтларда улкан олимнинг сермазмун, мантқий кучи жиҳатидан таъсирчан маърузалари тинловчиларда катта қизиқиш уйғотганига кўп марта гувоҳ бўлганман. Иброҳим Мўминовичнинг ташвиқотчи сифатидаги обрўси фақат Узбекистонда эмас, ундан ташқарида ҳам юксак эди. Олим «Билим» жамиятининг Бутуниттифон съездларида ва правление йиғилишларида мунтазам қатнашарди.

Иброҳим Мўминович билан Узбек Совет Энциклопедияси бош редакциясида бирга ишлаш шарафига ҳам муассар бўлганман. Унинг яна бир ажойиб фазилати шунда эдики, республикамиз маданият ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши лозим бўлган мазкур тарихий нашрни тайёрлаш жараёнига иложи борича олимларни кўпроқ жалб этишга интиларди. У бош муҳаррир сифатида қомус сўзликларини тузишда бевосита иштирок этар, жуда кўп мақолаларни шахсан ўзи ўқиб чиқар, тайёрланган материалларни албатта ҳайат аъзо-

лари, олимлар коллективи муҳокамасидан ўтказар эди. Табиийки, бундай муҳокамаларда кўпгина танқидий фикрлар ҳам билдирилар эди. Шунинг ҳам қайд қилиш керакки, Иброҳим Мўминовичнинг мурувватли танқиди ишни такомиллаштиришга йўналтирилар ва ҳеч вақт танқид қилувчининг иззат-нафсига тегмас эди.

Ўзбекистон фан тарихчилари жамиятига раис бўлган кезларда Иброҳим Мўминов Шарқ ва Ғарб олимларининг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб академиянинг сессия ва мажлисларини ўтказишда ҳам алоҳида ташаббус кўрсатарди. Чунончи, 1973 йилда Тошкентда ҳозирги замон табиатшунослик фанининг асосчиси Николай Коперникнинг юбилейи ана шундай қизғин тайёргарлик билан кенг нишонланди. Уша йилнинг май ойида Иброҳим Мўминович Москвада бўлиб ўтган ва Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллигига бағишланган тарих, фалсафа, табиатшунослик ва техника бўйича Совет илмий комитетининг кўшма йиғилишида қатнашиб, «Беруний даври ва унинг жамиятга қараши» мавзуда доклади қилди.

Иброҳим Мўминовични уяқиндан билишим Академиямиз унинг тимсолида ҳар тарафлама билимли, етук олимга эга эди, деб айта олишимга тўла асос бўлади.

Хушфезллик ва инсоний савоҳат унинг ёрқин инсоний хислатлари эди.

— Мендан яшириш керакмиди, опажон, ахир Йўлчи акамдан бошқа кимим бор?— дедим кўларимдан дув-дув ёш тўкилиб.— У ҳаётми? Айтинг, опажон, у ҳаётми?

— Гапни очган ўша бағритош ҳаммасини айтмадимми?
— Йўқ!

— Бу хабарнинг келганига бир ойдан ошиб қолди,— деди у ҳам йиғлаб.— Район ҳарбий комиссариатидан кишлоқ Советига одам келиб, Йўлчибойнинг қариндош-уруғи борми-йўқлигини сўрабди. Уни менга учратишди. Воронеждаги жангда учинчи даражали, бир ойдан кейин иккинчи даражали «Шухрат» ордени билан тақдирланган Йўлчибой бомбардирон вақтида икки оғбидан ажрапти.

— Икки оғбидан, дейсизми? Узи тирикми?

— Тирик,— деди Насиба Олимовна, бир-икки ютиниб олиб.— У даволанаётганда душман қуршоида қолган госпиталга ўқ ёлғири ёғилибди. Ҳар иккала тўмтоқ сонларининг яраси битмаган Йўлчибой госпиталини химоя қилишда қатнашиб, ярадорларни, докторларни, ҳамшираларни сақлаб қолишда қаҳрамонлик кўрсатибди.

— Узи тирик қолибдими?

— Ҳа, олло...

— Нима, аммо?— Насиба Олимовна гапни давом эттира олмаганидан кўрқиб кетдим.

— Аммо,— дедию яна йиғлаб юборди.— Айтилмайман, Муҳаббат, сўраманг, айтолмайман.

— Нимани?

Насиба Олимовна бироз жим тургач, ўзини тўтиб олиб, кўзимга си-

новчан тикилганича аста сўз бошлади:

— Тақдирга тан бермасдан иложимиз йўқ. Ахир бу уруш-ку. Энди айтилмасам бўлмайди, Йўлчибой чап қўлидан ҳам жудо бўлибди.

— Йўқ, опажон, йўқ, тақдирнинг яна нима ўчи бор экан ундай?!
Насиба Олимовнага ёпишиб, бошимни унинг елкасига қўйиб, тебраниб-тебраниб йиғладим.

— Йўлчи ака! Бошингизга қандай кунлар тушди, Йўлчи ака! Нега менга хат ёзмадингиз? Нега бу мусибатни мендан яширдигиз!

— Йўлчибойнинг феъллини билман. У шундай аҳволда бу ерга сира-сира келмайди.

— Нега?

— Айниқса сиз билан учрашимиз, Сизнинг йўлгингизни тўсишни истамайди.

— Қанақа йўлгини?

— Энди у ўзини сизга муносиб кўролмайди!

— Нега ундай дейсиз? Менга нима қилибди, менинг гуноҳим нима? — У ноғирон-ку!

— Қандай тилингиз борди шундай дегани?— кўлларимни Насиба Олимовнадан тортиб олдим. Унинг кўзларига тикилдим.— Ҳарбий комиссариатдан келган одам нима деди? Сиз нима дедингиз?

— Улар айтишдики, жиянингиз: «Ҳеч кимим йўқ, шу ерда қолавераман», депти. Мана, сиз бор экансиз. Уни олиб келайликми, дейишганда ўйлашиб-ўйлашиб: ўзининг райига қаранглар, дедим. Бошқа ҳеч нима дейишмади. Буни ҳеч кимга билдирмаслигини сўраган эдим.

— Насиба Олимовна, наҳотки,

сиз шунчалар шафқатсиз бўлсангиз...

Нималарни гапирайганимни ўзим билмасдим. Дил-дилимини тўлдириб турган нурни йўқотгандай, дунёдаги ишонган бисотим чил-чил сингандай, ҳаммиша авайлаб юрган бойлигимдан бирданга айрилгандай турардим. У билан гаплашадиган гапим қолмаган эди. Насиба Олимовна дилимдагини сезгандай: «Сиз ҳақсиз» деди-ю гапиролмай қолди. У коридорда эшитилган оёқ товушдан ҳушёр тортиб, зичкин қия очди. Мелибой ота Абдуллаев билан Абдунаби Абдураулов экан.

— Фронтовик қизимга нима бўлди?— деб сўради Мелибой ота Насиба Олимовнага юзланиб. У Йўлчи акам воқеасини айтиб берди.

— Муҳаббатот кими бўлади?

Мелибой ота саволига жавоб қутиб, дам менга, дам Насиба Олимовнага қарарди. Насиба Олимовна менинг олимда бирор нима деблмай, иккиланганича туриб қолди.

— Мен уни олиб келаман!— дедим Мелибой отанинг саволига жавоб бергандай. Урнимдан туриб, куз ёшларимни артдим. Насиба Олимовнадан Йўлчи акамнинг адресини сўрадим.

— Тушундим, қизим, тушундим, деди Мелибой ота.— Қани, ҳамма қизлар сендақа бўлса! Муҳаббат ҳамма нарсага енгади. Урушда қўлимизнинг баланд кела бошлагани ҳам ана шу муҳаббат туфайли. Севги, бу — ҳаёт. Севги — бу ҳаётнинг давом этиши! Севги ҳар кимга ҳам нисбат этавермайдиган бахт! Чин инсон ҳаммиша ундан мадад олади, инсон вужудини ҳаммиша сеvgи мусадффо этади. Сени шундай қўтлуг бахт ар-

доқлабди, қизим. Хайрият, қаллиғинг тирик экан, уни изла! Агар борадинг бўлсанг, сенга ҳарбий комиссариатдан сўраб, одам қўшиб бераман.

— Раҳмат, ота!— дедим Мелибой отанинг кўзларига миннатдорчилик билан бокдим, унинг елкасига осилиб йиғлашдан ўзимни эрган тийдим. У менинг қалбимни сўзлар, мен айтмоқчи бўлган гапларни айтар эди.

Кўчада худди беҳушдай борардим. Райҳонбулоқ кўнглимдай жим-жит эди. Йўлда ҳеч ким кўрим-жизам. Аммо бутун вужудимнинг ҳувиллаши, қалбимнинг ич-ичидаги ҳалиги бўлишқ энди йўқ эди. Қадамларим дадил эди. Қор ҳамон майда-майда ёғяпти. Борлиқ оққа бурканиб, кеч қира бошлагани ҳам сезилмайди. Кўнглини ёритувчи, киши руҳини қўтарувчи ҳидга тўла дала ҳавосидан ҳушим йиғилгандай бўлди. «Далалар, эй она далаларини! Йўлчи акам ҳаёт, у ҳамма ўлимларни енгди!— дейман ичимда ҳайқириб.— У келадди!...

Йўлчи акам киприқларим билан кўзларим орасида тургандай бўлади. Уни хаёлан гапта тутаман:

— Нега ҳеч кимим йўқ дедингиз? — Энди илгариги Йўлчи эмасман!

— Йўқ, ҳаммиша ўша Йўлчи акам-сиз!

— Ҳеч кимга юк бўлишни истамайман!

— Сиз юк эмас, сиз менинг ҳаётим, сиз менинг умримсиз!

— Оёқсиз, бир кўли йўқ одам кимга керак!

— Менга!

— Йўқ!

— Ахир сиз ким учун шундай кунга қолдингиз?

— Бу фарзандлик бурчим эди...

САХОВАТЛИ ҚАЛБ ЭГАСИ

Асад НУРУЛЛАЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Ийрик совет олими Иброҳим Мўминов кўп қирралли ижод соҳибиди. У философ, тарихчи, шарқшунос, жамоат арбоби сифатида фанимизда ва ижтимоий ҳаётимизда чуқур из қолдирди.

Қамина 1963—1966 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми аппаратида илмий котиб сифатида устоз билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлгандик. Иброҳим Мўминов ўзи билан бирга ишлаган кишиларга нисбатан ҳам талаб-

чан, ҳам ғамхўр эди. Унинг ҳузурига кирган киши, албатта, хурсанд бўлиб чиқарди. Ҳар қандай мушкул масалани ҳам у киши мулоҳаза ва вақтинчалик билан ҳал қиларди. У кишининг одамлар билан муомаласида юксак маданиятлик, инсонийлик ва ҳаққонийлик сезилиб турарди.

Устознинг инсоний фазилатларидан бири — софдиллик эди. У нопок кишиларни асло ёқтирмади. Мабо-до, бирор кимшида ноҳақ ҳаракат сезса, дарҳол уни ҳузурига чақириб,

албатта, уни софдил бўлишга ундар, танбеҳ беради, уни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилар эди.

Иброҳим Мўминов ўзи тартиб-интизомга қатъий риоя қилган ҳолда бошқалардан ҳам шунини талаб қиларди. Умрининг охиригача у шу принципга содиқ қолди.

Юқорда айтганимдек, Иброҳим Мўминов ўз шоғирдларига гоёт ғамхўр ва меҳрибон эди. Шогирдсиз олим — бамисоли мевасиз даратх, деб таъкидларди устоз. Олимнинг умри унинг асарлари ва шоғирдлари билан ўлчанишидан шоғирдларига қайта-қайта ўқитирарди. Ўзи ҳам бутун ҳаёти давомида шунга амал қилди. Фаннинг у ёки бу масалаларига бағишланган мунозара ва баҳсларда

Иброҳим Мўминов шохлини ҳулосалар чиқарганларга хом-хатала фикирлари учун жиддий эътироз билдирар, муайян масалани мантиқан асослаб беради.

Устоз мақтанчоқлики мутлақо хуш кўрмас, ўзи ҳам ҳеч қачон хизматларини пеш қилмас эди.

Иброҳим Мўминов ёши анчага борган бўлса-да, тинмай ўқирди, бошқаларни ҳам шунга даъват этар эди. «Бир кун ўқиб ўрганмансан, ҳаётдан орқада қолсан», деб ўқити-раётди у.

Меҳрибон устоз, саховатли қалб эгаси бўлган Иброҳим Мўминов соф инсон сифатида коммунистик ахлоқ принципларига риоя қилишда бошқаларга ибрат, намуна эди.

УСТОЗ ЮРТИДА

Шофрон. 38-Иброҳим Мўминов номли ўрта мактаб. Иброҳим Мўминов номли колхоз. Булар — ҳаётларнинг устозга бўлган чексиз эҳтиромининг рамзи.

Сарғиш ғиштин бинодан тикланган Иброҳим Мўминов номлидаги мактаб биносининг асосий корпуси пештоқиқа битилган лавҳа кишининг эътиборини ўзига тортади: «Инсон — ўз тарихининг ижодкори. Иброҳим Мўминов». Уша заҳоти қалббингизни аллақандай илқ туйғу ва масъулият ҳисси чулғаб олади. Шу ҳиссиёт ҳарорати билан алломанинг мактабдаги музей залларини ҳажжон билан томоша қиласиз. Музейдаги экспонатларда, ундаги ҳужжатларда ва безакларда атоқли олим ёрқин ҳаётининг турли саҳифалари ўз ифодасини топади.

Суратларга кўз югуртирамиз. 1968 йил. Сентябрь. Олтиш йиллик юбилей куннда шоғирдлари даврасида. Таниш ҳечралар...

Ҳа, олим ўзи чунгина яшаб, ижод қилмади. У қирқ беш йиллик самарали илмий фаолиятини ўзбек фани ва маданиятини ривожлантиришга, Ўзбекистонда марксистик ғояларнинг илмий тантанасига бағишлади.

Академик И. М. Мўминов тадқиқотларида энг марказий ўринларни буюк В. И. Лениннинг марксизмни ривожлантиришга қўшган оламшумул хизматини ҳамда ленинча философию меросини ўрганиш эгаллади. Шу жиҳатдан унинг «Улғу В. И. Лениннинг марксистик философияни ривожлантиришдаги роли» (1970), «В. И. Лениннинг философию меросини ўрганиш бўйича очерклар» (1972), «В. И. Лениннинг философию меросини чуқур ўрганиш учун» (1973) номли асарлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Олимнинг ўрта Осиёда ижтимоий-философию тафаккур тарихини ўрганишдаги хизматлари ҳам беқиёсдир. Унинг 1966 йилда Москвада chop этилган «Урта Осиёнинг машҳур мутафаккирлари» асаридан Ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Бериуний, Мирзо Бедил сингари Шарқ мутафаккирларининг илмий-назарий қарашлари чуқур таҳлил қилинади, уларнинг ижтимоий-философию ғояларини ривожлантиришдаги хизматлари марксистик методология принципларига кўра ҳаққоний баҳоланади. Иброҳим Мўминовнинг Абу Райҳон Бериуний фаолияти таққинига бағишланган «Хоразмлик улғу энциклопедист» асари ҳатто чет элларда ҳам катта қизиқиш уяғотди. Бу асарнинг рус, инглиз ва француз тилларига таржима қилиниши ҳам ана шундан далолат беради.

Академик И. М. Мўминов тўрт томлик «Ўзбекистон ССР тарихи», икки томлик «Самарқанд тарихи», «Ўзбекистон ишчилар синфининг тарихи» каби муҳим ва ийрик наشرларнинг ташаббускори ва фаол муаллифларидан бири сифатида республикамизда ижтимоий фанларнинг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди.

Шунингдек, у илмий фаолияти давомида юздан ортиқ фан кандидатиди, йигирмадан кўп фан доктори етиштирди. У йигирма йил Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти лавозимига ишлаб, республикамизда фан тараққиётини ривожлантиришга, ўнлаб янги илмий муассасалар ва фан тармоқларининг вужудга келишига жонқурлик қилди. У халқи учун яшаб, халқига хизмат қилди. Умрининг охиригача фаол ишлаб, партиямиз ишига, коммунистик бурчига содиқ қолди. Музей залларига қўйилган фактик ва безакли ҳужжатлар ана шунлар ҳақида ҳикоя қилади.

Музейдаги «Мўминовлар сулоласи» бўлими айниқса қизиқарли. Тезгузарлик одадий деҳқон Абдумўмин Файзуллоевнинг тўрт ўғли бўлган: Абдумалик Мўминов, Арабали Мўминов, Мусо Мўминов ва Иброҳим Мўминов... Утмишда Мўминовлар оиласидек серферзанд оилалар кўп бўлган. Лекин хурофот ва ҳақсизлик, миллий тенгсизлик асосига қурил-

ган қора ўтмишда оилавий сулола-сулола олимлар, маориф-маданият соҳиблари етишиб чиқшини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Совет замонасида камол топаган тезгузарлик Мўминовлар сулоласининг эса, фан ва маданиятимиз тараққиётида ўз ўрни, ўз салмоғи бор. Иброҳим Мўминовнинг катта оғалари — Абдумалик ташкилотчи савдо ходими, Арабали Мўминов эса Совет ҳокимиятининг фаол ва содиқ раҳбар кадрларидан эди. Мусо ва Иброҳим Мўминовлар эса фан йўлини танладилар. Қишлоқ деҳқонининг фарзандлари фанда — бири профессор, иккинчиси академик деган юксак илмий мартабага эришдилар. Уларнинг ҳар бири ёшлардан ўнлаб, юзлаб муносиб шоғирдлар етиштирди.

Мўминовларнинг фарзандлари ҳам оталари изидан бордилар. Уларнинг ҳар бири бугун эл назарига тушган етук олим. Иброҳим Мўминовнинг катта ўғли Акрамжон медицина фанлари доктори, профессор, ТошМИ проректору, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби. Уртанчиси Мухтор химик, кимё фанлари кандидати. Кенжаси Актамжон химия фанлари доктори. Ҳар иккаласи ҳам Ядро физикаси илмий-тадқиқот институтида янги илмий изланишлар билан билан. Арабали Мўминовнинг ўғли Вафо Мўминов эса физика-математика фанлари доктори, профессор, Бухоро Давлат педагогика институтига ректорлик қилмоқда.

Диримиздаги истаган олий ўқув юртига бориб, зингини осангиз рўпарангиздан Мўминовларнинг шоғирди чиқади. Бу — мулоҳаза эмас, одадий ҳақиқат. Музей залларига алоҳида дид билан қўйилган ҳужжатлар, сарҳисоб қилинган рақамлар ана шундан ғовҳлик беради. Буни музейни томоша қилган меҳмонлар унинг қизил жидли катта «Мулоҳазалар дафтарид» ҳам мемуният билан қайд эттиган: «Иброҳим Мўминовнинг номи меннинг учун азиз ва қимматлидир. У киши биз 1939—1941 йилларда Самарқандда — Ўзбек Давлат университетига ўқиб юрган кезларимизда фалсафадан дарс берганлар. Бу табаррук зотнинг ёрқин ҳаёти, мазмуни умри ёш авлодимиз учун ҳамиса ибрат намунасидаир. Шароф Рашидов. 1979 йил, 10 май».

Академик Иброҳим Мўминовнинг биринчи ўқитувчиси, 84 яшар Обид ота Ҳамидов ва устозинг тенгдош амакиси Мамат ота Баҳромовнинг мароқли ҳикоялари аллома ҳақидаги тасаввуримизни тўлдирди.

— Бухоро Советлар кўлига ўтиб, шу замон бошланган кезлар эди, — дея ўтмиш хотираларини эслади Обид ота. — Шаҳарга муаллимлар тайёрлаш учун жойлардан ёшлар тақлим қилинди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Ушанда 21 ёшда эдим. Машгулотлар амрининг қизилар қўлига ўтган ҳоваларидан бирида ўтказиларди... Муаллимлар тайёрлаш курсини тामолаб, Шофронига қайтдим. Бу ерда маҳаллий партия ва Совет ташкилотларининг кумағи билан биринчи совет мактабини ташкил этдик. Лекин мактабга қишлоқлардан болаларни тортиш оғир кўчди. Аммо Тезгузар қишлоғида истиқомат қилувчи Мўминовлар мактабга уюшиб келдилар. Уларнинг орасида айниқса Иброҳим ўқишга иштиёқи, қизиқувчанлиги билан акралиб турарди. 75 нафар болани уч гуруҳга ажратиб ўқитардик. Биз уларга соғлиқни сақлаш, тўртмал каби фанлардан сабоқ берадик. Зеҳни ўткир Иброҳим Мўминов қисқа вақтда ўқини, ёзшини ўрганиб олди. Уша йилларда кишиларда Шўро ҳукуматида ишонч ва иқлос уяғотиш учун кеча-кундуз хонадонма-хонадон юриб ташвиқот ишлари ҳам олиб борардик. Бундай муҳим жамоат ишида биз муаллимлар билан бирга Иброҳим Мўминовга ўхшаган пешқадам талабаларимиз ҳам қатнашардик.

— Биз Иброҳим Мўминов билан болаликдан чанг кечиб катта бўлганимиз, — деди устозинг амакиси Мамат Баҳромов. — Ўн бир-ўн икки ёшларда эдик. Иброҳим билан Тезгузар қишлоғимизнинг эта-

гидаги кенг сайхонликда ўзимизнинг қўй-эчкиларимизни ҳайдаб боқардик... Кейинчалик биз, йигирма-бешинчи-йигирма олтинчи йиллар бўлса керак, Бухорога ўқишга бордик. Назаримда муаллимлик ўқини эди. Очғини айтсам, мен ўзимнинг кунтсизлигим сабабли ўқидан қолиб кетдим. Иброҳим эса фақат дарсин, китобни биларди, бошини ҳеч китобдан кўтармасди. Мана шу бонсдан ҳам у киши кўп академик бўлиб кетдилар.

Сўхбатимизга Иброҳим Мўминов номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Жумаев қўшилди:

— Мана сизлар ҳам мўтабар устоз Иброҳим Мўминовнинг юрти, ҳамқишлоқлари билан қизиқиб келибсизлар. У киши доим ишининг пишиқ-пурта, кўнглига ёқадиган қилиб бажарилишини истарди. Биз у кишининг воирслари сифатида ўғитларига амал қилиш ҳаракатидамиз. Устознинг номи билан аталган колхозимизда ҳозир қарийб олти минг хонадон яшаяпти. Ишлаб чиқариш устаксаларининг ҳаммасини серғайрат, удаббурон мутахассислар бошқараяпти.

Колхоз раиси ўз сўзининг сўнгида даврадагиларини Иброҳим Мўминов таваллудининг 75 йиллигини унинг ҳаётюртлари ҳўжалик ишлаб чиқаришида янги муваффақиятга эришиш, ободончилик ва маданий соҳаларга бўйича белгиланган режаларни амалга ошириш билан муносиб нишонлайдилар, деб ишонтирди.

Мана, шундан бери беш ой ўтди. Аллома номлидаги колхознинг фидойи меҳнат аҳли КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Ноябрь пленуми қарорларини ва Озёк-овқат программасини изчил амалга ошириш учун курашиб, қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришида яхши натижаларни қўлга киритдилар. Улар давлатга 21,5 тонна пилла тошмирдилар, ярим йиллик гўшт, сут, тухум ва эртаги сазбавот ҳамда резавор махсулотлари планларини ҳам бажардилар. Айни кунларда эсе колхоз далаларида пахта терими-га боғлиқ бўлган барча ишлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ҳўжалик муваффақиятларида Меҳнат Қизил Байроқ орденли бригадлар, машҳур пахтакорлардан Ашур Қутлиев, Имом Еров, тақриблии меҳанизаторлардан Саъдулла Файзиев, Носир Каримов, Носир Ҳамроев, Ҳайит Ҳамидов сингари ишлаб чиқариш новаторларининг ҳиссалари катта. Колхоздаги «Правда», Титов номли, Фурманов номли ўрта мактабларни битирган ёшларнинг кўпчилиги ҳўжаликда ишлаш учун қолгани айни мудоаа бўлди. Колхоз правленийси, партия ва комсомол ташкилотлари бу ёшларни ҳўжалик тармоқларига тартибли равишда жойлаштирдилар. Қизлар сут-товар фермаларида, йигитлар эса маккажўрчилик ва озуқа тайёрлаш бригадаларида меҳнат қилмоқдалар.

Дарвоқе, академик Иброҳим Мўминов таваллуд кўрган қишлоқ ёшларидан етишиб чиққан етук кадрлар, истеъдодли олим фозилар ўз колхозида ва райондагина эмас, балки республикамизнинг турли шаҳарларидаги маданий ва илмий муассасаларда фаол хизмат қилмоқдалар. Мана, одадий мисол. Колхознинг тақриблии инженер-механиги Ҳайит Ҳамидовнинг врач ўғиллари Ҳамид, Эркин ва Мэлспер бири бош врач, иккинчиси бўлим муддир сифатида район аҳолисининг соғлигини муҳофаза қилишда шарафли бурчларини ўтамоқдалар. Бундай ҳожатбарор, инсоний бурчини ҳалол бажараётган кадрларни районнинг бошқа соҳаларида ҳам қўллаб учратасиз.

«Инсон — ўз тарихининг ижодкори». Билим, дониш-мандлик билан айтилган сўзлар. Олимнинг бўҳикмати ташкилотчи ва ғамхўр раҳбар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Жумаев етакчилиги қилаётган Иброҳим Мўминов номли колхоз меҳнат-кашларининг ҳам қалбига жо бўлган. Улар улғу ҳаётюртлари ўқитганидек, самарали меҳнатлари билан ўз умрларининг, жонажон колхоз тарихининг шонли саҳифаларини битмоқдалар.

Ҳа, бахтли замонамизда ҳар бир инсоннинг етук ва фаол инсон бўлиб яшаш учун барча шарт-шароит муҳайё!

Шомурод СИДДИҚОВ

Аршот

ВОҶЕИИ ҲИКОЯ

«С ОБИР, вай бормисан, болам! Бўларингга жоним қоқиндик. Намунча соғинтирмасанг. Кел, пешонангдан бир ўлай...» Собир бошини қўйи эгиб, энди онаси томон бир-икки қадам боғсан эди, тасодифан орада пайдо бўлган тўсиққа бошини уриб олди. Орқидан инграб, тўлғона бошлади...

Кетма-кет чалинган кўнғироқдан Собир уйғониб кетди. Кимдир ташҳарарида ҳам кўнғироқ чалар, ҳам эшикни қоқар эди. У шовши елкасига халатини ташлаб, эшикни очди. Қараса, хуноби ошиб почтачи йигит турарди. Йигит зарда билан Собирга телеграммани тутқазиб, қозога имзо чектирд-да, тезда кўздан го-йиб бўлди. У раҳмат дейишни ҳам унутиб, хонага кирди. Кўзюнагини қулোগа олиб, телеграмага кўз ташлади: «Илтимосингизга кўра... сизни кутиб олишди...»

Деворда осилган турган соат эшикчаси очилиб, ундан масҳарабоз шаклидаги қиёфа кўриниб, ку-кулай бошлади. Ҳар ку-кулаганида Собирга қараб тилини чиқарарди, масҳара қилгандай бўларди. Собир телеграммани ёнига қўйди: «Тавба, тушимнинг тафсири шу экан-да,— деб ўйла бошлади у.— Хайрият, мен бўлсам, не-не хаёлларга бориб урибман. «Кўрқоқинг ҳадиғи чўлдан» деб бекорга айтишмайди-да. Лекин, онамининг руҳи нега саргардон?! Мана, орадан шунча вақт ўтдики, онами бир-икки бора хобимда ўргандим. Ҳа, айтмоқчи, онамининг елкасига оқлик бормиди?... Демак, волидамнинг руҳи мени сафарга чорляпти».

Собир шундай хаёллар билан қизи Аннага телефон қилди. Бир мунча фурсат ўтгач, телефондан уйқу-сирраган кишининг овози эшитила бошлади:

— Ким?! Ҳа, сенмисан, дада. Намунча калла саҳарлаб телефон қилмасанг. Аннани?... Ҳа, ҳозир.

Телефонда қизининг кувёниникидан ҳам кўполроқ овози эшитила бошлади. Собир унга узрини айтиб, она юртига сафарга кетаётганлигини билдирди. Қизи қуруқчина: «Хўп, яхши, омон бориб кел», деб тубқариб осиб қўйди. У қизини овоз чиқариб бир сўқди-да, узича тўнгиллади: «Бу дунёда на боланинг отага, на отанинг болага меҳри бор. Бир оғизгина: «Кузатиб қўйиб, демади-я! Фақатгина ночор бўлиб қолса, пул сўраб келади... Биз ундай эмасдик-ку. Эки... Ҳозир у ёқларда ҳам ўзгариб кетганмикан? Йўқ, йўқ, ундай эмас. Солидас оламдан ўтган бўлса ҳамки, ҳатто тушида ҳам уни эрқалаб, болалиғидаги оти билан атаб қақиради. У томонларда меҳр-оқибат бутун».

Нима ҳам қилсин. Хотини оламдан ўтганига, мана олти йил бўлибди. Шу йиллар ичйда қизи келиб, бирор марта: «Дада, нима овқат ейсан. Кир-пирингни ювиб берайми?», демади. Шу ҳам фарзандми?! Яхши ҳамки, бундан бир неча йил аввал туғилиб-ўсган қишлоғига хат эзиб, қариндош-уруғини қидирган экан. Бир талтайгина қариндошлари бор экан. Улар ҳар сафар ёзган мактубларига меҳмонга қақириб, келинг деб таклиф қилишарди. Айниқса акасининг ўғли: «Дадам ўрнига қадасиз. Бир дийдорингизга тўяй. Дадамнинг юзини кўролмадим. Лазнати уруш ота меҳрига тўйдирмади», деб ёзди. Ахир у ўзи ҳам шу лазнати уруш тўфайли шунча йиллардан бери она юрт васлига зор, қариндош-уруғи, ошна-оғайинлари дийдорига муштоқ, ўза юртларда саргардон бўлиб юрибди. Нега олдинроқ хат эзиб, қариндошларини сурштирибмаган экан. Ҳа, бу ердаги баъзи бир ғаламисларнинг гапига кулоқ солди. Улар: «Агар ватанга борсанг, ўзинг авхта, жойинг Сибир бўлади», деб дўқ-пўписа қилишди. Узининг калласи қаерда экан? Нима бўлса ҳам халқи, эли-юрти, дўсти-ёрлари олдида ўзининг

ҳам юзи шувут эди... Начора, уруш қурбонсиз бўлмаганидек, асирсиз ҳам бўлмас экан. Бўлмаса, у 1939 йилда Қизил Армия сафига хизматга қақирилганда: «Асир бўлман, Ғарбий Германияда яшайман», деб ўйлабдим?! Етти ухлаб тушига ҳам ҳам кирмаган. Қанча-қанча ораулар бор эди. Юрист бўлиб, халқига хизмат қилиш нияти бор эди. Унинг орзулари эрта кўз очиб, совуқда қулаган куртакдек заволга учради... Эҳ, лаянати уруш, сен қанча-қанча кишиларнинг астигини қуритдинг, қанча-қанча нораства гўдакларини етим қилдинг, қанчаларни зор, дарбадар этдинг!

Собир шуларни ўйлар экан, яшаб турган жойидаги ва океан ортидаги баъзи сармоядорларнинг дағдағали нутқларини эслаб, баданидан қумурсқа ўрмалагандай бўлиб кетди. «Наҳотки, яна жангу жадал. Наҳотки, яна ёвузлик, жаҳолат оқил инсон тафаккуридан голиб чиқса?»

кечирмади, дейсиз. Освенцим, Дахау ўлим лагерларини эслашнинг ўзи одамнинг қалбини ларага келтиради. Бунинг устига-устақ, урушдан сўнг бир парча нон топиш учун не кунларни бошидан кечирмади: бировларнинг юмушига ёрдамлашди, кўчаларда атторлик қилди. Охири автомобиль ғилдираклари ишлаб чиқарадиган заводга ишга кирди. Тақдир азал қисмат лавҳасини шундай битанган экан, деб у кунларга кўниқди ҳам. Начора, одам боласи ҳар қандай оғирликка кўниқар экан. Эртадан-кечгача заводда резина пеширар экан, кўз олдиндан тез-тез меҳрибон онаси ўтарди. Баъзан она кўнглига қарамай, шўхлик қилиб, қийнаган дамларини эсларкан, ўзини-ўзи парчалаб ташлағудай бўларди. Отадан эрта етим қолган Собир онаси дийдорига ҳам тўя олмади. Уруш қургани, уруш!

Собир ватандан келиб турган газета-журналларни қайтадан варақ-

ғалати-да, йўлда гоҳ у одам, гоҳ бу одам сизнинг ҳол-аҳволингизни сўраб, тугтиб қолишарди,— хижолатомуз сўзларди Собирнинг жиғини,— келсам, сиз нималарнидир деб йнғла-сирасиз. Аввалига кутиб турдим. Кейин, тўғриси айтсам, ўзим ҳам қўрқиб кетдим...

Жиянининг гапини эшитгунча анча сергак тортган Собир ташқарига чиқди. Бежиримгина, топ-тоза ҳовли кеч куз қуёшида оч-сарик рангда товланарди. Ичкари, салқин хонадан чиққан киши бирданга бунга кўника олмай, бенхтиёр кўзларини ишқар, қуёш нурлари гўё илқ сўмдек одам баданига хуш ёқар, бир зунда дилдаги ҳар қандай кадарни ювиб юборишга қодир эди. У аввалига эринибгина жияни қўлида тугтиб турган обдастага энгашди. Сўнг роҳат қилиб, юз-кўлларини ювди. Сергакланиб, жияни елкасидиги сочиқни олиб артинар экан, талқига, тубсиз осмонга қараб: «Яратганга шукр, шундай кунлар ҳам бор экан-ку», деб қўйди. Сўнг жиянига қаради:

— Кел, ўғлим, шу ерда ўтира қолайлик. Қара, офтоб бирам ёқмилики. У хонанг салқин экан, бадани ювишиб, босинқираб қолибман. Қарамайсанми, эски дард-да. Бу бошлар не-не кунларни кўрмади! Тавба, шунча ўйнадим-қулдим, эски таниш-билишлар билан гаплашдим. Кўп жойларни кўрдим. Бу ўзгаришлар, бу ҳаёт ҳақиқати эканлигига ишондим... Негадир яна алаҳсираб, босинқирайман.

Собир жияни келтирган сўлқилдоқ ноиларни дастурхонга қўйиш юборар экан, гапида давом этди:

— Кел, жияни, ўзинг ҳам ўтир. Ҳамма нарса бадастир. Кўп олиб келаверма, ушатаверма нонни, сува қочиб қолади. Сен мен яшаб турган жойининг одамларини билмайсан. Дастурхон тўла нон қўйишмайди. Керанини кесиб қўйиб, нокарагини дарров ўраб қўйди. Бу ердаги мўл-кўлчиликни қара-я!..

— Ҳа, энди, дада, одам нондан ҳам азиз-да. Ҳа, майли, келинг, сиз айтганча бўлақолсин,— деб меъзон орқича ноиларни соқиқча ўраб қўйди. Собир жияни узатган чоини ича туриб, яна туш мавзусига қайтди:

— Ҳали, нима туш кўрдингиз, деб сўрамайсан ҳам. Ё сенга тушларинми айтавериб эмеритириб қўйдимми?

— Йўғе, ҳозир сўрамоқчи эдим,— дея жавоб қилди жияни.

Собир бир тишлан нонни оғзига солиб, пиеладаги чоини ҳўплар экан, бир оз ўйлаиб туриб, давом этди:

— Сен, балки, уруш маҳбусларини қандай қийнаганлигини кинорларда кўргандинсан, китобларда ўқигандирсан. Билмайман, тушимга қайсидир ўлим лагерларидан бири қирибди. Уша эти устихонига ёпишган маҳбуслар турнақатор турганмиш. Улар орасида мен ҳам боримман. Бир фашист алланималар деб бизни сўқар эмиш. Кейин ҳам-мани бир катта хонага қамаб, маҳбусларни номма-ном алоҳида хонага қақирар эмиш. Киришимиз билан икки давандиргек йигит қўлларини орақга қайрарди. Олдинда кўзлари лўқ, тишлари сўйлоқ, дев қиёфасидаги бир киши афтини бужмайтириб: «Кўзингни ўяман, одам кўзидига гаваҳр ҳамма нарсадан ҳам қиммат, у бизга керак, сенлар кўр бўлишинг жерак», дермиш.



Н. ИБРОҶИМОВ чизган расм

Ич-ичидан отилиб чиққан бу нидо уни қийнай бошлади. «Ахир қачонгача инсон ҳақдик билан яшайди!». Начора, тўқдай тўнғизсиз бўлмайди, деганларидек шундайлар ҳам яшар экан бу дунёда! Лекин, катта қарвон ўз йўлидан равон боришига имоним қомил.

Собир туғилиб-ўсган қишлоғи — Учқўрғонни кўз олдига келтира бошлади... Ёз келиши билан кунлар исиб, одамлар қорбоғидаги мевалар шира боғлаб, киши дилини эрқаловчи латиф тароват тарқата бошлади. Собир тенгдошлари билан Норин қирғоқлари томон бораркан, деворлардан ошиб, осилиб турган ўрик, олма, бехларга кесак отишиб, хонедон эгаларининг «ким у» дейишларига қарамай, тушган меваларни териб олиб, сўнг қочиварди. Сўнг Норин дарёсида чўмилишар экан, бир-бирларига мева отишиб, маза қилиб ейишарди. Мана, болалик ҳам субҳидамда кўрилган ширин туш каби ўтди-кетди. У кунлар энди асло қайтиб келмаслиги эриқ. Қани энди иложи бўлса, у ўз ерида умрининг охиригача яшаса...

Собир шуларни ўйлар экан, ватандан йироқда ўтказган дамларини ўйлай кетди. 40 йил... Айтишга осон! Бир йигитнинг навирон ёши. Бу давр ичйда у қанча-қанча азоб-укубатларни, камситилиш, таққирланишларни, оғир қулфатларни бошидан

лар экан, она юртида содир бўлаётган ажиб ўзгаришлар ҳақида ўқиб ҳажжонларди, баъзан шубҳаланиб ҳам қўярди. Наҳотки, юрдаги бу улкан қурилишлар, одамлар ҳаётига беқиёс ўзгаришлар шу қисқа вақт ичйда юз берган бўлса. Ахир, советлар иккинчи жаҳон урушида энг оғир талофот қўрган мамлакат эмасмиди?! Гоҳо ўз шубҳасидан ўзи хижолат тортиб: «Бундай бунёдкор халқнинг қўлларидан ўпсанг арзийди», деб қўяр эди у. Шуларни қайта-қайта эслаган Собир: «Эрта-индин ватанга бораман. Ҳамма нарсани ўз кўзим билан кўраман», деб ўзига-ўзи таскин бериб қўяр эди.

— Дада, Сизга нима бўлди?! Хўй, дада!

— Аҳ-аҳ... Йўқ, йўқ,— сепчиб ўр-нидан турган Собир олдида ҳайрон бўлиб, серрайиб турган жиянини кўрди ва кўзларини ишқалар экан салмоқлаб деди:

— Э, Эргаш, сенмисан? Зап кел-динг-да, болам... Сен келтирган газеталарни кўриб ётиб, кўзим қилин-ди. Э, бир антиқа тушларни кўрибман...

— Мен ҳам ҳайрон бўлдим... Бозорга тушгандим, бозор оқсоқоли: «Амакнингга Чуст пичоғидан ваъда қилгандим. Тайёр бўлди, ола кет», деб қолди. Бозордан майда-чўйда харажат қилдим. Учқўрғонликлар



Қармис ДУСАНОВ

Музаффар халқ

Биз одамлар жуда кучлимиз,
Биз одамлар буюкмиз чиндан.
Гар интилсак тоғни қучғумиз,
Полвонмиз-у, гулдан нозик ҳам.

Бир сўзимиз, ботир, жангари,
Гоҳ нораста гўдакдай аңқов.
Бирлашганда дўстларнинг бари
Енгиллажак ҳар қанақа ғов.

Ҳар биримиз — бозори шаҳар,
Ҳар биримиз — мустаҳкам қўрғон.
Баъзан зарур бўлиб қолса гар
Иккиланмай бероламиз жон.

Турфа ирку турфа лутфда:
Бўлсак, ҳамки, қонларимиз бир.
Узга-узга шаҳару кентда
Яшасак-да маслак бир ахир:

Ер юзининг ҳеч бир бурчида
Тўқилмасин одамзод қони.
Куч бўлағимиз дўстлар кучига,
Келажак деб яшаймиз ёниб.

Нурга йўрил, абадий жаҳон,
Қабохатни йўқ қиламиз биз.
Ҳақиқат деб тинчимасан жон,
Қону қардош, музаффар халқимиз.

* * *

Манглайда офтоб балқан,
Серхосият, хазинага қон.
Дўстларига жон қадар ёққан,
Тантилигин тан олган жаҳон.
Обод ва ҳур Ўзбекистон — бу,
Келинчақдай нозик иболи.
Далалари кўм-кўқдир мангу,
Юртинг келар бағрида қолиб.

Меҳмон бўлсанг кенг қучоқ очиб,
Бошлар ўзбек тўйга, сайилга.
Сувга чаяр мажнунтол сочин,
Капалаклар ошиқар гулга.
Гавҳар оқар дарёларидан,
Ҳосилига қўшиб барақат.
Юлдузларга ўшар ҳар одам,
Ўйлагани згулик фақат.

Зафар кучса дарров қақирар,
Меҳмон — кўрки ўзбек уйининг.
Чехрасида меҳр барқ урар,
Ютуғиндан кетар суюниб.
Қизлар сўзлар асалдан шиг,
Ширин титроқ бошларан тада.
Энг бахтиёр она қўшигин
Тинглашга кел Ўзбекистонга!

Бу ўлкани гўзал Тошкентсиз
Ҳам Амусиз зтолмам тасвир.
Кезар қўйни-қўнжи тўлиб куз,
Кезар тошиб олтинранг фасл:
Фарғонада, Хоразм ёқда



Тоширганча бойлигин элинг.
Ўзбекистон аталган боғда
Тоғ мисоли юксалар кўнглинг.

Юраги кенг, ҳар ишда танти,
Ўзбекистон — Кўеш фарзанди.

Қорақалпоқчадан Н. ЙҮЛДОШЕВА
таржимаси

Шукур ҚУРБОНОВ

Бахт куйчисига

(МЕТРОДА, ҲАМИД ОЛИМЖОН
БЕКАТИДАГИ УЙЛАР)

Қандайдир масъудлик, поклик бор бунда,
Олатасир ила кириб бўлмади.
Баҳор чарх уради шундоқ бошингда,
Кўнгили бўстонида ўрик гуллайди.
Поездлар югурик, тўлқиндай зангор,
Ҳаёт эса оқар дарё мисоли.
Бунда муқим қолмас ҳеч кимса зинҳор,
Азал тезкор эрур фурсат шамоли.
Бош-кели кўринмас ажиб бир оқим,
Ажиб гала-говур... очирмайди кўз.
Югурик тўлқинлар ортидан боқиб,
Қоласиз ўй суриб яқашу бесўз...
Бу жаҳон бор экан, инсон бор экан,
Ташна зот бор экан бахт-саодатга,
Аволдлар Сизни ёд этгани-этган
Чўмиб ифтихорга, чўмиб ҳайратга.
Мени ҳам чорлайди оҳанрабодай
Сиз ёруғ оламда пойдор этган Сўз.

Муқаррама

Турғунбоевани эслаб

...Чилдирмасин чалиб завқ-ла сар-сари,
Элга таъзимга ҳам бермасдан изн,
Олиб кетган эмиш мангулик сари
Уста Олим руҳи раққосамизни.

Юрагим қинидан чиққудек бўлди.
Улар кўларимни қайриб, мана бу
маҳбуслик тамғасини биллагимга бо-
сишди. Кўларимдан ўт чиқиб, дод
деб юбордим,— Собир кўлидаги
95493 рақамини жиянига курсатар
экан, гапида давом этди.— Кейин
хушдан кетиб, ерга йиқилдим. Аъзо
баданим менга қулоқ солмас, фақат
миям ишлаб турган эмиш. Буни кўр-
ган ҳалиги мени қийнатганлар ҳам-
маси қаёққадир ғойиб бўлиб, ол-
димда бир мўйсифид пайдо бўлиб-
ди, У: «Сабрининг таги — сариқ олтин,
чида, болам. Ма, мана бу қосадаги
сувни ичиб ол!» дермиш. Мен қат-
тиқ ташналик билан сувни ича бош-

ладим. Кўз олдим аста-секин сутдек
оппоқ бўлиб ёриша бошлади... Кў-
зимни, очсам, сен турибсан. Уғлим,
олдинроқ қаерда эдинг?— Собир
намланган кўзларини артар экан,
жиянига тикилди.
Жияни кечкиб қолгани учун яна
узр сўради. Амакисининг руҳини
кўтариш учун таскин билан кўнглини
овлай бошлади.


— Эртага яна Наманганга бора-
миз, айланаб ўйнаб келамиз,— деди.
— Э, ўғлим, мен бу ерда бир ой
ичида ҳамма нарсани кўрдим, ҳам-
ма қариндош-уруғлар билан қақча-
лашдим. Кел, яхшиси ҳозир Норин
бўйига бораёйлик,— деб у жиянига

Аста сархуш айлар бамисли бода,
Аста қаҳва янглиғ очиради кўз.
Ҳар даврнинг бор ўз шодлиги, гами,
Фидойи ва ҳассос ўз шоири бор.
Бирок ўттизинчи йиллар айёми
Шоир нафасидан гуллади ашёр.
Янги рўзгор эди ҳали мамлакат,
Бахтим деб Сиз қўшиқ бошлаган чоғда.
Қилинажак ишлар турарди қат-қат,
Душманлар изғирди яқин-йироқда.
Бугунги ташвишлар, дардлар ўтажак
Мисоли баҳорги оқиб тинган сел.
Шоирлардан ҳукми олий кутажак
Меҳнат, машаққатда юксалғувчи эл.
Уйларга солдим шу оғир мантиқ,
Аччиқ изтиробга юрак тўлдими.
Бошқа ҳикматларни сўйлашдан ортиқ,
Бахт ҳақида куйлаш керак бўлдим.
Жарангдор шеърингиз елкама-елка
Туриб коммунистик эътиқод ила,
Ялли хўжалиқдан сўз айтиб элга,
Хизмат кўрсатолди энг қийин йиллар.
Бевақт аёз ҳазон этмаганда
Ҳаётингиз гулин, устоз, шубҳасиз,
На фақат эл бахтин, қайғусини ҳам
Куйлаб берардингиз расо ва тўқис.
...Поездлар югурик, зангор тўлқиндай,
Ҳаёт оқиб борар дарё мисоли.

Инсон бундай тушни кўрмоқлик учун
Буюк бир умрни ашаши даркор.
Буюк умр сўрар ирода кучин,
Қалб кўрин, шуурин — бермай ихтиёр.

У йиллар кўп оғир, саҳнага чиқмоқ,
Ўлимини бўйинга олмоқ билан тенг,
Қавилар шайнига сира ўчмас доғ,
Авжи саналарди шармандаликинг...

Турсунона Нурхон фожиалари
Ҳали чиқмаганди хотиралардан,
Бидъат, хурофотнинг чиркин назари
Безовта айларди қатнаб заллардан.



Муқим қололмасман мен ҳам, ох, бунда,
Масофалар турар олдинда ҳали.
Юксалтириб шеърга тушган ишқини,
Замонга мос қадам ташлашим лозим.
Устоз, Сиз куйлаган пойдор қўшиқни
Ўлим узган жойдан бошлашим лозим.

Муқаддас даргоҳлар тимсоли бўлиб
Томошахоналар кўриқланди жим.
Санъат гуруҳлари юртда бир йўла,
Саҳнани тарк айлаб кетмади ҳеч ким.

Бутун ўлка бўйлаб этарди давом
Ҳар кўй, ҳар жабҳада инқилоб қатъий.
Ўша йилларийёқ қозонди зўр ном
Жаҳон кўз ўнгида юртим санъати.

Ўша шон-шавкатнинг давоми эрур
Бу кун санъатимиз кўнган бор доғруқ,
Мисли хирмон-хирмон дон-мева берур
Минг битта заҳмат-ла сочилган уруғ.

— Ватансизлик дарди ёмон,
жиян. Мен беватанман!

Амакисининг гапига қулоқ солиб,
оғзи очилиб қолган жияни нима
дейишини билмай лол турарди.

Собир жияни елкасига секин қо-
қар экан, деди:

— Мана, сафарим ҳам қариб
қолди, муҳлатим битяпти. Икки-уч
кундан сўнг қайтаман. Яна она туп-
роққа келиш насиб этдимини, йўқми,
ким билади. Бу ёғи... Ёш ҳам ўтиб
қолди...

Жиян билан амаки Норин томон
аста-секин кетишди.

ВОҲИД ЗОҲИДОВ



Кўп миллатли совет адабиёти ва фани оғир жудоликка учради.

Таниқли олим, ёзувчи ва жамоат арбоби, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ҳамза

номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган фан арбоби Воҳид Йўлдошевчи Зоҳидов 1983 йил 19 июлда 69 ёшида вафот этди.

В. И. Зоҳидов 1914 йилда туғилди. Озарбойжон Давлат педагогика институтини тугатганидан сўнг Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетига ўқитувчилик қилди. Кейин у Ўзбекистон Давлат нашриётида бош редактор, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида Санъат ишлари бўйича комитет бошлиғи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари мудири, ҚҚАССР Маориф халқ комиссарининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академик-секретари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг директори, «Ғулистон», «Шарқ юлдузи» журналларининг редактори, «Ўзбекистон маданияти» газетасининг бош редактори бўлиб ишлади. 1967—1969 йилларда Ўзбекистон ССР маданият министри бўлди. 1970 йилдан бошлаб

умрининг сўнги кунларига Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Ҳамза номи Санъатшунослик институти директори бўлиб ишлади. В. И. Зоҳидов йирик файласуф олим, адабиётшунос, публицист эди. «Ўзбек адабиёти тарихидан», «Алишер Навоий ғоялари ва образлари дунёси», «Улуғ шоир ижодининг қалби», «Тарих шуълалари», «Алло-малар маъмуаси», «Ҳамиша навқирон кўшиқлар», «Адабий ўйлар», «Гўзаллик ижодкори» сингари йирик фундаментал илмий асарлар унинг қаламига мансуб эди.

В. И. Зоҳидов актив педагогик фаолият олиб борди, илмий ва педагогик кадрларни тайёрлашга доимо эътибор берди, фан ютуқларининг толмас тарғибчиси эди. Янгиликни ҳис этиш, олимлик истеъдоди тиниб-тинчимас ташкилотчилик қобилияти билан уйғунлашиб кетган эди.

Воҳид Йўлдошевчи Зоҳидов кўп куч ва вақтини жамоатчилик фаолиятига бағишлади. Африка халқлари билан дўстлик Совет уюшмасининг вице-президенти. Чет мамлакатлар

билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти раисининг ўринбосари, Чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқалар «Ватан» жамиятининг раиси, СССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг аъзоси эди.

Воҳид Йўлдошевчи Зоҳидовнинг бутун адабий, илмий ва жамоат фаолияти партиёга, халққа, Ватанга, кўп миллатли совет маданиятига, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдек улуввор ишга садоқат билан хизмат қилишга бағишланган эди.

Коммунистик партиё ва Совет ҳукумати В. И. Зоҳидовнинг Ватан олдидаги хизматларини юксак баҳоладилар. У икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёриқлари билан муқофотланган эди.

Таниқли адабиётшунос ва олим, коммунист, жамоат арбоби, меҳрибон дўст Воҳид Йўлдошевчи Зоҳидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ю. П. Максимова, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмоновжаев, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. К. Камолов, Н. М. Маъмурдов, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, Р. Ҳ. Абдуллаева, М. Т. Турсунов, С. А. Нишонов, А. О. Тураев, С. О. Азимов, О. С. Содиков, К. И. Лапкин, З. Р. Раҳимбобоева, Л. И. Ремпель, А. М. Рибник, Н. С. Сафаров, С. Ҳ. Сирожиiddinov, Уйғун, П. Қ. Ҳабибуллаев, М. И. Швердин, Э. Ю. Юсупов, К. Н. Яшин.

Табият ва инсон

ЎРМОНЧИ

Шамсиддин аканинг уйи шундоқина Ҳисор тоғ тизмаларининг этагиди. Ховлисидан пастликдаги ям-яшил экинзорлар, қишлоқлар, Қизилсув сунъий денгизи кафтдагидек кўзга ташланиб туради. Уйнинг орқасида эса пуриквор тоғ чўққилари, кенг далалар, зилол булоқлар, сойликлар ястаниб ётибди.

Шамсиддин ака ҳар кунги одатига кўра эрта тонгда муздек булоқ сувида юз-кўлини ювиб шу манзараларга завқ билан боқадди. Мабодо бирор ёққа бориб қолгудек бўлса, дарров ишини битириб изига қайтади, ям-яшил тоғлар бағрини соғиниб қолади.

Кека ўрмончи нега шундай аҳволга тушишини ўйлаб кўрган эмас. Аммо у шунинг яхши биладики, болалиги шу табииётнинг саховатли, гўзал кенгликлариди ўтди. Тоғлар бағрини обод қилишга, булоқларнинг тўхтаб қолмаслиги, арчазорларнинг кесилиб кетмаслиги, ҳайвон ва паррандаларнинг қирилиб йўқ бўлиб кетмаслиги учун бутун кучини, ғайратини сарфлади. Теварак-атрофга, одаларга бўлган бу меҳрини балки она табиятнинг ўзи унинг қалбига солгандир! Эндилликда Чўянли, Сарихалқа, Қуриқсой деб номланган дара, сойликларда боғлар шовуллаб, шўғил-шўғил хосил туғади. Бу боғларни эса у уқалари Ҳусан, Тўра, ўғиллари Сайфи, Нормаматлар билан бирга кўп машаққатлар чекиб яратишган.

Боғ-чорбоғлар денгиз сатҳидан уч, уч ярим метр метр балангликда жойлашган. Бу ерда экин-тинкин қилиш осон эмас. У қийинчиликлардан чўчимлади. Ёнига уқалари ва ўғилларини олиб, кўчат экди, боғ қилди.

Шамсиддиннинг ҳаётидаги эсдан чиқмайдиган воқеа эса 60-йилларда содир бўлган эди. Эрта баҳорда боғ

қилиш учун қирқ гектар майдон тайёрлаб қўйишганди. Бүдённий номили совхоз раҳбарлари, бу ерлар бизга қарашли, деб бугунги уруғи сендириб юборишди. Яна тортишув, яна мунозара бошланди. Масалага область ижрония комитети аралашди. Бу иш яна инспектор фойдасига ҳал бўлди. Ҳозир ўша майдонда бодом, писта, олма, ўрик, шафтоли, анжир каби шифобахш мевалар кўпалаб етиштирилмоқда. Шу-шу Чўянлининг олмаси, Сарихалқанинг ўриги, Пасра бодоми машҳур бўлиб кетди...

Илгари бу жойларда ёввойи бодом, арчадан бошқа дарахт ўсмадди, улар ёнғоқ, шафтоли, анжир ниҳолларини ўрмон хўжалигининг Калтақўл қишлоғидаги кўчатзордан олиб келиб экишди. Ҳозир бодомзорлар шўғил ҳосилга кирган.

Бу ердаги дарахтларни кўрган киши ҳозиргина сўғорилибди, деб ўйлайди: барглари кўм-кўки. Аслида ундай эмас. Ўрмончилар ёзда дарахтлар тегини ағдариб, юмшатиб, намин сақлаб қолишади. Лангар ўрмончилик бўлими бўйича ҳар йили 200 тоннадан ортиқ мева топширилмоқда.

Дарҳақиқат, Шамсиддин Оллоёров табият фарзанди. У кимки табиятга, дов-дарахтларга, ниҳолларга шикаст етказса, қалби озор чекади. Чунки ҳар бир дарахт, нав-ниҳол, ҳатто тоғлар ҳам инсон муҳаббатига муҳтож. Ахир, тоғлар бағрида шифобахш мевалар, доривор гиёҳлар ўсма, кишиларга роҳат бағишлайдиган булоқлар бўлмаса, парранда ва ҳайвонлар кўпайиб, инсонларни қувонтирмаса, бу дара ва чўққиларнинг кимга кераги бор! Тажрибали ўрмончи Шамсиддин Оллоёровнинг фалсафаси шундай.

Норқул ТИЛОВОВ

СУВ МЎЪЖИЗАСИ

Бу йил ҳавзаларда оби ҳаётнинг одатдагидан камчил бўлганлиги туфайли ҳар қатра сувдан гоят омилкорлик билан фойдаланиш учун қизгин кураш кетмоқда. Бир гуруҳ миришкорларимизнинг сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳақида республика меҳнаткашларига мурожаати аини муддао бўлди.

Қоровултепа сув омбори республика миришкорларидан кенжа иншоотлардан ҳисобланади. Сув омборининг дастлабки навбати ишга туширилди. Бу ерда саккиз миллион куб метр сув тўланди. Ана шу обихаёт ҳисобига Галлаорол районида янги ташкил этилган «Музбулоқ» совхозининг лалми майдонлари сўғорилиб, тоқзор ва бозорга айлантилди. Шунингдек, қатор ҳўжаликларга узлуқсиз суратда сув етказиб бериш имконияти юзага келди.

— Омбордаги сув билан олти миң гектар ерни сўғориш мумкин,— дейди Қоровултепа сув омборини қураётган тўққизинчи кўчма механизмлашган колонна бошлиғи Мустафо Бўлтаков.— Бу йил сувнинг камчилигини ҳисобга олиб, унинг ер бағрига беҳуда сингиб кетмаслиги учун каналларни сифатли бетонлаштриди. Ҳозирги пайтда мазкур сув омбори Галлаорол районидagi «Соҳибкор», «Музбулоқ», «Коммунизм» ва «Ғулистон» совхозларини сув билан таъминламоқда. Ҳозирги пайтда бу ерда бағрига 53 миллион куб метр сув сигдирадиган омбор қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бунёдкорлар сув иншоотини Ўзбекистон ДСР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган кунгача фойдаланишга топшириш иштиёқи билан меҳнат қилмоқдалар. Қурувчиларга автомобиль корхоналарининг ишчилари техника ёрдами қўрсатишмоқда. Мавжуд резерв ва имкониятларни ишлаб чиқаришга дадил жорий этиш туфайли қурилиш ишлари ҳажми уч баравар ошди. Йил охиригача қурувчилар камида тўрт миллион сўмлик иш бажаришга аҳд қилганлар.

Қоровултепа сув омбори кўп миллатли совет халқининг метиндек дўстлиги рамзи сифатида бунёд этилмоқда. Скреперчилар, бульдозерчилар, экскаваторчилар бригадалари мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Айни пайтда Қоровултепа сув омборида тўпланадиган сувни экин майдонларига элтадиган Мулкшўк канали таъмир қилинмоқда. Келажикда Галлаорол районида сўғориш ишлари тўғри йўлга қўйилгач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2—2,5 баравар ошади. «Ғулистон» совхози директори Тўйчибой Худоёров шу ҳақда бундай деди:

— Сув омбори биз деҳқонларнинг эҳтиёжини бажо этишга аминимиз. Ҳўжалигимиз боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Сувга бўлган эҳтиёжимиз тўла таъминланса, озука базаси мустаҳкамланган ва давлатга топширадиган маҳсулотимиз ҳажми икки ҳисса ортан бўлар эди. Шу орзуларимиз яқин орада рўйбга чиқишидан умидовал.

...Галлаоролнинг қон томири — Қоровултепа сув омборидан каналларга обихаёт таралмоқда. Сувнинг ҳар бир қатрасини дур билган деҳқон ундан тежаб-тергаб фойдаланмоқда.

Пардабой ТОҶИБОВ

Жиззах область, Галлаорол району

Ошиён ташвиши...

Н. Шарипов фотозтўюди



«ИШ МАДАНИЯТИ»

ҲАЖВИЯ

Ишга етиб боришим керак.

— Интизом деган гапни биласанми йўқми? Ин-ти-зом!

Яна ўн минут тоқат қила олдим. Охири тоқатим тоқ бўлди. Яна ялншига тушдим. «Мен ҳам «инозик» жойда ишлайман, ишга етиб бормасам, яхши бўлмайди. Аёлманд кишиман», дедим.

— Мунча ваҳима қиласан? Нечта боланг бор?

— Ўн тўртта!

— А?! Нима-нима?!— чўчиб ўрнидан туриб кетди қоровул.— Ўн тўртта?! Йўғ-е!

— Наҳотки, ишонмасангиз? Одам ўз боласини ҳам билмайдими?

— Ҳе, яшавор-е! Менда ҳам ўн битта бола бор,— деди юмшаб.— Ўн болаликнинг онаси қаҳрамон бўлади, ўн биталикнинг отаси ҳам қаҳрамон бўлади дейишади. Демак, сен икки қарра қаҳрамон эксан-да? Сендек қаҳрамон оталарга дунёдаги ҳамма эшиклар очик!

Маданият бўлими бошлиғи Али Алиевич Валиевни сиртдан яхши танирдим. Коридорга киришим билан, рўпарамдан барваста, келишган бир йигит йўлакнинг у томонидан қўлида чойнак билан келяпти. Мени кўриб юзюзда табассум балқитди, чойнакни чап қўлига олиб, самимий кўришди. Кейин одоб билан таъзим қилди-да, кабинетига кириб кетди. «Ҳа-а,— дедим ўзимча,— уйдан вақтли чиққан эканми иш бошладан олдин нонушта қилиб оларкан-да. Пайтида келибман. Мендан яхши гапни эшитса, иш-тахасига ҳам яхши...»

Эшикни қия очиб, рухсат сўрадим

— Кеңирасиз, Али Алиевич, бир минутга мумкинми?

— Кўргандирсиз?— эшикка ишора қилди у.

— Фақат бир минут!

— Ярим соат!— кинояли илжайди бошлиқ. Бу, иш вақтига яна ярим соат вақт бор дегани экан. «Вақтингизни олмайман, бир оғиз гапим бор, айтману кетаман», дедим. Ҳу-парасига яна бир стул қўйиб, ўтиришга ундади.

Стул чеккасидаги оқ қоғоз устида жаззали нон билан бир бош тағоби узум турарди. Али Алиевич онни ушатиб қўйди ва чойни қайтара туриб деди:

— «Аввал таом, сўнгра калом», дейдилар машойихлар. Қани, марҳамат!

— Келишимнинг боиси шуки, сизга чин кўнгиладан...

— Ҳай-хай-хай,— қўлини кўтариб сўзимни кесди Али Алиевич,— ҳозиргина нима дедим? Иш бошланишига ҳали вақт кўп. Бир шавла пиширса ҳам бўлади, палов пиширса ҳам.

— Менга фақат бир минут...

— Биламан, биламан. Ҳар бир минут ўз қадри ва ўз аҳамиятига эга, оғайни,— тушунтира бошлади Али Алиевич. — Марҳамат, дўстларим чойини асалга ўхшатиб ширин дамлайсан дейишади, бир нўши жон қилинг. Нон ҳам жуда маззали-да. Келишиминг...

— Ҳурматли Али Алиевич, мен ишга кеч қоламан. Шунинг учун ижозат берсангиз, мен...

— Интизом, оғайни, интизом. Ин-

тизом ҳам иш маданиятига қиради. Ваҳоланки, иш вақтига яна ўн олти минут вақт бор,— нон бурдаларини мен томон суриб қўйиб, узумни шингилларга тақсимлади.— Олсинлар, Қистакўз тағобиси. Шунанкам ширинки, тилингизни ёради.

Бир тишлам нону биғ шингил узум тановул қилиб, яна илтимос қила бошладим:

— Садағангиз кетай, Али Алиевич, бугун муҳим масалани муҳокама қилмоқчи эдик. Кеч қолсам, бошқалар маҳтал бўлиши мумкин...

— «Бошқалар маҳтал бўлиши мумкин!» Оё-ё-ё!— киноя оҳангига гапимни такрорлади бошлиқ. Бу ерга давлат аҳамиятига эга ишлар билан келишади. Сиз ҳам ўйнагани келма-гандирсиз, албатта...

— Йўқ-йўқ! Садағангиз кетай, ҳузурингизга келишимнинг боиси...

— Ҳай-хай, кепакдек оғир бўлсинлар. Мунча шошасан? Аввал узумдан олинг, нукул глюкоза бу. Мияни яхши ишлатади,— кейин соатига қараб деди,— яна ўн минут вақт бор. Бемалол чой ичаверинг.

Қулогим Али Алиевичда бўлса ҳам, кўзимни двордаги соатдан узмадим. Аксига олгандай соат миллари ҳам тошбақа-юриш қиялпти. Эх, худ-о-ей, қандай тушунтирсам экан-а?

— Хўш, мана яна олти минутгина қолди,— деди Али Алиевич узум доналарини оғзига соларкан:

— Садағангиз кетай, акажон, энди менга ижозат берсангиз...

— Оё-ё-ё, намунча? Қарога келганингизни ҳам унутиб қўйибсиз шекилли? Хали беш минут вақт бор.

— Ундай бўлса, ижозатингиз билан сизга сидқидилдан...

— Нима дедим? Бизда иш куни роса тўққизу нол-нолдан бошланади.

— Соатингизга дурустроқ қаранг, иш вақтидан роса ярим минут вақт ўтди,— дедим.

КАДРАЛАР БЎЛИМИ



РАСМ-МАСАЛ

Характеристика бўйича-ку қўй, аммо аслида-чи!..

— Ҳе-е, жағингиз курсин, мени ишдан қолдирибсиз-ку!— дея жаҳли чиқди Али Алиевичнинг.— Иш маданиятини биласизми-йўқми!

— «Иш маданияти, иш маданияти», деб ўзингиз менинг ишматли вақтинги олдингиз-ку! Наҳот, бир оғиз гапни тинглаш учун соат тўққизгача кутдириб шарт бўлса!

— Уйлаб гапиряпсизми? Соат нима учун керак экан? Интизом деганлари нега? Нимага иш маданияти дейдилар?!— деб ўрнига бемалол ўлтириб баландроқ овоз билан давом этди у.— Ҳай майли, ёрилиг тезроқ!

— Сизга оиламиз аъзолари номидан сидқидилдан ташаккур айтишга келувдим,— дедим.

— Нима учун? Нону узум учунми?

— Йўқ, атайлаб келишимнинг боиси, садағангиз кетай!... сабабини айтмай бош қашиб қолдим.

— Узи нега келдингизу нима демоқчи эдингиз? Мабодо чой билан кўшиб ютуб юбормадингизми?— қаҳқаҳ уриб кудди Али Алиевич...

Мен қафасдан кутулган қушдек кабинетдан учиб чиқдим... Қани энди бизнинг томонга троллейбус юрса. Тўри борадиган автобус ҳам йўқ. Боргунча уч автобусага алмашиб лозим. Садағангиз кетай, шуларга қарамай, умримда ишдан бирор марта, кеч қолган одам эмасман. Ҳақиқат мақтов эшитганим эшитган эди.

Иш ўнгидан келмаса, босган оёғингиз орқага кетавераркан. Гапнинг рости, ҳозир қарога ва нима учун бораватганини ҳам эслолмасдим. Ваҳоланки, биринчи галда идорага бориб, Али Алиевичга сим қоқиб (йўлда максадим эсимга тушиб қолган), боғганим боисини айтмоқчи эдим.

Автобусдан тушиб, йўл ёқасида бошқа машина кута бошладим. Ранг-баранг энгил машиналар бири-бирини қувиб тўхтамасдан ўтарди. Ҳатто айрим танишлар ҳам қоқиқ ўрнига қотилган тарракдек қиб боқмай ўтиб кетардилар. Хайрият, ҳожатбарорлар ҳам топиларкан. Садағаси кетай, олдига бир ашл ранг «Жигули» келиб тўхтади. Хурсандчилигимдан лоторезга ютган машиндек кўринди кўзимга. Идорага етиб бориб, қарасам, ишдан роса икки соат уч минут кечкибман. Эшитяпсизми, роса икки соату уч минут!..

Шундай қилиб, садағаси кетай, Али Алиевичнинг «иш маданияти» каминга «хайфсан» деган «совга» бахш этди. Хайрият, «қаҳрамон оталигим» иш берди. Йўқса, қавушимни тўғрилаб қўйишлари аниқ эди. Лекин шун ҳоқега туфайли Али Алиевич, сингари айрим акаларнинг иш маданияти» худусида тўла тасаввурга эга бўлиб олди.



Бир неча кунлик оворагарчиликдан сўнг мақсадимга етдим. Садағаси кетай, район маданият бўлими раҳбарлари розилиги билан маданият уйи санъаткорлари укамнинг никоҳ тўйида хизмат қилишди. Хизмат қилганда ҳам қандай денг? Бази ялласини арши аълога чиқарилди. Ҳе, омон бўл-е! Ҳаммамиз севинганимиздан маданият бўлимига бориб, самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз, деган қарорга келдик.

Одоб юзасидан аввал бошлигимиз олдиндан ўтишни лозим топдим.

— Кеңирасиз, Эркабой Мўминович, эртага маданият бўлимига бир минутга киришим зарур эди,— дедим.— Илтимос, агар ўн-ўн беш минут кечроқ қолсам... ишдан кейин бирор соат қолиб, қусурини чиқарман...

— Дарвоқе, менга қаранг,— нимадир эсига тушгандай деди бошлиқ.— одатда район раҳбарлари хўроқ қичқирмаёқ ишда бўладилар. Ярим соат олдинроқ борсангиз, сиз ҳам куймайди, қабоб ҳам. Тушундиларми?

— Ҳе, садағангиз кетай, Эркабой Мўминович!— хурсандчиликдан бошлигимизни кучиб қўйдим.— Ҳақиқатдан ҳам каллангиз яхши ишлайди-да! Иш вақти бошлангунча талай ишларни дўндириб мумкин-ку, а?

— Лекин эртарақ келишмаса, зудлик билан идорага қайтинг. Ўзингиз яхши биласиз, эртага мажлис бор,— таъкидлаб қўйди бошлиқ.

— Албатта, Эркабой Мўминович!.. Иш вақтидан роса бир соат илгари ҳашаматли бино олдига ҳозир бўлдим. Эчкисоқол, ўртабўйли қоровул: «Қарга қағилламай қаердан пайдо бўлдинг, оғайни!» деб таъна қилиб қўйди. «Раҳбарлар ишга саҳарлаб келаркан-ку!» дедим.

— Саҳарлаб бош қашинга келишади, деб ўйлайсанми? Яхшиси ишишдан қолма, оғайни. Афтингдан маданиятли одамга ўхшайсан-ну, тартиб-интизом нималигини билмас эксан-да!— дея кўз кири билан маломат ўқини отди менга қоровул.— Мехнат интизоми олдига шох ҳам, гадо ҳам баравар!

Раҳбарлар ярим соатдан кейин бирин-кетин кела бошлашди. Қоровулдан калитин олиб бири чап томондаги, иккинчиси ўнг томондаги коридорларга кириб кетишарди. Керакли одамни учратолмадим. Орқа томондан ҳам йўл борлигини қайдан билар.

— Мабодо маданият бўлимининг мудири келгани йўқми?— деб сўрадим қоровулга яқинлашиб.

— Келди. Бари бир қабул қилмайди. Ахир, иш куни бошланишига яна ярим соатдан ортиқ вақт бор,— деди қоровул бўш пиллани чертаркан.

— Садағангиз кетай, келган бўлсалар, рухсат этинг, бир оғиз гапимни айтмо тезроқ кетай, ишдан кеч қоляпман,— дедим илтижо оҳангига.

— Интизом, оғайни, интизом!— эътибор бермай чой ича бошладим у.

— Жон ака, вақтларини кўп олмайман. Ўзимнинг ҳам вақтим тизиз.



ЧИНИҚИШ ОМИЛИ


Бугунги кунда югуришнинг фойдасини ҳамма билади. Кейинги йилларда жисмоний тарбиянинг бу тури тобора оммалашиб бормоқда. Мамлакатимизда югуриш машгулотларини ташкил этиш буйича катта тажриба орттирилди. Машқ қилиш режими, уни тиббий назорат қилиш усуллари ишлаб чиқилди, югуришнинг саломатликка фойдаси масалаларига бағишланиб кўпгина илмий тадқиқотлар ўтказилди.

Югуриш билан оммавий равишда шуғулланиш бугунги кунимизнинг ажойиб хусусиятларидан биридир. Бундан йигирма йиллар бурун кўчада югуриш ўрта ёшли кишиларнинг, ҳатто йигитларнинг ҳам ҳаёлига келмасди. Энди эса, югуриш машқлари биз учун жисмоний тарбиянинг энг яхши белгиларидан бири бўлиб қолди. Яқин-яқинларгача кўчада катта

ёшдаги киши югуриб кетаётган бўлса, атрофдагиларга эриш туюларди. Эндиликда бундай одамга бошқалар ҳавас билан қарайдилар.

Югуриш машгулотлари бугун жаҳон миқёсида ҳам оммавий тус олиб кетди. Масалан, Финляндияда аҳолининг 15 процентга яқини югуриш билан шуғулланади. Кўпинча улар узоқ масофаларга чопишни хуш кўради. Швецияда эса бутун-бутун кварталларда яшовчи аҳоли югуриш учун қилинган махсус йўлақларда чопишни машқ қиладилар.

Бизнинг мамлакатимизда 1982 йили Югурувчилар кuni ҳисобланган 12 сентябрда чопиш йўлақларига 47 миллион киши чиқди. СССР Спорт комитети ва Енгил атлетика федерацияси яқин вақтларда саломатлик учун югурувчилар сонини 80—100 миллионга етказиш юзасидан қатор тадбирлар белгиламоқдалар. Югурувчилар Бутуниттифоқ клубини ташкил этиш ҳақида ҳам қарор қабул қилинди.



А. ХОЛИҚОВ чизган расм

Югуришнинг бунчалик оммавийлашувининг боиси нимада?

Тиббий тадқиқотлар фаол жисмоний фаолият билан шуғулланмаган кишиларда ўттиз ёшга кириб-кирмай организм имкониятлари сусаяборишини ва 50 ёшга кирганда ёшга нисбатан бўлган имкониятларининг атиги 30 проценти сақланишини кўрсатди. Бу эса жисмоний ва ақлий қобилиятнинг пасайиши, кайфиятнинг ланж бўлишида ва тез-тез касалликларга чалиниш аломатларида кўринади.

Саломатликни муҳофаза қилишда жисмоний машқлар самарали роль ўйнайди. Инсоннинг югуриб чиниқиш аъёнлари дастлаб XIX—XX асрлардан бошлаб тарқалди. Шу асрнинг 60-йиллари бошларида Янги Зеландияда узоқ масофага секин югуриш билан саломатликни мустаҳкамлаш, жисмонан бардам бўлиш кенг тус олди. Булар, албатта, югуриб организмни чиниқтириш соҳасидаги дастлабки қадамлар эди. Эндиликда эса бу соҳада жаҳон миқёсида ва бизнинг мамлакатимизда етарли амалий тажриба тўпланди, тадқиқотлар ўтказилди. Эндиликда бу ҳақда тегишли амалий ҳамда илмий хулосалар чиқариш учун тўла асосларга эгамиз. Югуриш билан мунтазам шуғулланган кишиларда иш, фикрлаш қобилияти кескин ортади, руҳи тетик бўлиб, уйқусизлик, бош оғриқ, қизик-қонлик сингари нохуш кайфиятлар барҳам топади.

Секин югуриш билан шуғулланиб турган кишиларда унинг органлари ва организм системалари тўлиқ ҳаракатда бўлади. Бу жараён, албатта, режим меъёрида кечади.

Бутуниттифоқ жисмоний тарбия илмий-тадқиқот институти ходимлари соғломлаштириш гуруҳларида қатнашётган 50—75 ёшлардаги кишилар устида кўп йиллик кузатишлар олиб бордилар. Текширишлар югуриш машгулотлари организмда артериал қон босимини мўътадиллаштиришини, қон айланишини яхшилашини, айни вақтда, қонда холестерин даражасини пасайтириб, қон томирларида атеросклероз ривожланишининг олдини олишини кўрсатди. Шундай қилиб, югуриш билан мунтазам шуғулланиш киши организмни соғломлаштириб, руҳи ва танасини тетик ва бардам қилади.

Айрим чет эллик тадқиқотчилар югуриш таъсирида инсон жигари ва меъда ости безлари ҳужайраларининг тикланишини, чекувчиларда ўпка тўқималарининг тозаланишини аниқладилар. Югуриш билан мунтазам шуғулланиш мускул тўқималарида ёнмак тўпланишига йўл қўймайди. Демак, қаришнинг олдини олади. Бундан ташқари, югуриш машқини ўтаб турган кишиларнинг қонда холестерин (а) миқдори ошади. Бу эса атеросклероз ва рак хуружига қарши ҳимоя омилдир. Масалан, Нью-Йорк Суғурта жаҳияти ўзининг 100 миң кишилик миқозларини текшириб кўрганда югуриш билан шуғулланувчи кишиларда юрак қонтомир касалликларидан ҳалок бўлиш ҳоллари бошқа кишиларга қараганда уч марта кам эканлиги аниқланди.


Хуллас, ҳар томонлама ўтказилган медицина текширишлари натижасида секин югуриш билан мунтазам шуғулланиш фақат соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлибгина қолмай, балки югурувчиларда организмнинг қариш жараёни сустлашини, унда маълум даражада ёшариш юз беришини кўрсатди. Югуриш билан мунтазам шуғулланувчиларда эллик ёшгача жисмоний навқиронлик сақланади. Олтимиш ёшлик югурувчиларда эса юрак-қон томир системаларининг параметрлари худди югуриш билан шуғулланмаган ўттиз ёшли кишиларникидек бўлади.

Дардчил одамлар югуриш билан билиб-билмай шуғулланмасликлари лозим. Улар, албатта, аввал тегишли медицина кўригидан ўтишлари керак.

Таъкидлаш керакки, югуриш машқини тўғри ташкил этиш лозим. Югуриш тезлиги ва муддатини аста-секин, организмнинг ҳолатига қараб ошириб бориш керак. Бунда ҳеч қачон зўрма-зўракилик кетмайди. Югуриш билан шундай шуғулланиш зарурки, у сизга руҳий бардамлик ва қувноқ кайфият бахш этсин.

Ҳа, югуриш, сизнинг ёшиңиздан қатъий назар, жисмоний чиниқишнинг муҳим омилларидандир.

М. ЗАЛЕСКИЙ,
медицина фанлари кандидати,
В. КУЛАКОВ,
педагогика фанлари кандидати,
СССР спорт мастери
«Наука и жизнь» журналидан
қўсқартиб олинди.)



Югуриш завқи бошқача-да.

Н. Шарипов фотоси


Хурматли журналхон! «ГУЛИСТОН» саҳифаларида кел-
гуси 1984 йилда ҳам республикаимизнинг қайноқ ҳаётини акс
эттирувчи, замондошларимизнинг меҳнат жасоратлари ҳам-
да ғалабалари ҳақида ҳикоя қилувчи публицистик мақола-
лар, фото лавҳалар, бадий очерклар, ёзувчиларимизнинг
ҳикоялари, шеърлари, расомлар, ҳайкалтарошлар, халқ
амалий санъати вакиллари янги асарларининг репродукция-
лари, кўп миллатли совет адабиёти атоқли вакиллари, шу-
нингдек, жаҳон адабиёти намояндалари асарларидан таржи-
малар мунтазам равишда ёрити борилади. Халқ хўжали-
ги, адабиёт ва санъат борсидаги тадқиқотларга, бугунги

ҳаётий муаммолардан баҳс этувчи мақолаларга ҳам етарли
ўрин берилади. Бундан ташқари, одатдагидек, фан ва техни-
ка тараққиётига, сирли самоват янгиликларига, ранг-баранг
илмий тадқиқотларга оид қизиқарли материаллар ҳамда
халқаро мавзулардаги мақолалар билан танишиб бориши-
гиз мумкин.

«ГУЛИСТОН» журнали чакана савдога чекланган миқ-
дорда чиқарилишини яхши биласиз, албатта. Вақт оз қол-
ди. Шунинг учун обуна бўлишдан кечикманг.

Обуна баҳоси: бир йилга 4 сўм 20 тийин.

КРИПТОГРАММА



МУҚОВАДА:

Биринчи бет. СССР халқ артисти Ҳалима НОСИ-
РОВА. Рассом М. Я. Розенкр, 1945 йил. Асар биринчи марта
эълон қилинмоқда.

Иккинчи бет: 1. Тошкент Гематология ва қон қуйиш
илмий тадқиқот институти болалар клиникасининг раҳбари,
медицина фанлари доктори, профессор Абдуқодир Тўраев,
кичи илмий ходим Файзулла Абдуллаев, катта илмий ходим
Зулайхо Тожиева, болалар клиникасининг бўлим мудири
Озода Болтахўжаева, врач-ординаторлардан Елена Саяпина,
Назира Пирматова, Жамолiddин Сирождидинов бола
саломатлигини кўздан кеçирмоқдалар. 2. Тошкент Гематоло-
гия ва қон қуйиш илмий тадқиқот институтининг катта ҳам-
шираси Раҳима Қимматова билан қон қуйиш кабинети хо-
дими Ҳамида Рисқиева.

Е. Ботиров фотолари

Тўртинчи бет. Тошкентдаги Баланд иморатлар қу-
рилиши бош бошқармасига қарашли 11-трестнинг комму-
нистик бригада бошлиғи, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ
орденлари кавалери Мухтор Ҳабибуллаев.

Н. Шарипов фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларга
қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши
шарт.

Хурматли журналхонлар! Мазкур криптограммани қуйидаги изоҳ-
ланган сўзлар ёрдамида ҳал этсангиз, Ўзбекистон халқ шоири Фафур
Фулмонинг Тошкент шаҳри мадҳ этилган шеърдан тўрт мисра ўқийсиз.

I. 14. 15. 4. 8. 2. 9. 26.— Тошкент ҳақидаги илк маълумотларни ёзиб
қолдирган ўрта аср қомусий олими.

II. 7. 16. 7. 1. 20. 3. 6. 5.— XVI асрга оид меъморлик ёдгорлиғи.

III. 19. 1. 27. 14. 6. 2.— Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири.

IV. 6. 17. 11. 15. 24. 1.— Тураржой массиви.

V. 25. 1. 2. 18. 6. 12.— Шаҳарнинг қадимий майдони.

VI. 5. 6. 10. 1. 12. 10. 8. 3. 6. 23.— Улуғ Ватан уруши йилларида турли
миллат фарзандларини тарбиялаган киши.

VII. 28. 4. 8. 2. 13. 15.— Тошкентдаги район.

VIII. 22. 3. 18. 6. 4.— Фафур Фулом повести.

IX. 21. 5. 23. 6. 26.— Ўзбек халқ куйи.

Тузувчилар: Фозилжон ОРИПОВ,
Анвар МИРЗАЕВ

8-СОНДА БОСИЛГАН ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Улуғзода. 2. Техникум. 3. Назматок. 4. Файратий. 5. Тожмаҳал.
6. Академик. 7. Картошка. 8. Трилогия. 9. Марҳамат. 10. Марварид.
11. Геология. 12. Тенглама. 13. Виктория. 14. Матросов. 15. Церетели.
16. Пирамида. 17. Исландия. 18. «Истибод». 19. Регистон. 20. Чавандоз.
21. Наманган. 22. Каркидон. 23. Чигиртка. 24. Амазонка.
Цифрограммада: Меҳнат шўҳрат келтиради (Мақол).

8-СОНДА БЕРИЛГАН ШАХМАТ МАСАЛАСИНИНГ ЖАВОБИ

Биз ўтган сондаги учта шахмат масаласининг ҳар бирида оқ доналар
биринчи бўлиб юриш бошлашини ва икки юришдаёқ қора шўҳра мот
эълон қилинишини айтган эдик. Бу партиялар қуйидаги тартибда ҳал
этилди: А. 1. [d4!

Оқ руҳ қора филга қарши «жангга шайланиб» турибди. Масалани
етиш учун бошқа уринишларнинг фойдаси бўлмапти, нега десангиз, қора
сипоҳ оқ руҳни енгиши мумкин. [... 1.Кс3! Оқ сипоҳ тўртта қора домага
зарба бериш ҳаракатида. Қизиги шундаки, оқлар фақат руҳ билан
финлигина эмас, балки резервада турган қоралар фарзинини ҳам «уйин-
дан ташқари ҳолатга» чиқариб қўйдилар. Х1.18 руҳ!! Оқ пиёда руҳга
айланади. Агарда у фарзин ёки филга айланганда эди, унда мот бўлиб, уйин-
да дуран натижага эришиларди. Агар пиёда отга айланган тақдирда,
иккинчи юришда мот қилиб бўлмасди. Қоралар шўҳи юришга мажбур бўл-
ганлиги учун ҳам учта оқ руҳлардан бири иккинчи юришдаёқ қора-
ларга мот эълон қилади.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, **Воҳид ЗОҲИДОВ**, Наримон
ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар
САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Қомил ЯШИН, Азиз
ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь),
Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўрин-
босари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ.

«Гулистон» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художест-
венный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке)

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари —
333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлими — 333602; адабиёт
ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 325832.

Босмаҳонага туширилди 19.07.1983 й. Босишга рухсат этилди 23.08.1983 й.
Р — 07354. Қўғоз 70×108 $\frac{1}{2}$. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5.6.
Нашр ҳисоб тобоғи 7.80. Тиражи 245310. Буюртма № 1390. Нашр Б — 117.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Бай-
роқ ордени босмаҳонаси. 700000. Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

Қашқадарё область Кўкдала районидаги «Қизил аскар» совхозининг илғор чўпони, Ленин ордени кавалери Азим Каримов ўз сурувидаги ҳар 100 совлиқдан 180 тадан қўзи олди.
Суратда: Азим Каримов.

Е. Ботиров фотоси



Қашқадарё область Кўкдала районидаги
«Қизил аскар» совхози яйловида.



ISSN 0134—2207

Баҳоси 35 тини

Индекс 75233.

